

СҮЗ БОШИ

Құлғынгыздаги «Маърузалар матни» мусиқа үқытиш методикаси фанидан методик құлланма сифатыда яратылды. Маързуза матнияни асосий мақсади олий ўқув юртлари талабаларини мусиқа мәданияты дарсларида ва синфдан ташқары мусиқа тарбияси ишларини, методик жиҳатдан түғри ташкил этиб, ДТС асосида мазмунлы қилиб олиб боришга қаратылған.

Республикамизда «Таълим түғрисида»ги Қонун ва «Қадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг 2 – сифат босқичини амалга ошириш мақсадида, маързуза матни қайта күриб чиқылды. Яңги адабиётлар, иш тажрибалар ва фан янгиликлари билан бойитылды. Ушбу маързуза матни Олий ўқув юртлари мусиқа факультетлари ва бошланғыч таълим услубиёт факультет мусиқа бўлимлари учун мўлжалланган.

1 – МАРУЗА (2 соат)

МАВЗУ: ШАХС КАМОЛОТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА
МУСИҚА ТАРБИЯСИННИГ РОЛИ

РЕЖА:

1. Маданий ҳаётимизда мусиқани тутган ўрни.
2. Мусиқа таълимотини ривожлантиришига мусиқа маданияти дарсларини аҳамияти.
3. Шахсни шаклланишида мусиқанинг роли.
4. Мусиқа ўқитувчиси олдига қўйилган замонавий талаблар.

АДАБИЁТЛАР:

1. Д.Ф. Омонуллаев «Мактабда мусиқа тарбияси методикаси» лекциялари курс . Т.1990 йил
2. М.О. Иномова. «Педагогика» маъruzалар матни Т. 2000 йил
- 3.О.Алраксина. «Методика музикального воспитания в школе» Т.1992

Маъруза матни

Мусиқа маданий ҳаётимизда кенг ўринни тутган, иносон шахсиянини шаклланишида муҳим аҳамият қасб этадиган санъат туридир. Мусиқа тарбияси эса, нафосат тарбиясининг асосий ва мураккаб қирраларидан биридир, у атрофдаги гўзал нарсаларни тўғри идрок этишга ва қадрлашга ўргатади. Ўқувчиларга нафосатли гарбия беришда умумтаълим мактабларидағи мусиқа маданияти дарсларини аҳамияти катта. Ўқувчилар нафосат ҳиссини, санъат сирларини тушунишини ва қадрлашни, санъатдан баҳраманд бўлишини, аввало мактабларга ўрганадилар. Нафосат диёзини шаклланиши учун эса, мусиқа маданияти дарслари билан бир қаторда синфдан ташқари мусиқа тарбиясини аҳамияти катта. Чунки, синфдан талиқари мусиқа тарбиясининг оммавий ва тўтарак шаклларида болалар ялпи тарзда жалб этилади. Зотан, мусиқа тарбияси

созанда ёки хонандани эмас, энг аввало инсонни тарбиялайди. Ўсиб келаётган ёш авлодни мусиқа, гўзаллик оламига олиб киради. Чунки, мусиқа инсон ҳаётига кучли таъсир кўрсатиш имкониятига эга ва аҳлоқий – нафосат тарбиясининг муҳим воситасидир. Инсон мусиқа билан она алласи орқали танишиб, умирбод мусиқадан завқ топади. Мусиқадан озуқа олиш учун эса, инсон юксак маданиятли, соғ қалб эгаси, гўзаликни хис эта оладиган бўлиши керак. Олимлардан бирлари: «Одам шахс бўлиши учун, у руҳий томонидан ривожланиши, ўзини бир бутун инсон деб ҳис қилмоғи керак» – деган эди.

Шахсни ривожлантириш учун аввало, унинг ҳулқига таъсир этувчи омилларни, унинг табиатини, қизиқишини ўрганиш лозим. Бунинг учун шахсни турли муносабатлар доирасига қўйиб кузатиш керак. Ана шундагина унинг ижтимоий ҳулқи, маънавий қиёфаси, инсоний фазилатлари рӯёбга чиқади. «Ҳар бир инсон – деган эди Абу Носир Ал – Фаробий – ўз табиати билан шундай тузилганки, у яшаш ва юксак етуклика эришиш учун, инсонлар жамоасига эҳтиёж туғилади, шу сабабли у кўп нарсаларни ўзаро ёрдамлашуви орқали етуклика эришади».

Болани шахс сифатида ривожлантиришда насл, атрофидаги муҳит, тарбия муҳим роль ўйнайди. Ўқитувчи бу омилларни кузатиб, ўрганиб чиқиб, ўқувчиларни қизиқиши, қобилияти, мусиқага, гўзаликка, меҳнатта муносабатларига қараб, мусиқий билим, кўникма ва малакаларини сингдира бориши лозим. Инсон мусиқадан умрбод завқ топади ва мадад олади. Шу боис ўқувчиларга мусиқа маданиятини тарбиялаш, юксак дид билан қуроллантириш, маънавий дунёқарашини шакллантириш бошланғич синф мусиқа ўқитувчисини вазифасидир. Мусиқа инсон руҳиятига эмоционал таъсир кўрсатиш билан бирга, мусиқий товуш ёрдамида вужудга келадиган мусиқий товуш ёрдамида вужудга келадиган мусиқий оҳанглар билан таъсир этади, болаларни қувонтиради, ўйлантиради, яхшиликка, гўзаликка етаклайди ва нафосат оламига олиб келади. Шундай экан, бошланғич синфларда мусиқа маданияти

дарсларига эътибор янада кучайиб, бошланғич синф мусиқа ўқитувчиси олдига катта вазифаларни қўяди. Шу билан бирга, иқтидорли ўқитувчиларни, мактаб ҳаётига оммавий ва тўтарақ ишларига жалб этиш бошланғич синф ўқитувчиси зиммасидадир. Мусиқа маданияти дарсларида миллий мусиқа меросларидан тўлақонли фойдаланиши ва бутунги замонавий асарларни мусиқа дарсларида қўллаш, ўқитувчидан иш мазмунини ва услубини янгилашни талаб этади. Бунинг учун мусиқа ўқитувчиси ўз фанини пухта билиши, болаларни севиши, педагогика, психология, болалар физиологияси, мусиқа ўқитиши методикасидан чуқур билимга эга бўлиши лозим. Чунки ёш авлодни баркамол инсон қилиб тарбиялашда мусиқа ўқитувчиси етакчи бўлиб ҳисобланади. Мактаб ҳаётида бошланғич синф мусиқа ўқитувчисини фаолият миқёси кенгдир. Мусиқа маданияти дарсларидан ташқари, ўқувчилар билан тарбиявий мусиқали очиқ дарслар ўтказади. Бу ҳозирда ишлаётган ўқитувчилардан иш мазмуни ва услубида янгиланиш жараёнини талаб этади. Бундай талаблар янги нашрдан чиқсан қўлланмалар, тавсияномалар, дастурлар, дарсликлар кенин маънода мазмунли қилиб ёритилган. Мусиқа ўқитувчиси дарс жараёнидаги қўшиқ куйлаш, мусиқа тинглаш, мусиқага мос болалар чолғу асбобларидан жўр бўлиш мусиқий ритмга ҳаракатлар бажариш каби дарс фаолиятларида мусиқага қизиқтира олиш, уларни мусиқий қобилиятларини ўстиришга ҳаракат қилиши лозим. Чунки, мусиқа ўқувчиларга тез таъсир эта оладиган таълим – тарбия воситасидир. У ўқитувчиларни шахс бўлиб шакланиши учун оммавий ва аҳлоқий томондан ижобий таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам мусиқа маданияти дарслари, аввало тарбия дарси деб аталади. Дарс самарадорлигини ошириш мусиқа ўқитувчисидан меҳнат, ўз фанига муҳаббат, болаларни гўзаллик ва нафосат оламига олиб кириш учун билим, мусиқага меҳр ва шижоат талаб этади.

ТЕКШИРИШ САВОЛЛАРИ:

1. Маданий ҳаётимизда мусиқа қандай аҳамиятта эга?
2. Баркамол инсонни тарбиялашда мусиқонинг мақсади ва вазифалари нимадан иборат?
3. Шахсни тарбиялашда мусиқа қандай аҳамиятта эга?
4. Мактаб ҳаётида мусиқа ўқитувчисини тутган ўрни?

Таянч тушунчалар:

Мусиқа – турли – туман товушлар билан образ яратиб берувчи, ғоявий эмоционал мазмунга эга бўлган санъатни бир тури.

Мусиқа эстетикаси – мусиқа санъатининг моҳияти, бадиий шакллари ва услубларини ўрганадиган фап.

2 – МАЪРУЗА (2 соат)

МАБЗУ: КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МИЛЛИЙ ДАСТУРИНИНГ МАЗМУНИНИ МАҚСАДИ ВА АСОСИЙ БОСҚИЛАРИ

РЕЖА:

1. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини мазмунни ва омиллари».
2. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни асосий мақсади ва вазифалари.
3. Давлат Таълим Стандартлари дастурини жорий этилиши.
4. Бошланғич синф мусиқа ўқитувчиси ва унга қўйилган замонавий талаблар.

АДАБИЁТЛАР:

1. И.А.Каримов. «Баркамол авлод орзуси». Т. Ўзбекистон 1998 йил
2. М.О. Иномова. «Педагогика маърузалар матни» Т. 2000

3. Д.Ф.Омонулаев ва бошқалар «Бошланғич таълим»
Давлат Таълими Стандартлари дастури. Т. 1992
4. О. Шайхова. Инсон ва унинг маънавий дунёси Т.
1993

Маъруза матни

Ўзбекистон таълим тарбия соҳаси ва ислоҳ қилишнинг асосий омилларидан бири «шахс манфаати ва таълим устиворлигидир». Бу омил давлатимизни ижтимоий сиёсатини белгилаб берадиган муҳим жараён бўлганлиги учун 1997 йил 29 август Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясида «Таълим тўғрисида» ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ишилаб чиқилди. Бу борада Президентимиз И.А.Каримов «Тарбиячи – устоз, ёш авлодни ақл – идрокини ўстириш, баркамол етук инсон этиб ётиштириш учун энг аввало, ўзи шу талабларга жавоб бериши ва шундай фазилатларга эга бўлиши керак» – деган эди. Дарҳақиқат ўқитувчилик касбида биланчонлик, зукколик, ўз касб маҳоратини мунтазам тақомиллаштириб бориши талаб этилади. Шунинг учун ҳам, барча касблар ичида ўқитувчилик касби шарафли ва масъулиягали ҳисобланади. Жамиятимизни маънавий янгилинишида демократик, ҳуқуқий, давлат қуриш кадрлар тайёрлаш миллий дастурида асосий масала бўлиб ҳисобланади. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни асосий омилларидан бири, ҳалқнинг бой интеллектуал мероси ва умуминсоний қадриялар асосида замонавий маданият, иктисадиёт, фан, техника ва технологиянинг янги ютуқлари асосида кадрларни тайёрлаш ва янги тизимини шакллантириш.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни асосий мақсади, бугунги мустақиллик шароитида давлат, жамият ва онла олдида жавобгарликни ҳис эта оладиган етук, комил инсонни тарбиялаш, таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, ўни утмишдан қолган мағнуравий қарашлар ва сарқитлардан тўла холос этиш, ривожланган демократик давлат даражасида, юксак маънавий ва аҳлоқий талабларга жавоб берувчи кадрлар тайёрлаш миллий

тизимини яратиш. «Кадрлар тайёрлаш миляй дастури»да белгиланган барча вазифалар уч босқичда амалга оширилиши кўрсатиб берилган.

1 – босқичда (1997 – 2001 йиллар) педагогик ва илмий педагог кадрларни тайёрлаш ҳамда уларни малакасини ошириши замон талабларига жавоб берадиган даражада ташкил этиш ҳамда таълим олувчиларнинг юксак тайёргарлик даражаси ва маънавий – ахлоқий савиясиининг сифатига нисбатан қўйиладиган зарур талабларни белгилаб берувчи, давлат таълим стандартларини яратиш ва жорий этиш асосида миляй дастурни рўёбга чиқариш ва йўналишларига аниқликлар киритиш.

2 – босқичда (2001 – 2005 йиллар) мажбурий умумий ўрта маҳсус, қасб – хунар таълимига, шунишдек ўқувчиларнинг қобилияtlари ва имкониятларига қараб, табақалаштирилган таълимига ўтиш, сифат босқичини шакллантириш.

3 – босқичида (2005 ва ундан кейинги йиллар) – тўпланган тажрибаларни умумлаштириш асосида, янада ривожлантириш. Таълим жараёнини ахборотлаштириш, узлуксиз таълим тизимини жаҳон ахборот тармоғига, компьютер ахборот тармоғи орқали улаш. Масофада ўқитишини жорий этиш. Мусиқа санъати, янги авлодни тарбиялашда ўзига хос манба бўлиб хизмат қлади. Азалдан, ўзбек мусиқа таълим – тарбия педагогикаси ва унинг мукаммал услублари устоз ва шогирд анъаналари мисолида такомиллашиб борган. Шу боис барча ўқув предметлари қатори мусиқа фанидан ҳам 1998 йил 10 май Вазирлар Маҳкамасининг 203 –сон қарори билан Давлат Таълим Стандартлари ишлаб чиқилди.

Давлат Таълим Стандартлари жорий этилиши миллий мусиқий меросдан тўлақонли фойдаланиш имконини беради. Булар оммавий ҳалқ куй ва қўшиқларида, хонанда ва созандаларнинг ижодий фаолиятлари мақом, ё шашмақом, достонлар ва бугунги замонавий мусиқий фаолиятида ўз аксини топган. Янги таълим мазмуни, ўқувчиларнинг билим ва малакаларини оширади, хотираларини мустаҳкамлайди, образли

тасаввур қилиш, мусиқий дид каби ҳислатларни ривожлантиради.

Узлуксиз таълим тизимининг фаолият олиб бориши Давлат Таълим Стандартлари асосида, турли даражаларидағи таълим дастурларининг изчилигиги асосида таъминланади ва қуиидаги **таълим турларини** ўз ичига олади:

- мактабгача таълим;
- умумий ўрта таълим;
- ўрта маҳсус, қасб – ҳунар таълими;
- олий таълим;
- олий ўқув юртидан кейинги таълим;
- қадрлар малакасини ошириш ва үларни қайта тайёрлаш;
- мактабдан ташқари таълим.

«Умумий таълим дастурлари»: мактабгача таълим, бошланғич таълим (1 – 4 синфлар), умумий ўрта таълим (5 – 6 синфлар), ўрта маҳсус, қасб – ҳунар таълимини ўз ичига қамраб олади.

Таълимнинг асосий принциплари қуиидагиларга асосланади:

1. Таълим – тарбиянинг демократик характерда эканлиги.
2. Таълимнинг узлуксизлиги ва изчилигиги.
3. Умумий, ўрта ва ўрта маҳсус таълимнинг мажбурийлиги.
4. Лицей ёки қасб – ҳунар коллежида ўқиш танлашнинг ихтиёрийлиги.
5. Таълим тизимининг дунёвий характерга эга бўлиши.
6. Давлат Таълим Стандартлари доирасида таълим олинининг ҳамма учун очиқлиги.
7. Таълим дастурларини танлашга ягона ва табакалаштирилган ёндашув.
8. Таълим тизимида давлат ва нодавлат бошқарувни булини.
9. Таълим тизимида Ҳалқ таълим вазирлариги давлат бошқарувни органи ҳисобланади.
10. Билимли бўлишни ва истеъодони рағбатлантириш.

Давлат Таълим Стандартлари мазмунидаги ўқувчиларни мусиқий иқтидорини ривожлантириш,

музиқа санъатига мөхр ва иштиёқини ошириш, музика санъатига қизиқувчи ўқувчиларга шарт – шароит яратиб бериш, уларни бадиий эҳтиёжини қондириш, музика таълим – тарбиясини асосий вазифасини ташкил этади.

Ўқувчиларни музика санъатини бутун нафосати билан ўрганишлари, мусиқани бадиий идрок этиш, якка ва жамоа бўлиб қўшиқ куйлаш, рақсга тушиш ва ижодкорлик малакаларини шаклантириш Давлат Таълим Стандартларини асосий мақсади бўлиб ҳисобланади. Шунингдек, умумий таълим доирасида ўқувчилар ўзлаштириши лозим бўлган минимал билим ва малакалар баён этилган.

Давлат Таълим Стандартлари музика дастурида мусиқани ўргатиш методикаси, дарсларининг таҳминий режаси, йил, чорак, мавзулар, ўзбек халқ мусиқаси намуналари, ҳамда композиторларнинг янги замонавий асарлари киритилган.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида қўтарилиган барча масалалар, Республикализнинг ақлий салоҳиятини оширишга қаратилган экан, бу энг аввало ўқитувчи касбига бўлган муносабатни ошириш лозимлигини тақозо этади.

Бугунги мустақиллик шароитида таълим муаммоларини ҳал қилишда, бошланғич синф музика ўқитувчиси замон билан ҳамнафас қадам ташлаб, ахборот технологияси ва илгор педагогик технология малакаларини тўлиқ ўзлаштириш ва шулар асосида таълим – тарбия жараёнини ташкил этмоғи лозим. Синфдан ташқари музика тарбиясини тўғарак шаклида рақс дастури, фолклор, доирачилар ансамбли, хор тўғараклари, вокал ансамбли музика ўқитувчисини зиммасидир. Ўқитувчи бир соатлик музика дарсида ҳам чолғу, ҳам хонанда, ҳам дирижёр, ҳам сценарий муаллифи, ҳам артист бўлиши лозим. Шу боис, музика дарси санъат дарси дейилади. Бунинг учун музика ўқитувчиси ўз касбига ва болаларга мөхр қўйган юксак маданиятли кенг дунёқарашга эга бўлган шахс бўлмоғи лозим. У педагогика, психология, болалар физиологияси, этика ва эстетика назариясининг амалий соҳаларидан

етарли даражада билим, кўнирма ва тажрибага эга бўлиши лозим. Чунки бошланғич синф мусиқа ўқитувчининг мактаб ҳаётида фаолият миқёси кенгdir.

ТЕКШИРИШ УЧУН САВОЛЛАР:

1. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг мазмунини очиб беринг?
2. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини мақсад ва омилларини ёритиб беринг?
3. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини асосий босқичлари мазмунини очиб беринг?
4. Давлат Таълим Стандартлари мазмуни ва мақсадини айтиб беринг?
5. Бошланғич синф мусиқа ўқитувчиси ва унга қандай вазифалар қўйилган?

Таянч тушунчалар

Фолклор – ўзбек халқ оғзаки ижоди.

Асар, ижод – композитор яратган мусиқа.

Динамика – товушларнинг қаттиқ – секин ижро қилиниши.

Мусиқа шакли – мусиқа асарининг тузилиши.

Мақом – мусиқа чолгу асбобларида парда ва товушлар ўрнини билдиради.

3 – МАЪРУЗА (2 СОАТ)

**МАВЗУ: МУСИҚА ДАРСИННИГ УМУМДИДАКТИК
ПРИНЦИПЛАРИ**

РЕЖАЛ:

1. Педагогика фани асосида мусиқа таълимининг ўқитиш усувлари.
2. Мусиқа ўқитишининг дидактик асослари.
3. Систематик, иламийлик, давомийлик принциплари.
4. Онглийлик ва активлик принциплари.
5. Мусиқа дарсларида кўргазмалик принципи.
6. Ўқув материалларининг болалар билим ва малакаларига мослиги буларни мустахкамлаш принципи.

АДАБИЁТЛАР:

1. Ж.Мажидов, Р.Ражабов. «Мактабда мусиқа таълими самараадорлигини оширишнинг дидактик асослари» Т. 1990
2. С.Йўлдошев. «Ўзбекистонда мусиқа тарбияси ва таълимнинг ривожланиши» Т. 1985
3. Д. Омонуллаев. «Умумий таълим мактабларида мусиқа дастури» Т. 1992

Маъруза матни

Мусиқа маданияти дарслари педагогиканинг дидактик назарияси ва принциплари асосида тузилади. Мазкур принциплар ўқитувчи ҳамда ўқувчи томонидан бажариладиган барча таълим асослари –дарс мазмунини методлари ва дарсларнинг тузилишидаги асосий талаблар ва унинг йўналишларини белгилаб беради. Мусиқа маданияти дарсларининг дидактик принциплари беш турдан иборат:

1. Мусиқа таълими ва тарбиясида системалик, илмийлик ва давомийлик принципи.
2. Дарсда ўқувчиларнинг онглилик ва активлик принципи.
3. Мусиқа маданияти дарсларида кўргазмалик принципи.
4. Ўқув материалларининг болалар билим ва малакаларига мослиги принципи.
5. Мусиқа дарсларида билим ва малакаларнинг мустаҳкамлиги принципи.

Мазкур принциплар асосан, ўқув материалларини қўллаш, мусиқа дарсини мазмунини ва режасини тузиш жараёнида қўлланади. Юқоридаги, қайд этилган умумидидактик принциплар бир – бири билан узвий боғлиқ бўлиб, мусиқа дарсини давлат таълим стандартига мувофиқ, миллий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда, узлуксизлигини ва узвийлигини асос қилиб мусиқа фаолиятини изчилигини таъминлайди.

1. Мусиқа таълими ва тарбиясида системалик, илмийлик ва давомийлик принципи ҳар бир дарсда ўзининг тузилиши ва мазмуни билан илмий асосида ташкил топиши лозим. Мусиқа ҳақиқидаги билимлар доираси, мусиқа таълими ва тарбиясининг асосий омилийдир. Унда инсоният яратган мусиқага оид қоидалар, хулосалар, умумлашган мусиқавий тажрибалар ўз аксини топган. Уларни ўзлаштириш – мусиқа амалиёти йўлида билим ва кўникмалар хосил қилиш демакдир. Дарс жараёнида ўқув материалларини болаларнинг билим тажрибасига мослиги. Болалар овозининг ривожланиш қонуниятларини ҳисобга олиш, нота қонуниятларини тўғри ўргатиш, болаларнинг фикрий қобилиятига мос равишда таҳлил этиш дарснинг илмийлик принципларини ташкил этади. Илмийликни, системаликсиз амалга ошириш қийин. Дарснинг барча ўқув фаолиятини ҳамда кейинги дарсларнинг ўзаро мантиқий боғланиши системалик асосини ташкил этади. Куйлаш ва тинглаш учун асарларни билим ва малака даражасига кўтариб, соддадан мураккабга, номаълумдан маълумга қараб ўзлаштириб бориш принциплари муайян тартибга мос бўлиб, системалик демакдир. Дарснинг ҳар бир фаолияти ўз навбатида, ҳар бир дарснинг мантиқий давоми бўлиб, педагогик мақсадларни тобора амалга ошириши давомийлик принципи демакдир.

2. Дарсда ўқувчиларни онглилик ва активлиги принципи

Мазкур принцип дидактиканинг етакчи принципларидандир. Чунки, билимни ўзлаштириш ўқувчининг ақлий фаолиятига асос бўлган билиш жараёнига боғлиқдир. Мусиқа идроки кишининг ҳаётий тажрибасини бойитади, реал воқёаларни бадий ҳис этиб, билиш, фикрлаш қобилиятини ўстиради. Мазкур малака ва кўникманинг шаклланиши бола онгининг узоқ ривожланиш жараёнини талаб этади. Бунинг учун боланинг ўқув материалларни онгли равишда билиб ўзлаштириши, билим жараёнини активлигини вужудга келтиради. Маълум мусиқа асарини куйлаб ёки тинглаш ўзлаштириш ва ундан бадий – эстетик, завқланиб, идрок

этишда, боланинг энг аввало, диққат эътиборини жалб эта билиш унда қизиқиш уйгота билиш, онглилик ва активликни вужудга келтиради. Мусиқани онгли идрок этиш ва навбатида бадий оҳанг ва мантиқий жиҳатдан хотирада турғун сақланишни талаб этади. Мусиқа дарсларида онглилик ва активлик айниқса, вокал – хор малакаларини шакллантирилиши учун зарурдир. Хор бўлиб қўшиқ куйлаш, мусиқа тинглаш, мусиқа саводи, фаолиятларида ҳам, онглилик ва активлик, мусиқани назарий ва амалий жиҳатларини тўғри билиш ва ўзлаштиришни осонлаштиради.

3. Мусиқа дарсида кўргазмалилик принципи.

Мусиқа тарбиясида мусиқанинг ўзи ўзига кўргазмали

воситадир. Чунки, у кўз билан эмас, балки қулоқ билан идрок этилади. Мусиқа тинглашда ҳам, асар таҳлилида ҳам, оҳанг кўргазма сифатида ижро этиб кўрсатилади. Ўқитувчининг ўзи, нутқи, ижроси ҳам асосий кўргазма бўлиб хизмат қиласиди. Бундан ташқари, техник воситалар, кўргазмали карточкалар, график ёзувлар, расмлар, нота ёзувлари ҳам, мусиқа дарсида кўргазма сифатида мухим роль ўйнайди.

4. Ўқув материалларининг болалар билим ва малакаларига мослиги принципи.

Мазкур принцип, дастурдан танлаб олинган ўқув материаллари ва мазкур методик материаллар асосида дарс мазмунини тузиш жараёнида қўлланилади. Бунда ҳар бир синфнинг умумий билим ва малака даражаси ҳисобига олиниши шарт. Дастур асосида ҳар бир синфнинг билим ва малакалари ҳисобига олинган ҳолда, мусиқа дарсининг ярим йиллик календарь – мавзули режаси тузилади. Календар – мавзули иш режа бир йилда икки марта, ўқувчиларнинг ёш ҳусусияти, мусиқий ўқуви, янги қўшиқлар, мусиқа тинглаш учун асарлар, мусиқа саводидаги ўқув материаллари, дарс фаолиятларига қараб тузилади.

5. Мусиқа дарсларида билим ва малакаларининг мустаҳкамлиги.

Мазкур принципларини амалга оширишининг энг асосий шарти, юқорида баён этилган тўртта принципига жиддий амал қилишдан иборатdir.

Биринчидан билим ва малакаларнинг чуқурлиги, мустаҳкамлиги ва ҳаётйлигини таъминлаш лозим, яъни мазкур асарни ва унинг ижро услубини, маданий ҳаётимиз учун зарур эканлиги ҳақида болаларда ишонч ҳосил қилишниши лозим.

Иккинчидан асарларни танлашда қуидагиларга амал қилиш керак:

а) асарнинг болаларни маънавий ва ахлоқий тарбиясини учун мослиги.

б) мусиқа таълим мининг ҳусусияти.

в) синфдаги барча болаларни мазкур асарга қизиқтира олиш ва тўла ўзлаштиришга эришиш.

Учинчидан дарсда олинадиган билимлар доираси ва малакаларини амалиётда тақрорлаш ва мустаҳкамлаш. Масалан: Қўшиқларни жумлаларга бўлиб ўргатиш ва кейинги дарсларда мустаҳкамлаб тақрорлаш.

Тўртингчидан мусиқа дарсларида ҳар бир янги билим элементи дарс фаолиятида тўлиқ ўзлаштирилади ва кейинги дарсларда кенг қўлланилиб, доимий билимга айлантирилади.

Хуроса, қилиб айтганда, педагогиканинг умумдидақтиқ принциплари, мусиқа маданияти дарсларида катта аҳамиятга эга бўлиб, мусиқани ҳаёт билан боғлашда муҳим аҳамият қасб этади.

ТЕКШИРИШ САВОЛЛАРИ:

1. Педагогикани дидактик принципларининг моҳияти нимадан иборат?
2. Умумдидақтиқ принципларининг қандай турлари мавжуд ва уларнинг мусиқа дарсларида қўлланилиши?
3. Мусиқа дарсларида системалик, давомийлик принципларидан қандай фойдаланилади?

4. Күргазмалилик, онглилик ва активлик принципларидан мусиқа дарсida қандай фойдаланиш мүмкін?
5. Үқув материаларининг болалар билим ва малакаларига мослиги принципи деганда нимани тушунамиз?
6. Мусиқа дарсларида билим ва малакаларни мустаҳкамлаш принципи қандай құлланилади?

Таянч тушунчалар:

1. **Оҳанѓдошлиқ** – бир неча товушларнинг бир йўлга солиб куйланиши.
2. **Чолғучи** – мусиқачи, созанда чолғу асбобларда ижро этувчи.
3. **Принцип** – тамойил.
4. **Мусиқа тарихи** – Мусиқа саънатининг пайдо бўлишидан ҳозирги замонга қадар тараққиёти.

Мусиқа назарияси – мусиқа таҳлили, ижроилигини ўргатувчи фан.

4 – МАЪРУЗА (4 соат)

МАВЗУ: МУСИҚА МАДАНИЯТИ ДАРСЛАРИНИНГ ҲУСУСИЯТИ ВА СТРУКТУРАСИ

РЕЖА:

1. Мусиқа маданияти дарсларининг мақсад ва аҳамияти.
2. Мусиқа маданияти дарсининг ҳусусияти ва бошқа фанлардан фарқи.
3. Мусиқа маданияти дарсининг бошқа фанлар билан алоқаси.
4. Мусиқа дарсининг структураси.
5. Мусиқа дарсининг фаолият турлари ва уларнинг ўзига хос ҳусусиятлари.

АДАБИЁТЛАР:

1. Д.Ф.Омонуллаев. «Умумий таълим мактаблари учун мусиқа дастурлари». Т. 1992 йил.

2. Ҳ. Нурматов «б – синф учун ўқув қўлланма». Т. 1997 йил
3. Ҳ. Нурматов ва Н.Норхўжаев 1 – синф учун «Мусиқа алифбоси» дарслиги. Т. 1998 йил.
4. Г.М.Шарипова. «Бошланғич синфларда мусиқа ўқитиш учун методик қўлланма». 2001 йил.

Маъруза матни

Дарс, мусиқа тарбияси тизимида, етакчи омил ҳисобланади. Чунки, болалар ялпи тарзда қамраб олинади. Мусиқа болаларни ақлий ҳамда аҳлоқий ривожланишида катта ижобий таъсир кўрсатади. Шунинг учун мусиқа дарслари энг аввало, тарбия дарси дейилади. Фаннинг номи фақатгина мусиқа ўқитиш методикаси эмас, балки мусиқа тарбияси методикаси дейилади. Янги дастур мазмунидагар ўтиш учун мусиқа ўқитувчиси ўзининг мусиқий ва назарий билимларини такомиллаштириши лозим. Бугунги кунда мусиқа инсонни шаклланишида муҳим роль ўйнайди, унинг ҳиссииёти ва руҳиятига фаол таъсир кўрсатади. Умумтаълим мактабларининг асосий вазифаларидан бири, ўқувчиларни нафосат оламига олиб кириш ва маънавий тарбия бериш. Бунда ўқитувчи болаларни маълум бир мусиқа асари билан таништириб, уни ифодали, «жонли» қилиб ижро этиб, ўқувчилар диққат эътиборини асарга жалб этади, уларнинг нутқини ўстириш, фикрлаш қобилиятини, дунёқарашини кенгайтиради, эмоционал ҳис – туйгуларга ҳам фаол таъсир этади. Мусиқа дарсларининг мазмунидага фақатгина ўзлаштириш эмас, балки ўқувчилар онгини воқеликка муносабатини ривожлантириш, эстетик маданиятини таркиб топтириш ва бошқа ички ҳис – туйгуларини шакллантириш назарда тутилади. Ўқитувчининг дарсга ижодий тарзда ёндашиши муҳим аҳамият касб этади ва бир қанча вазифаларни ўз олдига мақсад қилиб қўяди:

- мусиқа тарбиясида янги метод ва воситалар излаш;
- ҳаёт ва санъат ўргасидағи узвий боғлиқликни ифодалаш;

Ушбу мақсадларни амалга оширишда ўқитувчи жиғдий тайёргарлик кўриши, ўз устида тинмай ишлаши, яъни билим савиясими ошириши учун илмий адабиётлар, янги дастурлар, бадиий адабиётлар, театр, музейларга бориб (тинмай) онгини ошириш йўлларини такомиллаштириб бориши зарур. Мусиқа дарслари олиб бориладиган синф хонаси дид билан намунали жиҳозланган бўлиши муҳим роль ўйнайди. Техника воситалари, методик кўргазмали қуроллар, пианино чолғу асбоби ва ўзбек ҳалқ чолғу асбоблари билан жиҳозланган бўлиши, янги дастурдан фойдаланиб, дарс режа конспекталарини тузиб янги технологияни қўллаб олиб борилиши керак. Шундай қилиб, мусиқа дарсларининг барча фаолиятларини мақсади ва мазмунни дарсни мазмунларини ёритиб, ҳаёт билан боғлаб дарснинг ҳамма қисмларини бир-бiri билан узвий олиб боришини талаб этилади.

Мусиқа дарси бошқа дарслардан ўзининг бадиийлиги, қизиқарлилиги ва болаларга қўпроқ ижодий завқ, эмоционал туйғулар ва образли кечинмалар уйғотиши билан ажралиб туради. Шунинг учун мусиқа дарси энг аввало, тарбия дарсидир. Мусиқа дарслари қўйидаги специфик ҳусусиятлари билан бошқа дарслардан фарқ қиласди:

1) У мусиқа назарияси ва ижрочилигига доир турли фаолиятлардан: вокал-хор машғулотлари, мусиқа саводи, мусиқа тинглаш, болалар чолғу асбобида чалиш, ритмик ҳаракатлар бажариш элементларидан иборатdir.

2) Мусиқа бошқа санъат турларидан ўзининг ифода воситалари, яъни «тили» билан фарқ қиласди. Агар бадиий адабиёт сўз билан тасвирий санъат ранглар билан, рақс санхати ҳаракат билан ифодаланса, мусиқа эса мусиқий товушларда вужудга келган оҳанг воситасида ифодаланади. Юқоридаги санъат турларини кўриш ва эшлиши орқали идрок этсан, мусиқани фақагина диққат билан тинглабгина ифода этамиз, шунинг учун кўзи ожиз кишилардан ҳам етук мусиқачилар етишиб чиқсан.

3) Мусиқа аниқ вақт ўлчови билан боғланган санъатdir. Шунинг учун, ижро этиладиган мусиқа

темпиға созланиб, унинг ҳар бир элементини диққат билан тингламасак, асарни мукаммал идрок этолмаймиз. Мумтоз асарни қайта – қайта тинглаганды, унинг янги – янги бадий қирраларини ҳис этамиз.

4) Мусиқа болаларга фаол эмоционал таъсир күрсатади, қувонтиради ҳамда ижодий кечинмалар уйғотади. Яхши, мазмунли, қизиқарлы мусиқа дарсларидан болалар ҳордиқ чиқарып, бадий озуқа оладилар, қувноқ, ҳурсанд бўлиб чиқадилар. Ҳуллас мусиқа дарси ўзининг фаол психологик таъсири билан бошқа фанлардан фарқ қиласди.

Шунингдек мусиқа дарси бошқа фанлар билан чамбарчас боғлиқдир. Тасвирий санъат, адабиёт, она тили, математика, тарих, педагогика, психология, вокал, ритмика ва бошқалар. Булар мусиқа дарсини ҳаёт билан боғлашта, мазмунли, қизиқарлы қилиб дарсни олиб боришга ёрдам беради. Мусиқа дарси ўзининг аралаш дарс типи билан ҳам бошқа фанлардан фарқ қиласди.

Бошлангич синфларда мусиқа дарси бешта фаолият туридан тузилади:

1. Хор бўлиб куйлаш.
2. Мусиқа саводи.
3. Мусиқа тинлаш.
4. Мусиқага мос харакатларни бажариш.
5. Болалар чолғу асбобларида жўр бўлишдан иборат.

Хор бўлиб куйлаш

Болаларни мусиқий ўқувини ижодий ривожлантиришда айниқса, вокал – хор ишларининг аҳамияти катта. Бунда ўқувчиларни куйлашта қизиқтира олиш кўп жиҳатдан ўрганадиган ҳар бир машқ ёки қўшиқ ўқувчи томонидан чиройли қилиб қуйлаб беришга боғлиқ. Чунки ёш болалар билан олиб бориладиган вокал – хор иши кўпинча ўқитувчи овозига тақлид қилиб куйлашта асосланади. Шунинг учун ўқитувчи ёқимли овози устида муитазам иш олиб бориши керак. Вокал – хор ишларини амалга оширишда ўқитувчи овоз созлаш, қўшиқ ўргатиш жараёнида бошлангич синф

ўқувчиларнинг овоз диапазони ($\text{до}_1 - \text{до}_2$), ишчи диапазони ($\text{ми}_1 - \text{фа}_1 - \text{соль}_1$) примар товушларида куйлаш учун қулай бўлган ($\text{соль}_1 - \text{ля}_1$), товушларини аниқ билиши лозим.

Мусиқа маданияти дарсларида қўшиқ ўргатиш бир неча босқич жараёнида амалга оширилади:

1. Болалар диққатини қўшиққа жалб қилиш.

2. Қўшиқ ҳақида ўқитувчининг кириш сўзи (қўшиқ муаллифлари, асарининг мазмуни, тарихий ҳусусиятлари ҳақида қисқача хикоя қилиш).

3. Қўшиқни таҳлил қилиниши (мусиқа ифода воситалари, лади, характеристики мазмунини сұхбат йўли билан белгилаш).

4. Қўшиқни мусиқий жумлаларга бўлиб ўргатиш (тўғри нафас олиб, жумлани оҳиригача тежаб етказиш, ижрочилик сифатлари устида ишлаш).

5. Қўшиқни бадиий ижросига эришиш (қўшиқ ҳақидаги болалар таассуротлари юзасидан қисқа сұхбат ўтказиш яъни умумлаштириш).

Мусиқа саводи

Мусиқа маданияти дарслари жараёнида, мусиқа саводи мустақил дарс фаолиятлар жараёнида мусиқа асарларини бадиий ўрганиш ва ижро этиш ишларини саводхонлик асосида бажариш учун қўлланилади. Мусиқа саводи мазмуни ўқувчиларни тобора шакллантиради ва уларни доирасини тобора кенгайтириб, чуқурлаштириб боради. Шундай қилиб мусиқа саводи дарсининг таълимий вазифасини бажаради. Мусиқа саводи (фаолиятининг) асосий негизи ва педагогик мақсади, янги дастур бўйича берилган чорак мавзулари куйлаш ва тинглашга доир асарларини саводли таҳлил қилиш орқали амалга оширилади. Улар ўқувчиларни кундалик ҳаётидан олинаётган таассуротлари ва мусиқий тажрибалари асосида ўргатилади.

Мусиқа саводи қўйидаги босқичлар бўйича ўргатилади.

1. Болалар диққатини мусиқа ифода воситалари – күй, регистр, темп, ритм, динамик белгилар ўргатиши.

2. Овоз созлаш ва құшиқ ижро этиш қоидаларига доир билимлар, чапак ва өлкө асбоблар қараша қоидаларига амал қилишга ўргатиши.

3. Мусиқа ижодкорлари: «композитор», «ижрочи», «тингловчи» мавзунинг мазмунни ва ўрганиладиган асарнинг муаллифлари ҳақидағи маълумотлар, мусиқа саводи орқали амалга оширилади.

Мусиқа тинглаш

Мусиқа тинглаш, мусиқа маданияти дарсларининг асосий омили ҳисобланади, чунки мусиқанинг янграши онгли равища идрок этилиб, унинг харakterи, мазмуни онгли равища ўзлаштирилади. Ўқувчиларни ҳаётий тажрибаларига таянган ҳолда ҳар бир мусиқа асари замираиде маълум, ҳис – түйғу ва фикр акс эттирилади. Биз мусиқа дарсининг қайси фаолиятини олмайлик, у аввал мусиқани тинглаб, мусиқани идрок этишдан бошланади ва ўқувчиларниң руҳиятига таъсир этади, шунинг учун мусиқа тинглаш дарсининг етакчи фаолияти бўлиб ҳисобланади.

Дарсда тингланадиган ҳар бир мусиқий асар, бадиий – ғоявий мазмуни жиҳатдан чорак, дарс мазмунига боғлиқ бўлади ва илмийлик, давомийлик, изчиллик тамойилларига амал қиласади.

Мусиқа тинглаш бир неча босқичлар орқали амалга оширилади:

1. Ўқувчилар эътиборини мусиқий асарга жалб қилиш ва ўқитувчининг кириш сўзи.
2. Ўқитувчи ижросида ёки магнит ёзувда асарни тинглаш.
3. Асарни суҳбат йўли билан мусиқий ва бадиий ғоявий жиҳатдан оддий таҳлил қилиш.
4. Асарни бир бутунилигича қайта тинглаш ва асар ҳақида ўқувчиларни умумий таассуротлари юзасида якуний суҳбат ўтказиш.

Мусиқа тинглаш методлари:

1. Күргазмали методи:

- ўқитувчининг жонли ижроси, расмлар воситалари орқали болалар чолғу асбоби, торли, ритмли ҳаракатлар.

2. Амалий метод:

- ўқувчилар мусиқий асарга қизиқишини ошириб, уларни ҳаётий тажрибасига боғлаб тушунтириш ва мусиқий асарга муносабатини фаоллаштириш.

3. Таққослаш методи:

- бунда асарларнинг жанрлари ижрочилик ҳусусиятлари темплари, мазмунлари таққосланади, мусиқий дидини ўстиришга ёрдам беради.

Мусиқа дарсини 5та фаолияти турлари (хор бўлиб куйлаш, мусиқа саводи, мусиқа тинглаш, мусиқага мос ҳаракатлар бажариш ва болалар чолғу асбобларида жўр бўлиш) узвий боғлаб борилади ва мантиқий бир бутунликка эришиш мақсадга мувофиқдир.

4. Оғзаки методлар:

- Ўқитувчи тинланадиган асар мазмунини болалар ҳаётига боғлаб ёритади. Асар мазмунига қараб муаллифлари, келиб чиқиш тарихи ҳақида қизиқарли ҳикоя қилиб беради.

Болалар чолғу асбобларида жўр бўлиш.

Болалар чолғу асбобларида жўр бўлиш. Бу фаолият тури энг қизиқарли машгулотdir, чунки болалар чолғу асбоблари жонли, товушли ўйинчоқлар сифатида ҳар бир ўқувчининг қизиқтиради. Болалар чолғу асбоблари биринчи навбатда ўқувчиларда ижролик элементлари орқали ижодкорлик, мусиқий ўқув қобилиятларини ривожлантиради. Мусиқа маданияти дарсларида болалар чолғу асбобларидан фойдаланиш яхши натижалар бериш билан бирга ўқувчиларни дарсга интигувчанлигини, қизиқишини, мусиқий ўқувини оширади. Мусиқа дарсларида қўлланиладиган болалар чолғу асбоблари икки турга бўлинади. Куйчанг ва куйчанг бўлмаган (шовқинли) чолғу асбоблар киради.

1. Куйчанг чолғу асбобларга металафон ва кселафон киради.

2. Күйчанг бўлмаган чолғу асбобларига: доирачалар, оддий чўп қошиқлар, кичик шиқилдоқлар, барабанчалар, учбурчак, маркасса ва румбалар киради.

Болалар чолғу асбобларида жўр бўлиш турли методлар амалга оширилади:

1. Аввал болалар куйни тинглаб, чапак чалиш, ритмик жўр бўлиш.
2. Мусиқага ритмик жўр бўлишни аниқ бажарганлар, болалар чолғу асбобларида жўр бўладиган.
3. Кейинчалик эса, пассив болалар, тўғри ижро этишга интилиш мақсадида, улар ҳам жўр бўладилар.
4. Болалар чолғу асбобларида жўр бўлиш ҳар гал, ҳар хил чолғу асбобларида бажарилади.
5. Синфни 2 гуруҳга бўлиб. 1 – гуруҳ чапак ва чолғуда, 2 – гуруҳ эса овоз усул бериш (бум – ба, бака – бака – бум) билан амалга ошириш мумкин.
6. Болалар чолғу асбобларида ритмик, жўр бўлиш график кўрсатилган ритмик тузилмаларга қараб, чалиш ҳам ўқувчилар ижодкорлигини оширади, фаоллаштиради, ижрочилик малакаларини ва мусиқий қобилиятларини ҳар томонлама ривожлантиради.

Мусиқага хос ҳаракатлар бажариш.

Бошланғич синфларда ритмик ҳаракатларни бажариш, ўқувчиларни жисмоний ривожлантириш учун муҳим аҳамият касб этади. Бошланғич синф ўқувчилари, овоз аппаратлари нозик, диққат эътибори тарқоқ серҳаракат. йинқароқ, хотираси, нутқи, тўлиқ ривожланмаган бўлганлиги сабабли мусиқа дарсида фаолият турлари тез – тез алмашиб туриши лозим. Мусиқага мос рақс, ўйин ҳаракатларини бажариш. Ўқувчиларни диққатини жамлашда, хотирасини мустаҳкамлашда ва жисмонан ўсишта ёрдам беради. Дарс давомида қуидаги ҳаракат турларидан фойдаланиш тавсия этилади: марш мусиқаларига қадам ташлаш, югуриш, рақси элементларини бажариш,

мустақил ўйинлар ўтказиш, мусиқанинг ҳарактерига мос, турли қўл ва тана ҳаракатлари билан ифодаланади. Маълумки, миллӣ мусиқамиз маданиятида рақс мұхим ўрин тутади ва унга ҳар бир бола қизиқади. Рақс ҳаракатлари мусиқа дарсида ўқувчилар фаоллашувини оширади. Энг мұхими шундаки, рақс ва ритмик ҳаракатлар воситасида болаларнинг мусиқий иқтидори, ритм туйғуси фаол ривожланади. Ҳар бир ҳаракат турини ўқитувчи олдиндан белгилайди ва ўзи уни аниқ, гўзал ва ифодали қилиб кўрсатиб беради. Ҳар бир ҳаракатни бажаришдан олдин, унга доир мусиқани мазмунини аввал онгли равищда тинглаб ёки куйлаб, сўнгра ҳаракатлар бажариш яхши натижка беради. Болалар мусиқали ўйинларга ҳам жуда қизиқадилар. Кўп мусиқий асарлар мазмунида ўйин методларидан фойдаланиш мумкин. Дарс жараёни бажарилган ҳар бир мусиқий ҳаракат тури, мусиқали ўйинлар, ўқувчиларни хотирасини мустаҳкамлайди, нутқини ўстиради, жисмоний соғлом бўлишига кўмаклашади ва уларни руҳлантириб, мусиқа дарсига қизиқишини оширади. Чунки, бошланғич синф ўқувчиларини диққат эътиборини тарқоқ овоз аппаратлари, кучсиз, мусиқий ўкув қобилияtlари тўла шаклланмаган, серҳаракат, ўйинга мойил бўладилар. Бунда дарснинг тузилиши педагогик мақсадларга қараб дарсни ҳоҳлаган дарс фаолиятидан бошлаш мумкин. Бундан мақсад, ўқувчиларни мусиқага қизиқтира олиш, мусиқий қобилияtlарини ўстириш, дарс фаолиятларини бир – бири билан чамбарчас боғлаб мазмун жиҳатдан мантиқий бир бутунликка эришdir. Демак, янги дастур мазмунида дарс ўтиш учун, мусиқа ўқитувчиси ижодкор бўлиши, мусиқадан зарур билимларга ҳамда ашулачилик малакаларига эга бўлиши лозим.

ТЕКШИРИШ САВОЛЛАРИ:

1. Мусиқа дарсининг мақсад ва вазифалари нималардан иборат?
2. Мусиқа дарси қандай хусусиятларга эга ва қандай фанлар билан боғлиқ?

- Замон талаби асосида мусиқа дарси қандай бўлмоғи керак?
- Мусиқа дарсининг структураси қандай фаолиятлардан иборат?

ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАРИ:

«Методика» – билиш, ўрганиш усули.

«Хусусий методика» – битта фаннинг услуби.

«Амалий метод» – ижодий меҳнат.

5 – МАЪРУЗА (4 соат)

МАВЗУ: МУСИҚА ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИННИГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

- Мусиқа ўқитиши методикасининг мақсад ва мазмуни.
- Мусиқа ўқитиши методларининг вазифалари.
- Мусиқа ўқитишининг хусусий (оптимал) методлари ва уларнинг турлари.
- Мусиқа ўқитиши методлари ва уларнинг турлари.

АДАБИЁТЛАР:

- Д. Омонуллаев. ва бошқалар. «1 – синф учун мусиқа дарслиги». Т. 1997
- О. Файзиев ва бошқалар. «Ўзбекистон мактабларида мусиқий нафосат тарбиясини ташкил этиш бўйича методик қўлланма». Т. 1992.
- Л. Кўлдошев «Мактаб хор тўгараги». Т. 1978.
- М. Набиев, Б. Азимова «Расм чизишни ўрганиш методикаси».

Маъруза матни

Мусиқа ўқитиши методикаси, педагогика фани сифатида тажрибада синалган ишларни назарий қисмларини умулаштириб, амалиётда самарали натижалар берган ўқитиши методларини тақдим этади. Методика асосан, педагогика, психология, эстетика ва санъатшуносликнинг тадқиқот натижаларига асосланади.

У, мусиқа ўқитишининг қонун – қоидаларини таърифлаб беради, келажак ёш авлодни тарбиялашда қўлланадиган замонавий методларни белгилайди. Методика, таълим – тарбия жараёнида ўқитувчининг ўқувчилар билан ишлаш усулларининг, мазмунини англатади. Мусиқа ўқитиши методикаси ўқитувчидан истеъдод, қобилиятлар ва иштиёклар мавжуд бўлишини талаб этади, чунки, санъат педагогикаси машаққатли ва жуда масъулиятли соҳадир.

Хозирги кунда мусиқа ўқитиши методикаси бирданига келиб шаклланган фан эмас, балки бунга қадар мазкур фанни шаклланиши ижодий ва мураккаб тараққиёт йўлини босиб ўтган. Республикаизда мусиқа ўқитиши методикасини шакллантиришда маҳаллий олимлар, методистлар, тажрибали ўқитувчиларнинг қатор изланишлари, ўқув қўлланмаларининг аҳамияти катта бўлади. Баддий педагогиканинг методика соҳасидаги сўнгги ютуқлари талабаларни педагогика фаолиятига тайёрлаш, уларни методик билим ва маҳоратлар билан қуроллантириш, мусиқа ўқитиши методикасини бу мақсадга эришиш учун амалий машғулотлар мобайнида узоқ ижтимоий меҳнат қилиш талаб этилади. Маълумки, мактабда ўқувчиларнинг ёш физиологик хусусиятларини, кўникумга ва малакаларига қараб, мусиқа ўқитиши методикаси қўлланилади. Бу ерда таълим усули, ўқув материалларининг (ўқув – режа, дастур) таълим принциплари, ўқув – тарбиявий ишларнинг умумий мақсад ва вазифалари муҳим аҳамиятта эгадир. Демак, мусиқа ўқитиши методикаси, ўқувчиларнинг мусиқа санъатига ўргатишнинг мазмуни, вазифалари ва методларини ўргатувчи ва ўқув жараёнларини ташкил этувчи шакл ва йўлларини тадбиқ этувчи фандир. «Методика» сўзи грекча сўз бўлиб, «тадқиқот йўли», «билиш усули» деган маънони англатади ва таълим – тарбиянинг алоҳида қисмлари бўлиб ҳисобланади. Уларнинг йигинидиси мусиқа ўқув методлари деганда, мактаб ўқувчиларнинг билим, маҳорат ва малакаларини эгаллашда, уларнинг ижодий қобилиятларини

ривожлантиришда ва дунёқарашини таркиб топтиришда ўқитувчиларнинг қўллаган иш усуллари тушунилади.

Мусиқа ўқитиши методикаси вазифаларини амалга оширишда, мусиқа ўқитишнинг қатор методлари билан биргалиқда, педагогиканинг амалий йўналишини хусусий (оптимал) методлар эгаллаб, мусиқа дарсида қўллаш муҳим аҳамият касб этади. Мусиқа ўқитиши методикаси вазифаларини амалга оширишда мусиқа дарсида ўқитишнинг (оптимал) хусусий методларидан унумли фойдаланишга боғлиқ. Етук олимларимизнинг тадқиқотларида мактаб ўқитувчисининг шахсияти ва унга бўлган профессионал талаблар ва ўқувчилар муносабатини, хусусий методлардан фойдаланиш жараёнида ҳал қилиш лозимлигини илмий асосда таърифлаб берганлар. Хусусий метод – бирор бир фаннинг амалий ва ижодий ишларини мазмунини ва мавзусини кенг ёритиб бериш ва мустаҳкамлашда, ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятида ўзаро алоқадорлигини ва ўқувчиларни билиш жараёнида изланишга ўндовчи методдир.

Хусусий (оптимал) методлар ўқитиши фаолияти мақсадага қараб тўртга бўлинади:

1. Дарсни мусиқавий умумлаштируви методи.
2. Ўтилажак дарсларга олдиндан «югуриб», боғланиб ўтиш ва илгари ўтилганларга қайтиш методи.
3. Дарс мазмунини эмоционал драматургияси методи.
4. Дарснинг педагогик жиҳатдан кузатилиши ва билимларнинг баҳоланиш методи.

1. Дарснинг мусиқавий умумлаштириш методи етакчи методлардан бири бўлиб, ўқувчиларни мусиқа идроки, мантиқий бадиий фикрлаш қобилиятини ривожлантиришга қаратилгандир:

- A) Ўқитувчи дарсда ҳал қилиниши лозим бўлган конкрет вазифаларни вужудга келтиради;
- B) Ўқитувчи ва ўқувчи бирга ҳамкорлиқда масалани ечади.
- B) Ўқувчилар томонидан якуний хуносалар чиқарилади.

2. Олдинга «югуриб ўтиш», яъни илгари ўтилган материалдан фойдаланиб, ўқувчиларни янги материал ўзлаширишга тайёрлигини синаб кўриш ва бунда олдин эгаллаган билимларга суюниш учун фойдаланилади.

2. Эмоционал драматургия методи билан дарснинг мантиқий яхлитлигига эришилади. Бунда чорак мавзуси асосида дарс режаси учун асарлар танланади. Танланган мавзулар ҳам мақсадга мувофиқ бўлиб, бошланиши ва якунланишига боғлиқдир. Ўқитувчи дарсни ижрочилик маҳорати, сўз усталиги билан қизиқарли қилиб ўтиши керак ва ўқувчиларни дарсга фаол қизиқтириб, дарснинг эмоционал драматурнияси, яъни авжига эришиши лозим. Музиқа ўқитувчиси мактабда музиқа дарсидан ташқари концертлар, бадиий кечалар, учрашувлар ўтказишни талаб этади.

4. Дарсни педагогик кузатилиши ва билимларни баҳолаш мақсадга қараб бир неча турларга бўлинади:

A. Ўқувчиларни билиш фаолиятини ташкил этувчи ва амалга оширувчи тури.

B. Билим фаолиятини рағбатлантириш ва танбеҳлаш талабларини қўйиш.

C. Ўқиши, билиш фаолиятини самарадорлигини бошқариш ва назорат қилиш. Баҳолашда шундай эҳтиёткор бўлиш керакки, ўқувчиларни қайфияти тушиб кетмасин. Дарсга, қўшиқ куйлашга қизиқиши сўнмасин. Рағбатлантиришда эса аксинча. Ўқитувчи ва ўқувчи муносабатлари меъёрдан чиқиб кетмаслиги керак. Балки, рағбатлантириш, синфда бошқа ўқувчиларга намуна бўлиб хизмат қиласин ва улар одобли, ақилли бўлишга ингилсинглар.

Шундай қилиб, музиқа ўқитиши методларини бошқа турлари ҳам мавжуд:

1. Музиқа ўқитишининг оғзаки методлари.
2. Кўргазма ўқитиши методлари.
3. Амалий ўқитиши методлари.
4. Ўйин методлари.
5. Таққослаш методлари.
6. Музиқий ўқуви бўш бўлган болалар билан ишлаш методи.

1. Мусиқа ўқитишнинг оғзаки методлари.

Мусиқа дарсіда ўқитувчининг сўз маҳоратига алоҳида талаб қўйилади. Ўқитувчи ўзининг асар ҳақидаги бадий кириш сўзи билан ўқувчиларни ажойиб ва сеҳрли мусиқа оламига олиб киради ҳамда қизиқарли ҳикоя ёки суҳбат йўли билан болалар диққатини жалб қилиб, мусиқани бадий идрок этишларига эришади. Асосан, бу методдан бошланғич синфда кўпроқ фойдаланилади.

Ҳикоя – бу ўқитувчининг мусиқа асари ҳақида жонли, эмоционал ёрқин баёни. Ҳикоя қисқа, образли. жонли, қизиқарли бўлиб, унинг мақсади ўқувчиларни асарни бадий идрок этишга ўргатиш.

Суҳбат – ўқитувчи ва ўқувчилар орасидаги диалог шаклидаги фаолиятидан иборат бўлиб, ўқувчиларни мустақил фикрлашга ундаиди. Уларни нутқини ўстиради, фикрий фаолиятни кучайтиради, билиш қобилиягини фаоллаштиради ҳамда дунёқарашини кенгайтиради.

Тушунтириш – илмий исботлаш методи сифатида мусиқа дарсіда қўлланилади. Бу асосан, мусиқа саводи фаолиятида қўлланилади.

2. Кўргазмали ўқитиш методлари. Маълумки, мусиқа ҳаракатланувчи куй ва оҳанг товушларидан иборат бўлган санъатdir. Уни фақат эшитиш органлари орқали тинглаб, идрок этиш мумкин. Кўргазмали ўқитишни эса, нота ёзувларни, плакатлар, расмлар, ўқитувчининг сўзи, дирижёрлик ифодалари, рақс ҳаракатлари, болалар чоғу асбоблари, мусиқани жонли ва аниқ ижроси, техник воситаларидан фойдаланилади. Демак, мусиқанинг жонли янграши дарсда асосий кўргазма бўлиб хизмат қиласди.

3. Амалий ўқитиш методлари. Амалий методлар воситасида ўқувчилар вокал – хор малакалари, мусиқанинг тузилиши ҳамда ифода воситаларини таҳлил этиш, унинг жанр ва шакларини аниқлаш ва нота ёзувини ўрганиш малака ва кўникумларини шакллантирилиши учун фойдаланилади. Амалий методлар, вокал – хор малакаларини ривожлантиришда мухим восита бўлиб ҳисобланади.

4. Үйин методи –бошланғыч синфларда күпроқ ижобий натижа беради. Яңги дастур асосида яратилаёттан құлланма ва дарсликларда үйин ва унинг элементлари кенг жорий этилган. Бошланғыч синф үқувчилари серҳаракат ва үйингта мойил бўладилар. Дарсда қўлланиладиган мусиқали үйинлар үқувчиларнинг мусиқий үқувини ўстиради, мусиқий қобилиятини ривожлантиради, хотирасини мустаҳкамлайди ва мусиқа дарсига қизиқиш уйғотади.

5. Таққослаш методи. Мусиқа дарси жараёнида контраст, яъни таққослаш методи кенг қўлланилади. У вокал – хор ишларида ўқитувчи, үқувчилар билан грамёзувдаги ижроларини таққослашда мусиқа асарининг таҳлили ва жанрларни белгилашда кенг қўлланилади. Масалан, рақс, марш, жанрларни темплари, турли чолгу асбобларидағи ижролар фарқини аниқлашда фойдаланилади.

6. Мусиқа үқуви бўш бўлган болалар билан ишлаш методи. Мусиқа үқуви бўш бўлган үқувчилар билан дарс жараёнида дифференциал гуруҳларга бўлиб ва дарсдан кейин вақт ажратиб, якка (индивидуал) тарзда иш олиб борилади. Дифференциал гуруҳ – деганда үқувчиларни мусиқий қобилияти, үқуви ва овозига қараб уч гуруҳга бўлинади.

1 – гуруҳга овози жарангли, яхши мусиқий қобилиятта эга бўлган үқувчилар киради.

2 – гуруҳга овози, мусиқий қобилияти ўртача бўлган, яъни ўқитувчининг овозига эргашиб, таяниб куйладиган үқувчилар киради.

3 – гуруҳга эса, овози унча яхши бўлмаган, мусиқий қобилияти бўш бўлган үқувчилар киради.

Мусиқа дарси жараёнида бу үқувчилар қўйидаги тартибда ўтказилади: **биринчи** қаторга ўқитувчини овозига таяниб куйладиганлар, **иккинчи** қаторга мусиқий үқуви бўш, яхши мусиқий қобилиятга эга бўлмаган үқувчилар, **учинчи** қаторга қобилиятли, овози жарангдор бўлган болалар ўтказилади. Бунда иккинчи қатордаги үқувчилар мусиқа оҳангларини атрофдагилар эшишиб уларнинг овозаларига эргашиб, чиройли, тўғри куйлашга ҳаракат қиласилар.

Шу услуб билан ўқувчиларни мусиқий ўқувини ўстириш мумкин. Баъзи мусиқий ўқуви бўш бўлган болалар билан, дарсдан кейин алоҳида, якка тартибда шуғулланиб, топшириқлар берилади ва овозлари созланиб, қўшиқлар алоҳида ўргатилади. Шу тариқа, ҳамма ўқувчиларни мусиқага қизиқиши, қўшиқ куйлаши, мусиқа тинглаш иштиёқи, қобилияти, мусиқий ўқуви, бир ҳилда бўлиб, қўшиқ куйлаш малакалари ҳосил бўлади.

ТЕКШИРИШ САВОЛЛАРИ:

1. Мусиқа ўқитишнинг қандай методлари мавжуд?
2. Хусусий метод нимани англатади ва қандай турлари бор?
3. Мусиқа ўқитиш методларининг турлари ва уларнинг вазифалари?
4. «Методика» – сўзи нимани англатади ва унинг вазифалари нимадан иборат?

Таянч тушунчалари:

1. «Методика» – билиш, ўрганиш усули.
2. «Хусусий меодика» – битта фаннинг услуби.
3. «Амалий метод» – ижодий меҳнат.

6 – МАЪРУЗА

МАВЗУ: ВОКАЛ – ХОР МАЛАКАЛАРИ ВА УЛАРНИНГ
АҲАМИЯТИ

РЕЖА:

1. Вокал – хор малакалари ҳақида маълумот
2. Вокал – хор малакаларининг турлари
3. Мусиқа дарсида вокал – хор малакаларининг роли
4. Ашулачилик аппаратининг тузилиши ва овоз ҳосил қилиши.

АДАБИЁТЛАР:

1. Р.Ф. Қодиров. «Бошланғич мактабда кўп овозда куйлаш». Т. 1997

2. Г.Дмитриева.Черноиванова. «Методика музукального воспитания в школе». М. 1987
3. Д.Омонуллаев, Ҳ. Нурматов ва бошқалар «2 – синфда мусиқа дарслари». Т. 1987

Маъруза матни

Хор бўлиб куйлаш мураккаб психологик – физиологик жараён ҳисобланади. Мусиқа маданийти дарсларида вокал – хор ишлари, ўқувчиларни аҳлоқий – эстетик тарбияси ўқитишининг энг фаол шаклидир. Хор бўлиб қўшиқ куйлаш ўқувчиларнинг диққат эътиборини кучайтиради, хотираси, нутқи ривожланиради, овоз диапазони кенгайиради, мусиқий ўқуви ўстиради, мутация даври енгил ўтади, дунёқараши йилдан – йилга шаклланиб боради. Вокал – хор малакалари мусиқа дарсида муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, хор машғулотларида ўқувчиларнинг диққат – эътибори, онглилиги ва активлиги ошади, мусиқий хотираси яхши ривожланади ва ўрганган қўшиқларини ижро этганда, завқланиш ҳисси пайдо бўлади. Қўшиқ куйлаганда, ижодий ижрочилик ҳамкорлиги кучаяди ва дўстона жамоага бирлашади.

Вокал – хор малакалари ёрдамида ўқувчилар, қўшиқни сўз маъноси ва мусиқа оҳангини чуқур идрок этадилар ва асарни мазмуни орқали ҳаётни ўрганадилар. Юқорида баён этилган натижаларга эришиш учун қўйидаги вокал – хор малакаларини шакллантириб бориш ва хор бўлиб куйлаганда бунга қаттиқ риоя қилиш шарт. Чунки айнан вокал – хор малакалари воситаси билангина ёқимли ва оҳангдош, соф хор жарангдорлигига эришиш мумкин.

Вокал – хор малакалари 6 (олти) турга бўлинади:

1. Дарсда қўшиқ куйлаш ҳолати
2. Ашулачилик нафаси
3. Овоз ҳосил қилиш
4. Созланиш
5. Ансамбль
6. Талаффуз.

1. Кўшиқ куйлаш ҳолати, деганда дарсда ўқувчиларнинг ўтириши ва туриш ҳолати назарда тутилади. Ўтириб ёки туриб куйлаганда бош, қўл ва оёқларни қандай тугиш лозимлиги ҳақида ўқувчиларга тушунтириш ва доимо назорат қилиб, эслатиб туришдан иборатдир. Мазкур малаканинг қоидалари гавдани қийшайтирмасдан тўғри туриш, ўтириб куйлаганда партада суюнчиғига суюнмасдан, елкаларни енгил кериб, иякни ортиқча кўтармасдан, бўйин ва бошни тўғри ушлани, қўлларни эркин пастта тушириш ва кафтларни тиззалар устига енгил қўйиб энгашмасдан ўтириш ва оёқларни елка кенглигидаги эркин куйлаш каби ҳолатлардан иборатдир.

2. Ашулачилик нафаси. Маълумки куйлашдаги нафас билан физиологик нафас ўртасида маълум даражада фарқ бор. Физиологик нафас бола туғилган кундан табиий ҳолда ҳаётининг охиригача амал қила бошлайди ва аниқ бир ритмдан маълум бир вақт оралиғида содир бўлади. Ашула айтишдаги нафас эса қўшиқ ҳарактерита қараб, тез, қисқа вақт оралиғида содир бўлади. Нафас олиш ва уни чиқариш қўшиқ жумласининг чўзимига, суръатига ва ҳарактерининг ифодаланишига қараб чўзилади. Сунъий нафасдан актёрлар, суҳандонлар ва қўшиқчилар фойдаланаадилар. Шунингдек, сунъий яъни эҳтиёжга қараб олинадиган нафас, ашулачилик нафаси дейилади.

Ашулачилик нафасининг қўйидаги турлари мавжуд:

кўкрак нафаси;
диаффрагма нафаси;
қорин нафаси.

Кичик болаларнинг кўкрак нафаси ҳали тор, қисқа эканлити сабабли, улар нафасни кўкрак билан оладилар, шу боис ашула айтганларида елкаларини кўтариб, шошилиб ва қўшиқ жумласини, сўзини бўлиб нафас олишлари табиийдир. Шунинг учун болаларнинг елкаларни кўтармасдан, осойишта, вазмин нафас олиши ва уни қўшиқ жумласининг охирига қадар бир маромда етказиш, айниқса сўзни бўлиб нафас олмаслигини ўргатиб бориши лозим. Нафас олиш малакасини устида

ишилаш жараёнида болалар диққатини овозларнинг куйчан, равон, ёқимли жаранглашига жалб этилади. Бунинг учун гулни ҳидлагандек осойишта ва шовқинсиз нафас олишга ўргатилади. Ана шу малакани амалга оширишда дарсликларда, қўлланмаларда тавсия этилган вокал – хор машқларини куйлаш, болалар хорларида ижро этилган қўшиқларни магнит тасмалари орқали тинглаш каби амалий машғулотларда шакллантириб борилади.

Болалар машқ ва қўшиқларни куйлаганда ўқитувчининг қўл ишораларга қараб нафас олишга ва уни тежаб, расамати билан жумла охиригача етказишига одатланиб боришиди. Айниқса, дирижёрлик ҳолатлари «диққат», «ауф», «ижрони бошлиш», «ижрони тугатиши»ларга риоя этиб куйлашта ўргатиш нафасини режага солиш учун муҳимдир. Болалар нафасининг ҳажми имкониятларини ҳисобга олган ҳолда машқ ва қўшиқларда нафас олиш жойлари олдиндан белгилаб қўйилади ва уларни ўргатиш жараёнида амалга оширади.

Овоз ҳосил қилиш.

Овозни вужудга келиши мураккаб исихологик, физиологик жараёндир. У овоз аппарати (кекирдак, ҳиқилдоқ) ва унинг ичидаги конуссимон иккита овоз пардасининг нафас (ўпка, трахеялар, кўкрак қисми) ва эшигув аппаратларининг биргалиқдаги амалиётида ҳосил бўлади. Томоқда ҳосил бўлган товуш кучсиз ва хишиллаб, садоланиб чиқади, унинг нутқ аппарати айниқса бурун бўшлиғи орқали тебраниши кучаяди ва ўзига хос тембр ва жарангдорлик хусусиятига эга бўлади. Тўрт орган – нафас, овоз, нутқ ва эшигув аппаратининг ўзаро фаолиятидаги мусиқий охангга қўйиладиган овоз – ашулачилик овози деб аталади.

1 – синфда ўқувчиларнинг овозни зўриқтирмасдан куйлатиш учун ашгула айтиши примар ($\text{соль}_1 - \text{ля}_1$) бўлади, ишчи диапазони ($\text{ми}_1 - \text{си}_1$). Умумий диапазон ($\text{ре}_1 - \text{до}_2$) бўлиб, бунга меъёрида амал қилиш лозим.

Болалар бош резанаторига асосланган фальцетга яқин овозда куйладилар.

Болаларни куйлатганда фақат юмшоқ аттака билан бошлиш лозим, ҳеч қачон қўшиқни қаттиқ аттака билан

бошламаслик керак. Буни ўқитувчи назорат қилиб бориши шарт.

Созланиш.

Соз ҳар бир боланинг берилган мусиқа товушини аниқ идрок этиб, ўз овозини унга мослаб куйлаши, сақланиши деган маънони англатади. Бошқача қилиб айтганда, созланиш – маълум баландлиқдаги товушни аниқ интонация куйлаш демакдир. Бу муҳим малака бўлиб ҳисобланади, чунки бошланғич синфдаги вокал – хор ишларининг асосий мақсадларидан бири соф унисон (соф бир овозда куйлашга) эришишдан иборатdir. Шунинг учун биринчи дарсдан бошлаб болаларда созланиш малакаларини ривожлантириш устида системали иш борилади. Айниқса, мусиқа ўқуви суст ривожаланаётган болаларга эътибор кучайтирилади. Уларни ўқитувчи овозига чолғу асбоблардан соз учун берилаётган товушга ва иктидорли болалар овозига қўшилишга ва товуш баландлиги билан баробарлашишга, яъни тенглашишга даъват этилади ва интонацион соф созга эришилади ва бир ҳил баландлиқда куйланадиган машқлар орқали амалга оширилади.

Ансамбль

Ансамбль – французча сўз бўлиб, биргаликда деган маънони англатади. У мусиқа, балет, архитектура санъатларининг қонуниятларидан биридир. Мусиқада бир неча ижрочиларнинг биргалиқдаги ижроси ансамбль дейилади. Масалан: ўзбек ҳалқ чолғу асбоблари ансамбли, рақс ансамбли, вокал ансамбли ва бошқалар. Хорда эса барча хонаидаларнинг соз бирлиги, ижро темпи, ритм – усул ва динамик уйғунлиги вокал – хор ансамбли дейилади. **Ансамбль ҳусусий ва умумий турларга бўлинади.** Хордаги барча ижрочиларнинг бир овозга созланиб, ҳамма бир кўйда ансамбль бўлиб, иккى ёки уч овозда куйлаши **умумий** ансамбль дейилади. Ҳар бир овозни алоҳида – алоҳида сози ва ансамбли **ҳусусий** ансамбль дейилади. Соз ва ансамблни уйғунлиги узоқ иш жараёнини талаб этади ва шундагина олдимизга асосий мақсад қўйилган соф унисонга эришиш мумкин.

Талаффуз

Куйлашдаги талаффуз нутқу талаффузидан фарқ қиласы. Куйлашдаги талаффуз артикуляция органлари (лаб, тил, жағ) нинг фаол ҳамжиҳатлиги, воситасыда амалга оширилады. Болалар нутқида заифлик, ноаниқлик, овоз аппаратини сиқиб гапириш натижасыда хорда бақириб куйлаш нұқсонлари учрайды. Бундай болаларга эътиборни кучайтириш ва улар билан узоқ вақт якка тарзда олиб бориш, шошмасдан зеркін гапириш ва куйлашга ундаш лозим. Нафасни түғри олиб, жумлани охиригача етказища, унли товушларни чўзиб, ундош товушларни бурро, дона – дона қилиб куйлашга ўргатиб бориш талаб этилады. Бунда оғиз шаклини, тилни ҳаракатларига, ўзгаришига катта аҳамият бериш керак. Энг муҳими, болаларни машқ ва қўшиқлар матнини вокал услубларига мувофиқ, талаффуз этишга ўргатиб бориш лозим.

ТЕКШИРИШ САВОЛЛАРИ

1. Мусиқа дарсларида вокал – хор малаклари қандай аҳамиятга эга?
2. Вокал – хор малакаларини қандай турлари мавжуд?
3. Ашулачилик аппаратини тузилиши ва болалар овозини қандай эҳтиёт қилиш керак?

Таянч тушунчалар:

Вокал – якка овозда куйлаш

Малака – одат, кўникма.

7 – МАЪРУЗА

МАВЗУ: УМУМИЙ ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА МУСИҚА
ДАРСЛАРИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ

РЕЖА

1. Мактабда мусиқа дарснинг роли
2. Мусиқа ўқитишининг асосий йўналишлари, илмий – методик таъминоти ва ташкилий жиҳатлари.
3. Ўрта ва бошлангич синфларда мусиқа маданияти дарсларини режалаштириш.

- Мусиқа дарсларида вокал – хор машқлари устида ишлаш.
- Мактабларда мусиқа дарснинг миллийлиги ва замонавийлилигига аҳамият бериш.

АДАБИЁТЛАР:

- Д.Омонуллаев. «Ўзбек мактабларда мусиқа таълими мазмунига бўлган замонавий талаблар» номли илмий иши. Т. 1990
- Х.Нурматов, Қ.Мамиров. «Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти ва ўқув дастури». Т. 1999.

Маъруза матни

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида» ги Қонуни, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» талаблари асосида таълим тизимида рўй бераётган ўзгаришларга кўра, 9 йиллик умумий ўрта таълим жорий этилди. Мусиқа предметига давлат таълим стандартини жорий этилиши, миллий, мусиқий меросимиздан фойдаланишни ҳамда ҳудудий воҳаларни санъати ва маданияти, у ердаги маҳаллий ҳалқ анъаналари ўз ифодасини топган. Шунингдек, таълим стандарти ўзининг тузилишига ва мазмунига кўра, давлат, ҳудуд, мактаб манфаатлари ва воситалари мувозанатини акс эттиради, ўқувчи шахси, унинг интилишлари, қобилияти ва қизиқишини ҳисобга олган ҳолда янги (1–7) синфлар учун янги дастур тузилди. Дастур асосида дарсликлар методик қўлланмалар, тавсияномалар яратилмоқда. Етти йиллик мусиқа ўқитиш даврида ўқувчиларни гўзалликни ҳис эта оладиган, мусиқага меҳр ва ҳавас билан қарайдиган, миллий мусиқа меросимизга ворислик қила оладиган баркамол инсон қилиб тарбиялаш асосий мақсад қилиб қўйилади. Янги дастур асосида мусиқа маданияти дарсларини сифатли, педагогик ва методик жиҳатдан юқори толаб даражасида олиб бориши учун ўқитувчи, ижодкор, ўз касбини ва ўқувчиларни севувчи, яхши чолғучи, методикани пухта ўзлаштирган инсон бўлиши керак. Мусиқа таълимининг миллий асосини таркиб топишиде

фортипиано асбоби билан биргалиқда, ўзбек халқ чолғу асбобларидан ҳам фойдалана олиши зарур.

Шунингдек, ўзбек халқ мусиқа меросимизни тарихи ва хозирги кун талабларини кузатиб ўрганиб бориши шарт. Чунки, мактабда мусиқа таълим мининг асосий мақсади ўқувчиларда «Мусиқа маданиятини» таркиб топтиришdir. Мусиқа ўқитувчиси дарсларга мавзуларни танлаб, режалаشتаришда кўргазмали қуроллардан, техника воситаларидан ҳам фойдаланиши керак. Мусиқа дарсида мусиқа фаолиятларини оддийдан – мураккабга ўтиш принципи асосида ўзаро мантиқий бир бутунликка эришиш ва ўқитишнинг ривожланувчи, таълимий ва тарбиявий вазифаларни амалга ошириш зарур.

Умумий таълим мактабларида жумладан, бошланғич (I – IV) синф мусиқа фани бўйича, қуидаги вазифаларни амалга оширишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Чунки, бошланғич синфларда мусиқа таълими пойдевори қуилади ва шаклланади.

1. Ўқувчиларни мусиқий қобилиятини (мусиқий ўқуви, ритми туйғуси, диққати, хотираси, нутқи) ўстириш.
2. Ўқувчиларни миллый мусиқамизга, она Ватанга, табиатга муҳаббат, гўзалликни ҳис этиш туйғусини тарбиялаш.
3. Ўқувчиларни меҳнатга, ўқишига, ҳаётга ўз – ўзини ва атрофидигиларни ҳурмат қилиш, ўзгалар меҳнатини қадрлашга ўргатиш.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, ҳар бир дарсга ижодий ёндошиб, янги дастур талабларига мувофиқ дарс ўтиш лозим. Мусиқа фанидан бир йилда 2 марта ярим йиллик тахминий – мавзули иш режаси ва шунга қараб, ҳар бир дарс учун режа – конспект тузилади. Ярим йиллик иш режаси бошланғич ва ўрта синфлар учун алоҳида – алоҳида тузилади. Бунда ўқувчиларни ёши (синфи), овоз диапазони, мусиқага қизиқиши ва қобилияти, йил фасллари, байрамлар, йил, чорак, дарс мавзулари ҳисобга олиниб, янги дастурдан фойдаланиб дарс структураси асосида тузилади. Баъзи қўшиқларни, тинглаш учун асарларни, ўқитувчи ўқувчилар истаги ва янги замонавий қўшиқлар билан дарс режасига мос келадиган асарларга ўзгартириши мумкин. Мусиқа

дарслари асосан бир ҳафтада бир соат ўтилади. Ўқув йили давомида эса қуийидаги тартибда:

- I чорак 9 соат
- II чорак 7 соат
- III чорак 10 соат
- IV чорак 8 соат

Жами бир йилда 35 соат дарс ўтилади.

Шунингдек, ҳар бир ўқув йилида 12 – 14 та қўшиқ ўргатилади, шунга қараб, мусиқа саводи ва мусиқа тинглаш жараёнида 12 – 14 асарлар тингланади. Бошлангич синф ўқувчилари асосан, бир овозли қўшиқлари соғ унисонда куйлаш малакаларини пухта ўзлаштиради ва айрим ҳолларда кўп овозликка ўтишга тайёргарлик кўрилади.

Иккинчи синфнинг иккинчи ярмидан бошлаб, икки овозлик элементи бор қўшиқлар киритилган. III – IV синфларда ўқувчиларни овоз аппаратлари шаклланган бўлиб, икки овозли қўшиқларни куйлаш, кўникма ва малакаларга эта бўладилар. Шунга кўра оддийдан мураккабга принципи асосида мусиқавий асарлар танланади. Бошлангич синфда дарс структураси бешта фаолият туридан иборат бўлади:

1. Хор бўлиб куйлаш
2. Мусиқа саводи
3. Мусиқа тинглаш
4. Мусиқа характеристига мос ҳаракатлар бажариш
5. Болалар чолғу асбоблардан жўр бўлиш

Ўрта (V – VII) синфларда эса, дарс фаолияти бир мунча камаяди. Чунки, ўрта синф ўқувчилари кўникма ва малакаларга эта бўладилар. Дарс мазмуни чуқурлашиб, ўқувчилар билим ва малакаларини кенгайишига хизмат қиласиди. Мусиқа дарси учта фаолият асосида олиб борилади:

1. Хор бўлиб куйлаш
2. Мусиқа саводи
3. Мусиқа тинглаш

Бунда болаларнинг овоз аппаратлари шаклланган мусиқий қобилияtlари ривожланган, мусиқанинг

тузилиши, шакли мусиқа ифода воситалари хақида билимга эга бўладилар ва мусиқа тинглаш қобилияти ривожланган бўлади. Ўрта синфдаги ўқувчилар учун V – VII синф мусиқа дастури асосида дарслар режалаштириб, икки овозли, овоз машқлари, икки овозли қўшиқлар, мусиқа саводи ва мусиқа тинглашдан, шунга қараб мураккаброқ асарлар тингланади. Ҳар бир фаолият бир – бири билан боғлиқ бўлиб, дарс мазмунини, яъни бир бутунликни таъминлайди. Чорак мавзулари, йил мавзуларига бўйсунади. Дарс самарадорлигини оширишда ўқувчиларни билим ва малакаларини баҳолаш муҳим педагогик аҳамиятта эгadir. Қўшиқ куйлаш билан бирга, уларни кўпроқ фикр билдириш, баҳсга тортиш ва амалий фаолиятига кўпроқ жалб этиш ва одилона баҳолаш лозим бўлади. Шундай қилиб, мусиқа дарслари, янги дастур асосида режалаштирилиб, ўқувчиларни миллий мусиқамизга меҳр – муҳаббат ва қизиқиш уйғотиши лозим.

ТЕКШИРИШ САВОЛЛАРИ:

1. Мактабларда мусиқа фанини ўрганишдан мақсад нимада?
2. Мусиқа дарсини режалаштиришда нималарга аҳамият берилиши керак?
3. Умумий ўрта таълимнинг Давлат таълим стандарти ва ўқув дастурини мусиқа дарсидаги моҳияти нималан иборат?
4. Мусиқа маданияти дарсларида қандай мусиқа ўқитиши методларидан фойдаланиш лозим?
5. Мусиқа дарсларини илмийлиги ва замонавийлиги деганда нима назарда тутилади?

Таянч тушунчалар:

«Диапазон» – ашгулачилар овозининг кенглиги.
«Тон» – аниқ баландликка эга бўлган товуш.

8 – МАЪРУЗА

МАВЗУ: БОШЛАНГИЧ СИНФЛАРДА МУСИҚА ЎҚИТИШНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

РЕЖА:

2. Бошлангич синфларда мусиқа ўқитишнинг мазмуни ва мақсади.
3. Бошлангич синфларда мусиқа ўқитишни вазифалари.
4. Ёш авлодни баркамол инсон қилиб тарбиялашда мусиқанинг аҳамияти.
5. Мусиқа маданияти дарсларига қўйилган замонавий талаблар.

АДАБИЁТЛАР:

1. Д.Ф.Омонулаев, Х. Нурматов ва бошқалар. «Бошлангич таълим, ДТС дастури». 1999 йил
2. Х.Боймирзаев ва бошқалар. «Мусиқа ўрганиш методикаси». Т. 1995 йил.
3. Д.Ф.Омонулаев ва бошқалар. «Биринчи синфда мусиқа дарслари». Т. 1987 йил
4. Г.М. Шарипова. «Мусиқа ўқитиш методикаси». Т. 2000

Маъруза матни

Ёш авлодни ҳар томонлама етук қилиб тарбиялашда, мактабда ўқитиладиган барча фанлар қатори, нафосаг тарбиясининг, таркибий қисми бўлган, мусиқа маданияти дарсларини аҳамияти катта. Мусиқа инсон ҳис – туйғуларини, орзу – истакларини ўзига хос бадиий тилда ифода этади ва боланинг ҳиссиятларига фаол таъсир кўрсатади. Мусиқа фани мактабда бошқа фанларни ўзлаштиришга ҳам бевосита таъсир кўрсатади. Мусиқа жонли санъат тури сифатида давр, ҳаёт, табиат ва инсон ҳис – туйғуларини, орзу – истакларини акс эттиради. Уни қувонтиради, ўйлайниради ва ҳаётдан озуқа олишига хизмат қиласди. Миллий маданиятимиз бобокалони Абу Носир Ал – Фаробий айтганидек, «Бу фан тана соғлиғи учун фойдалидир». Бобомиз Шайх Саъдий «Мусиқа оғад!

руҳининг йўлдошидир» – деган эди. Шундай экан, биз мусиқа ўқитишини, бошланғич синф ўқувчиларидан бошлишимиз лозим. Чунки, бошланғич синфда мактабда мусиқа таълимотини пойдевори қўйилади.

Бошланғич мактабда мусиқа ўқитишининг асосий мақсади – бошланғич синф ўқувчиларга мусиқа санъати гўзаллик қонунлари асосида ўрганиш малакасини сингдириш ва уларга мусиқа маданиятини таркиб топтиришдир. Бошланғич синфлардаги мусиқа маданияти дарслари, умумий таълимнинг аҳлоқий – эстетик тарбия бериш тизимининг ажралмас бир қисми бўлиб ҳисобланади.

Дарсдан ташқари ташкил қилинадиган турли тадбирлар, тарбиявий соатлар, бошланғич синф ўқувчиларини, дунёқарашини шакллантиришда аҳамияти катта.

Бошланғич синфларда мусиқа ўқитиши қўйидаги вазифаларни амалга оширишни мақсад қилиб қўяди:

1. Ўқувчиларда мусиқага иҳлос уйғотиш ва уларнинг мусиқий қобилияtlарини ритм туйгусини ўстириш, мусиқий ўқув, хотира, диққат ва бадиий дидни шакллантириш;

2. Ўқувчиларда миллий мусиқа меросимизга ва у орқали Она – Ватанга муҳаббат ҳиссини тарбиялаш;

3. Ўқувчиларда бадиий ижодкорлик қобилиятини ўстириш.

Ўқувчиларда гўзалликни кўра билиш ва ҳаётта гўзаллик олиб кириш қобилиятини ривожлантириш.

Ўқувчиларнинг мусиқий ижодкорлигини таассуротини бойитища, тасаввурларини кенгайтиришда мусиқа тинглаш фаолиятини аҳамияти катта. Мусиқа тинглаш дарсининг бошидан охиригача амалга ошади, чунки мусиқа маданияти дарсларининг барча фаолият турлари (қўшиқ куилаш, мусиқий ритмик ҳаракатлар бажариш, мусиқа тинглаш) мусиқий товушларда вужудга келган оҳанг воситасида ифодаланади. Мусиқа маданияти дарслари бошланғич синф ўқувчиларини атрофдаги гўзал нарсаларни идрок эта олишга ва маънавий дунёқарашини шакллантиришга хизмат қиласи.

«Бошланғич таълим учун Давлат Таълим

стандартлари» асосида барча фанлар қатори мусиқа фанидан ҳам дастур ишлаб чиқилди. Янги дастур мазмунидә миллій мусиқамыз меросидан тұлақонли фойдаланиш, оммавий халқ күйлари ва құшиқлари, лапар, достонлар ва бугунғи замонавий мусиқа ўз аксини топған. Дастурнинг бош мавзуси «Мусиқа ва ҳаётдир» йил, чорак, дарс мавзулари, умумий мавзуга бўйсунади ва мантиқан узвий бирлашиб мазмунан бир бутунликни ташкил қиласы. Бу бошланғич синф мусиқа ўқитувчисидан иш мазмунини янгилашни талаб этади. Янги дастур мазмунидә дарс ўтиш учун, мусиқа ўқитувчиси ўзининг мусиқий – назарий билимларини такомиллаштириши лозим, чунки ўқувчиларнинг мусиқа дарсига бўлган қизиқишини ўстиришда ёш авлодни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашда ва уларни маънавиятли, маърифатли қилиб вояга етказишда ўқитувчи етакчи бўлиб ҳисобланади. Барчага маълумки, ҳар қандай санъаткор ҳам мактабда мусиқа дарсини олиб боролмайди. Бошланғич синф мусиқа ўқитувчиси бўлиш учун ўз касбига ва болаларига меҳр қўйған юксак маданиятли кенг дунёқарашга эга бўлган шахс бўлмоғи лозим. У педагогика, психология, болалар физиологиясининг амалий соҳаларида чуқур билимга эга бўлмоғи лозим. Бошланғич синфларда мусиқа ўқитувчининг фаолият миқёси кенгдир. Мусиқа маданияти дарслари билан бирга у синфдан ташқари мусиқа тарбияси турларини ҳам ташкил этиши ва бошқариши лозим.

Мактабда синфдан ташқари очиқ тарбиявий соатлар ўтказиш, мусиқа тарбиясининг оммавий ва тўғарак шаклларини олиб бориши, бошланғич синф ўқитувчиси зиммасидадир. Бунга «Мустақиллик байрами», «Билимлар куни», «Ўқитувчилар куни», «Алифбе байрами», «Янги йил», «Наврўз байрами», болалар шоирлари, санъаткорлар билан учрашувлар киради.

Бугунги мустақиллик шароитида таълим муаммоларини ҳал қилишда бошланғич синф мусиқа ўқитувчиси замон билан ҳамнафас қадам ташлаб ахборот технологияси ва илғор педагогик технология

малакаларини тўлиқ ўзлаштириш ва шулар асосида таълим – тарбия жараёнини ташкил этмоғи лозим.

ТЕКШИРИЦ УЧУН САВОЛЛАР:

1. Бошлангич синфларда мусиқа ўқитишининг асосий мақсад ва мавзуни нимадан иборат?
2. Бошлангич синфларда мусиқа ўқитиши методикасига қандай вазифалар қўйилган?
3. Ёш авлодни баркамол инсон қилиб тарбиялашда мусиқа санъати қандай аҳамиятта эга?

Таянч тушунчалар

Мусиқа – турли туман товушлар билан овоз яратиб берувчи, ғоявий – эмоционал мазмунга эга бўлган санъатни бир тури.

Мусиқа этикаси – мусиқа санъатининг моҳияти, бадиий шакллари ва услубларини ўрганадиган фан.

9 –МАЪРУЗА (4 СОАТ)

МАВЗУ: БИРИНЧИ СИНФДА МУСИҚА ЎҚИТИШНИНГ
МАЗМУНИ ВА МЕТОДИКАСИ

РЕЖА:

1. Биринчи синф ўқувчиларининг психологияк – физиологик хусусиятлари.
2. Биринчи синфда мусиқа ўқитишининг мақсади ва вазифалари.
3. Биринчи синфда мусиқа ўқитишининг иш мазмуни йил, чорак мавзулари.
4. Биринчи синфда болалар чолғу асбобларига жўр бўлиш.
5. Биринчи синфда мусиқали ритмик харакатларни бажариш.

АДАБИЁТЛАР:

1. Д.Омонуллаева, Х.Нурматов ва бошқалар «Биринчи синфда мусиқа дарслари» Т. 1987й.
2. Х.Нурматов ва Н.Норхўжаева 1 – синф учун «Мусиқа алифбоси» дарслиги Т. 1998й.

3. Д.Омонуллаев, Х.Нурматов ва бошқалар «Бошланғыч таълим» давлат таълим стандартлари дастури.

Маъруза матни

Бошланғыч синф ўқувчиларини хар томонлама етүк қилиб тарбиялашда мактабда ўқитиладиган барча фанлар қатори мусиқа маданияти дарсларининг аҳамияти катта. Мусиқа инсон хис-туйғуларини орзу-истакларини ўзига хос бадий тиlda ифода этади ва ҳиссиётларни фаол таъсир күрсатади. Кичик ёшдаги ўқувчилар мусиқа санъати билан болалар боғчаларида оиласа, радио ва телевидениедан бериладиган күрсатувлар орқали таниш бўладилар. Мусиқа маданияти дарсларида қувноқ куй ва қўшиқларни тинглаш, куйлаш, рақс элементларини бажариш, чапак чалиш ҳамда болалар чолғу асбобларида жўр бўлиш мусиқага иштиёқларини янада тез ошириб боради. Чунки бу ёшдаги болаларда ҳали диққат – эътибор унча тўлиқ бўлмайди, улар кўпроқ серҳаракат ва ўйинга мойил бўладилар.

Шунингдек биринчи синф ўқувчилари психолого-физиологик характерга кўра, маълум даражада хотираси, нутқи диққати – эътибори, овоз аппаратлари тўлиқ ривожланмаган, овоз пардалари нозик кучсиз бўлади. Шунга кўра болаларни мусиқага тобора қизиқтиришда, бутун дарс давомида уларни кайфиятини сақлашда, ўқитувчи очиқ самимий, ширин муомаласи ва ёқимли ҳатти – харакатлари билан эришиши лозим. Биринчи дарсдан бошлаб ўқувчиларни мусиқага қизиқтириш йўли билан, уларни мусиқавий ўқувлари, қобилиятларини куйлаш ҳамда овоз сифатларини синчиклаб ўрганиб олиши ва юқоридаги сифатларга кўра, уларни уч дифференционал гуруҳга бўлиш лозим.

I – гуруҳга –иқтидорли мусиқий ўқуви яхши ривожланган болалар;

II – гуруҳга – мусиқани аниқ эшита оладиган, аммо созга ўқитувчи овозига таянган, ҳолда тушадиган болалар;

III гуруҳга – созга умуман туша олмайдиган болалар киригилади.

Бундан мусиқа маданияти дарсларида ўқитувчи ўқувчиларни қўйдагича утказиш лозим.

Биринчи гурӯҳ болаларни орқа қаторга, Иккинчи гурӯҳ болаларни олдинги қаторга, учинчи гурӯҳ болаларни эса ўрта қаторга ўтказиш тавсия этилади. Натижада дарс давомида мусиқий қобилияти суст ривожланган болаларнинг мусиқий ўқуви ўсади ва шаклланади. Дарсда ўқувчиларни қизиқишини ўстириш учун, уларни ҳар бир ютуғи учун рағбатлантириш ҳамда, илфор болалар билан тенг даражада мусиқий фаоллигини кўрсата олишга ишонч ҳосил қўлдириш лозим. Мусиқий ўқуви суст бўлган ўқувчилар билан дарсдан кейин якка тартибда ишлаш ҳам тавсия этилади. Мусиқа дарсдаги фаолият турлари тез – тез алмашиб туриши, ўқувчилари зерикмаслик, толиқмасликни шу билан бирга мусиқа дарсига қизиқишини оширади.

Биринчи синфда мусиқа ўқигишини асосий мақсади ўқувчиларда мусиқага қизиқиш уйротиш ва мусиқий таассуротни таркиб топтириш, мусиқани санъат сифатида онгли идрок этиш. Натижада болаларда мусиқа ҳақида мушоҳада қилишнинг бошланғич асослари вужудга келади. Ушбу мақсадга эришиш учун қўйидаги вазифалар амалга оширилади:

1. Ўқувчиларни мусиқий қобилиятларини ривожлантириш.
2. Мусиқани (tinglash) идрок этиш малакасини ўстириш.
3. Куйлаш малакаларни ўстириш.
4. Мусиқий бадий – ғоявий мазмуни воситасида ахлоқий эстетик тарбиялаш.

Маълумки, мусиқа – ҳаёт ва давр аксиdir. Шунинг учун ҳам бошланғич синflарда мусиқа дарсларини дастурининг бош мавзуси «Мусиқа ва ҳаёт»dir. Шунинг учун ҳам бошланғич синфда мусиқа маданияти дарслари, болаларнинг ҳаётий тажрибаларига таянган ҳолда, олиб бориш, бадий таълим берувчи восита сифатида муҳим аҳамиятта эга. Зероки, дастурда куйлаш ва тинглаш учун тавсия этиладиган қўшиқлар ва мусиқий асарлар, баҳтили болалаик, инсонпарварлик, Ватанга муҳаббат, табиатта муҳаббат ҳақида асарлардан иборатdir. Мусиқа

ижодкорлари – «композитор» – «ижрочи» – «тингловчи» ҳақида умумий тушунчалар билан танишадилар.

Биринчи синфда болалар мусиқасининг характеристики образлари орқали олган билимлари нисбий бўлиб, кейинги синфларда аниқ (абсолют) тушунчаларга айланади. Шунингдек, биринчи синфда ўқув йили бошида илк бор олинган билимлар нотагача бўлган давр деб аталади.

Мусиқий фаолиятларнинг биринчи турларига доир вазифалар, иш мазмунини ташкил этади. Мазкур фаолиятлар ашула айтиш, мусиқа тинглаш, мусиқа саводи, рақс элементларини бажариш мусиқали ўйинлар, қадам ташлаш мусиқа маданиятини таркиб топтиришда муҳим роль ўйнайди. Биринчи синфда хор бўлиб қўшиқ куйлаш – жамоа фаолияти сифатида ўқувчиларни бевосита иштироки билан амалга оширилади. Қўшиқ куйлаш мураккаб психологик ва физиологик жараёндир. Бундан бош миядаги нерв хужайралари фаол қатнашиди, ўқувчиларда ижобий ҳис – туйгуларини фаоллигини таъминлайди, кўкрак қисми товуш ҳосил қилувчи аъзоларни артикуляция ва нафас органларини фаоллаштиради ҳамда ўқувчиларнинг самарали ишлашга шароит яратади.

Бошланғич синфларда қўшиқ ўргатиш учун аввал шу қўшиқ тингланади сўнг **қўшиқ ўргатиш методи** асосида ўргатилади:

1. Қўшиқ ҳақида ўқитувчининг қисқача кириш сўзи (қўшиқ муаллифлари ҳақида, асарнинг тарихий ёки тарбиявий аҳамияти ҳақида, қисқа ҳикоя қилиш, шу асарга доир қизиқарли ҳаётий суҳбат ўтказиш ва расм кўрсатиш).

2. Қўшиқни ўқитувчи томонидан тўлиқ ижро этиб берилиши.

3. Қўшиқни мусиқий характеристики, унинг ифода воситалари, шакли, жанрини ўқувчилар билан биргалиқда аниқлаш.

4. Қўшиқни мусиқий жумлаларга бўлиб ўргатиш.

5. Қўшиқни ижро сифатлари устида ишлаш (нафас, соф интонация, талаффуз, динамик белгилар асосида ифодали кўйлаш).

6. Таассуротлари юзасидан қисқача суҳбат ўтказиш (савол – жавоб) кўргазмали материаллар асосида.

Бунга мисол қилиб, дарслидаги қуйидаги асарларни айтишимиз мумкин: «Бувижоним» Д.Омонуллаева мусиқаси, Н.Рўзимухаммедов шеъри, «Бахтий эркатой» Т.Тошматов мусиқаси, Т.Илҳомов шеъри, «Дилоромнинг қўшиғи» Д.Омонуллаева мусиқаси, Ҳ.Муҳаммад шеъри.

Биринчи синфдан бошлиб ўқувчиларни овоз диапазонини аниқлаш ва кенгайтиришга алоҳида эътибор бериш лозим. Биринчи синфеда ўқувчиларни овоз диапазони (ДО_1 – ЛЯ_1), кейинчалик эса, уларни овоз диапазони кегайиб ўқув йили охирларила (ДО_1 – ДО_2) гача ҳам бўлиши мумкин. Қўшиқларни ўқувчиларга мусиқий қобилияtlари, мусиқий ўқуви, хотирасига, талаффузига аҳамият берилади.

Қўшиқларнинг дифферционал гуруҳларга бўлиб ўргатиш дарс самараадорлигини оширади. Мусиқий ўқув бўш бўлган ўқувчиларни қизиқиши ва мусиқий қобилиятини янада ўстириш учун ўқитувчиларни уч гуруҳга бўлиб ўтказиш лозим.

Мусиқий ўқув бўш бўлган болалар ҳар томонидан жарангдор овозларини эшитиб, уларга тақлид қилиб чиройли, соф интонацияда кўйлашга ҳаракат қиладилар. Бу ёшдаги ўқувчиларни овози ўзларига хос жуда майин ва ёқимили тембрга зга бўлади. Ўтириб ва туриб кўйлаганда гавдани тўғри тутиш, нафасини сўз ўртасида олмаслик учун режага солиш, унли ва ундош товушларни тўғри талаффуз қилиш, соф интонация устида мунтазам иш олиб бориш лозим. Болалар овозини парвариш қилиш тавсия этилади. Овоз созлашни примар товушлардан (ми₁, фа₁, соль₁) бошлиб, елкани кўтармасдан нафас олишга аҳамият бериш, қўшиқ кўйлаш самараадорлигини оширади.

Мусиқа тинглаш – дарснинг бошидан охиргача амалга ошириладиган фаолият туридир. Агар болалар

синфга мусиқа садолари остида кирсалар, демак улар мусиқаны идрок этиб кирадилар. Қүшиқ айтсалар, уни аввал эшитиб идрок этиб, сүнг ўрганиб куйладилар. Рақсга тушганда ҳам мусиқани тинглаб унинг бадиий ифодасини рақс ҳаракатлари билан тасвирлайдилар. Мусиқа тинглашга доир асарлар шакл ва жаңар жиҳатидан хилма – хил бўлмоғи лозим. Айнан мусиқа тинглашни воситасида болалар турли ўзбек ҳалқ чолғу созлари, ўзбек ҳалқ мусиқасидан намуналар («Чертмак», «Дутор баёти», «Алла», «Дилҳирож») каби асарлар билан болалар композиторлари ва бастакорлар ҳаёти ва ижоди, миллий мусиқамиз анъаналари куй ва қўшиқлар билан танишадилар.

Дарс мазмуни билан боғлиқ бўлган кўргазмали қуроллар, мусиқа образларини ифодаловчи бадиий суратлар, плакатлар техника воситалари, дидактик ўйинлардан фойдаланиш лозим.

Мусиқий ўқув бўш бўлган болалар хар томондан жарангдор овозларни эшитиб уларга тақлид қилиб чиройли, соғ интонацияда куйлашга ҳаракат қиласидилар. Бу ёшдаги ўқувчиларни овози ўзларига хос жуда майин ва ёқимли тембрга эга бўлади. Ўтириб ва туриб куйлаганда гавдани тўғри тутиш, нафасни сўз ўртасида олмаслик учун режага солиш, уни ва ундош товушларни тўғри талаффуз қилиш, соғ интонация устида мунтазам иш олиб бориш лозим. Болалар овозини парвариши қилиш тавсия этилади. Овоз созлашни примар товушлардан (ми_1 , фа_1 , соль_1) бошлаб, елкани кўтармасдан нафас олишга аҳамият бериш, қўшиқ куйлаш самарадорлигини оширади.

Бошланғич синф ўқувчилари ўз диққат – эътиборини узоқ вақт бир нарсага қаратиб туролмайдилар, жуда тез чарчаб қоладилар. Шунинг учун ҳам мусиқа маданияти дарсларида мусиқий ижрога аҳамият бериб бориш, чапак чалиш, қадам ташлаш каби хилма – хил ҳаракатлардан фойдаланиш зарур.

Айниқса болалар мусиқий чолғу асбоблари (доира, бубенча, шиқилдоқ, маракасса, уч бурчак, румба, барабанча)да жўр бўлиш ва ритмик рақс ҳаракатларини

бажариш, болаларни фаоллаштиради ва дарс қизиқарли, мазмунли ўтади.

Куйлар охангни ўқувчиларнинг хотирасида чуқур ўрнашиб қолиши учун, улар билан куйлаб кўриш тавсия этилади. Шуни эсдан чиқармаслик керак, мусиқий асарларни яхши эсда қолиши учун камида 2–3 марта эшиттириш ҳар гал куйнинг янги қирралари билан таништириб борилади, мусиқа тинглашни эса содда сўзли асарлардан бошлаб аста – секин мураккаблаштириб бориш лозим. Дарснинг хар бешта фаолияти бир – бири билан узвий боғлиқ холда дарснинг мазмунини бир – бутун бўлишини таъминлаш лозим. Дарснинг чорак йил мавзулари бир – бири билан изчил боғланиб бир – бирини тўлдириш керак

Биринчи синфда йил мавзуси:
«Биз мусиқани севамиз»

I – чорак: Биз ёқтирган куй ва қўшиқлар.

II – чорак: Мусиқали ўйинлар, рақс ва қўшиқлар.

III – чорак: Хушнаво чолғуларимиз.

VI – чорак: Хушнаво чолғуларимиз.

ТЕКШИРИШ САВОЛЛАРИ:

1. Биринчи синф ўқувчилари қандай психологияк – физиологик характерга эга бўладилар?
2. Биринчи синфда мусиқа ўқитишининг мақсад ва вазифалари?
3. Биринчи синфда қўшиқ ўргатиш методлари?
4. Биринчи синфда мусиқа тинглашнинг ўзига хос хусусиятлари?
5. Биринчи синфда йил чорак мавзуларини айтиб беринг?

Таянч тушунчалари:

«Диапазон» – ашулачилар овози кенглиги.

«Тон» – аниқ баландликка эга бўлган товуди.

МАВЗУ: ИККИНЧИ СИНФДА МУСИҚА ЎҚИТИШНИНГ
МАЗМУНИ ВА МЕТОДИКАСИ

РЕЖА:

1. Иккинчи синф ўқувчиларининг психологик – физиологик хусусиятлари.
2. Иккинчи синфда мусиқа ўқитишнинг мазмунни ва методикаси.
3. Иккинчи синфда вокал – хор ишларини моҳияти.
4. Иккинчи синфда мусиқа саводи ва унинг аҳамияти.

АДАБИЁТЛАР:

1. Д.Омонуллаев, Х.Нурматов ва бошқалар «Иккинчи синфда мусиқа дарслари» Т. 1987 й
2. Х.Нурматов ва Н.Норхўжаев «II синф учун мусиқа дарслиги». Т. 1998 й
3. Д.Омонуллаев, Х.Нурматов ва бошқалар. «Бошлангич таълим» давла таълим стандартлари дастури.
5. М.Иномова «Педагогика» Т. 2000 й

Маъруза матни

Иккинчи синф ўқувчиларининг психологик – физиологик характерга кўра, 1 – синф ўқувчиларига ўхшаш бўлади. Уларнинг диққат эътибори ҳали тўлиқ шаклланмаган бўлади. Бу ёшдаги ўқувчилар диққати бир нарсадан бошқа бир нарсага тез – тез алмашшиб туради. Чунки, улар ўйин билан нарсаларга кўпроқ мойилдирлар. Шу нуқтаи назардан мусиқа маданияти дарсларида дарс фаолиятларини тез – тез алмаштириб туриш уларни мусиқага қизиқтириб туриш дарс унумининг гарови ҳисобланади.

Овоз аппаратларини нозиклиги, мўртлиги, овоз пардаларининг тўла шакилланганлиги сабабли овозлари фальтет тизимида янграйди. Овоз диапазони (D_1 – PE_2)гача бўлади. Биринчи синфда олинган билим ва малакалари иккинчи синфда чуқурлашиб, такомиллашиб конкретлашади. Масалан: биринчи синфда ўқувчилар

марш мусиқаларини жадал шаҳдам тантанавор характерини мусиқа оҳангига мос қадам ташлаш билан ажралсалар, иккинчи синфда эса бу мусиқаларни жанр эканлиги, уларни турлари (спорт, байрам, харбий) хақида конкрет билимга эга бўладилар. Шу тарзда қўшиқ ва рақс жанри ҳам ўрганилади. Иккинчи синфда вокал – хор ишлари, биринчи синфда олинган билим ва малакаларини мустаҳкамлаш ва қўшиқ куйлашдаги нуқсонларни тузатиб боришдан иборатdir. Биринчи синфда хор бўлиб ашгула айтишга доир бўлган билимларни, иккинчи синфда янада шакллантириш лозим. Физиологик ўсиш муносабати билан овоз кучи, диапазони, тембри ўзгариб боради, маълум тизим асосида авайлаб тарбиялаш икки овозликда куйлаш услубини шакллантиради.

Икки овозликни хосил этишда болаларни майин овозда куйлаши лозим, акс ҳолда иккинчи овоз эшитилмай қолади. Ўқитувчи дарсда болаларга қўшиқ ўргатишда болалар овозини ўзига хос ҳусусиятларини пухта билиши лозим. Ўқувчиларни мутассил қўл харакатларига ўргатиб бориши «Диққат», «Ауф», «Ижрони бошлаш», «Ижрони тугатиши» каби дирижёрлик ишораларига амал қилган ҳолда ўқувчиларни куйлашга тайёрлаш лозим.

Иккинчи синфда ҳам ўқувчилар севган куй ва қўшиқлар доирасини кенгайтириш лозим. Ўқувчиларни ҳаётий тажрибаларига, биринчи синфда олган билимларига таяниб, мусиқа асарлари танлаш лозим. Уларни миллий мусиқамизни идрок этиш, мумтоз мусиқа намуналари билан ўзбек ҳалқ мусиқаси намуналари, ўзбек ҳалқ чолғу созлари билан мусиқа тинглаш ва қўшиқ куйлаш орқали таништириб бориш лозим. Бу ўқувчиларимизни ўз тарихини билишга, фанлар аро алоқа, ўз Ватанини севишга, миллий қадриятлар, урф – одатлар билан яқиндан танишишга ёрдам беради.

Иккинчи синфда вокал – хор ишларига эътибор кучаяди, ўқувчилар овозига ва чолғуга таяниб жўр бўлиб, мусиқали ритмик харакатлар бажарадилар.

Бунга «Пахтаой» Ф.Назаров, Т.Илхом шеъри, «Кичкинтоимиз – гижингтоимиз» П.Мўмин шеъри,

К.Кенжав мусиқаси, «Янги йилим – яхши йилим» П.Мўмин шеъри, Д.Зокиров мусиқаси «Гилдирагим» Ш.Ёрматов мусиқаси, Т.Бахромов шеъри каби қўшиқлар, «Чаманда гул» Ўзбек халқ куйлари мисол бўла олади.

Мусиқа идрокининг асосий воситаси мусиқа нутқидир. Мусиқа ифода воситалари: куй, лад, ритм, регистр, тембр, тембр, динамик белгилар кабилар мусиқа саводига киради. Уларни хис этмасдан туриб мусиқа асарларини санъат сифатида бадиий ва ғоявий жиҳатдан онгли равища тўлиқ идрок этиш қийин.

Ўқувчилар шунингдэк ўлчов, такт, такт чизифи, ноталарни жойланиши, паузалар, кучли ва кучсиз ҳиссалар, жанрлар ҳақида билимларга эга бўлишлари, куй – қўшиқларни онгли равища ўзлаштиришга мусиқий саводидан қўйидаги билим ва малакалар шаклланиб, амалда бажарилиши лозим:

1. куйларни ритмик схемаларини бўғинли сўзлар билан куйлаш(ля, ду, да, мо, ми)
2. кучли ва кучсиз ҳиссаларини аниқлаш ва уларни ҳис этиб куйлаш
3. чапак ва чолғу асбобларида чалиб куйга ритмик жўр бўлиш
4. марш ва рақс характеристини ҳаракатларда ифодалаш
5. лад ҳақида билимларни мустаҳкамлаш мумкин.

Мусиқа тинглаш, мусиқа маданияти дарсларида етакчи фаолият ҳисобланади. Зеро, дарсда қўлланадиган барча мусиқа материаллари, асосан, мусиқа тинглаш орқали амалга оширилади,

Йккинчи синфда бу билимлар чуқурлашиб такомиллашади. Мусиқадан озуқа олиш учун ўқувчилар мусиқий образларни англашлари, ҳис этишлари ва таасаввур этишлари лозим. Шундай экан, ўқитувчи иккинчи синфда ўқувчиларни мусиқа тинглаш жараёнида ишончли далиллар: кўргазмали қуроллар, техника воситалари, тест карточкалари, дидактик ўйинлар, ноанъанавий дарслар ёрдамида ўтишни талаб этилади. Мусиқанинг табиати, ундаги кайфият, образ

характерини ифодалашда лад ҳиссини ўстириши ажамияти катта. Бунга: «Алла», «Яллама – ёрим», «Ўзбек халқ куий», «Андижон полкаси», «Гулхан» Д.Зокиров қайта ишлаган, «Баҳор вальси» М.Мирзаев мусиқаси мисол бўла олади. Ҳар бир дарсда асар характери, мазмуни ва ифода воситаларини аниқлашда кўпроқ болаларга мустақил фикр юритиш учун имконият бериш лозим. Шу тарзда тингланадиган ва куйланадиган қўшиқлар дарс давомида оддий таҳлил этилиб ўргатилади. Ўргатиладиган куй ва қўшиқлар унугтилмаслик учун, уйга вазифа бериб, расмлар солиб келиш, кўргазмали қуроллар тайёрлаш орқали мустаҳкамлаш керак. Мусиқа маданияти дарслари бешта фаолият асосида олиб борилади. Дарс мавзулари бир – бири билан узвийлик, илмийлик, системалийлик тамойиллари ёрдамида боғланади.

Иккинчи синфда йил мавзуси:

«Мусиқа нимани ифодалайди ва тасвирлайди».

I – чорак: «Якканавозлик, жўрнавзлик, жўрсозлик»

II – чорак: «Якканавозлик ва яккахонлик чолғу ва хонандалар дастури»

III – чорак: «Куй нима?» Кўйда нима ифодалайди?

IV – чорак: «Мусиқани ифода воситалари»

Ўқитувчи дарс режасини ушбу мавзулар асосида тузиб, уларни бир – бири билан узвий боғлаб олиб бориш зарур.

ТЕКШИРИШ САВОЛЛАРИ:

1. Иккинчи синф ўқувчилари қандай психолого-физиологик характеристика таъсири биладилар?
2. Иккинчи синфда мусиқа ўқитишининг мақсад ва вазифалари нималардан иборат?
3. Иккинчи синфда қўшиқ ўргатишини ўзига хос ҳусусиятларини айтиб беринг?
4. Иккинчи синфда йил чорак мавзуларини изоҳлаб беринг?

Таянч түшүнчалар:

- Мусиқа назарияси** – мусиқа тахлили, ижрочилигини ўргатувчи фан.
- Мусиқа тарихи – Мусиқа санъатининг пайдо бўлишидан хозирги замонга қадар тараққиёти.
- Вокал – хор машгулоти – якка ҳолда ансабль ва хор билан жамоа бўлиб ашула айтиш.

11 – МАЪРУЗА

МАВЗУ: УЧИНЧИ СИНФДА МУСИҚА ЎҚИТИШНИНГ
МАЗМУНИ ВА МЕТОДИКАСИ

РЕЖА:

1. Учинчи синфда мусиқа ўқитишининг мазмунни ва мақсади.
2. Учинчи синф ўқувчиларининг психологияк – физиологик хусусиятлари.
3. Мусиқа дарсларида кўргазмали қуроллар тайёрлаш ва унинг методик аҳамияти.
4. Учинчи синфда йил чорак дарс мавзулари ва уларни ўқувчилар ёши ва қизиқишига мослиги.

АДАБИЁТЛАР:

1. О. Апраксина «Методика музикального воспитания в школе». М. 1983.
2. Д.Омонуллаев «Умумий таълим мактаблари учун мусиқа дастурлари». Т. 1992.

Маъруза матни

Учинчи синф ўқувчилари ўзларининг психологик – физиологик характеристига кўра 1 – 2 – синфлардан анча фарқ қиласди. Уларнинг диққат эътибори турғун, хотираси кучли, овоз аппаратлари шаклланган, нутқи равон, вокал – хор малакаларига, мусиқа ҳақида билимга эга бўладилар. Учинчи синф ўқувчилари овоз диапазони до¹ – ми². Шунга қарамасдан, дарснинг ҳар бир элементи тажрибаларга асосланиб тушунтириш лозим.

Учинчи синф дарс режасини тузганда айниқса, ижодий ёндашиш, унинг структурасини мантиқан боғлаб туриш, асарлар тартибини синф имкониятига мувофиқ белгилаш, болаларни мусиқага қизиқиши ўйғотиб, бадий эмоционал кечинмаларни вужудга келтириш, уларни овоз диапазонига мослаб режа тузиш керак. Ўқувчиларни ўқув жараёнида мусиқанинг ҳаётийлиги, соддадан мураккабга қараб узлуксиз ривожланиши, мусиқанинг назарияси ва жанрлари, тузилиши ва моҳияти, бошқа санъат турлари билан алоқаси хақида билимга эга бўладилар. Мусиқа саводидан нотага қараб куйлаш қобилияtlари онгли равишида ривожланади. Ўқитувчини қўл ҳаракатига қараб ва уларни қўлларини ҳаракатга келтириб турли машқлар ва қўшиқларни куйлай оладилар. Бу ўрганилаёттан мусиқий асарларнинг жанрларини аниқлашада, соф интонацияда тўғри куйлашга ва қўшиқ мазмунини ифодали қилиб, бадий жиҳатдан тўғри ижро этишида муҳим роль ўйнайди. Бунга мисол қилиб, композитор Ф.Назаров ва шоир П.Мўминнинг «Қиши чоғлари» қўшифи, композитор Ш. Ёрматов ва шоира Зулфиянинг «Қор» қўшифи, композитор Н.Норхўжаев ва шоир П.Мўминнинг «Салом берган болалар», «Гул терди гуллар» каби асарларини келтиришимиз мумкин.

Учинчи синф ўқувчилари нафасни тўғри олиб, жумлани охиригача етказишга аста—секин ўрганиб боришлари керак. Икки овозли асарларнинг энг оддийсини куйлай оладиган бўлишлари керак. Икки овозли куйлашга эришиш учун аввало соф интонацияга эришиш керак, бунга овоз созлаш жараёнида эришилади. Олдин терция кенглигида икки овозли машқларни куйлаш, сўнгра бир икки такт канон шаклида машқлар куйлаш орқали ўқувчиларни мусиқий ўқувини ривожланиб, эшлиш қобилияти ўсиб боради. Аста—секин икки овозли асарларни куйлаш ўқувчиларни қизиқишини ошириб боради. Композитор С.Бобоев ва шоир П. Мўминни «Дастёр қиз» қўшифи, композитор Н.Норхўжаев ва шоир П.Мўминни «Олтин паҳтам—оппоғим», «Кенг Туркистон» каби қўшиқлари мисол бўла олади.

Ўқувчиларни мусиқа ҳақидағи билим доирасини көнгайтиришда мусиқа қобиляйтларини ривожлантиришда мусиқа тинглаш мұхым роль ўйнайды. Ҳар бир дарсда асар қарakterи, мазмуни ва ифода воситаларини аниқлашда болаларға мустақил фикр баён этиш учун имконият бермоқ лозим. Жумладан, «Ёмғиржон» асарида (Д.Омонуллаев мусиқаси) тембр, динамика, ўлчов, контраст асосий омил бўлиб ҳисобланади. Композитор Ш.Ёрматовнинг «Фидирагим», композитор А.Мансуровнинг «Қўзичофим – ўйинчоқ», композитор Т.Азимовнинг «Дурдана» асарларида куй ва жумлаларни ўзгартирумай такрорланиши «рондо» эканлигини ўқувчилар тезда англаб оладилар. Энди мусиқанинг ривожланишидаги куйнинг қайтарилишида унинг ўзгариши, ўзгарганда ҳам янги қарakter касб этиб, ўйноқи ва мураккаб ритм ва чаққон темп этилиши – контраст дейилади. Контрастта мисол қилиб композитор Ф. Назаровнинг «Қўшиқ ва рақс», ўзбек ҳалқ куви «Пахта рақси», композитор А.Мансуровнинг «Чумоли ва Нор», композитор С.Абрамованинг «Бувижоним келяпти» асарларини келтиришимиз мүмкин. Асарни 2 – 3 дарс давомида тинглагач, ҳаётдаги воқеликни, мураккаб воқеликни, мусиқий оҳангларни тасвирлаб олишини кўрамиз. Шу билан бирга 3 – синф ўқувчилари мусиқий ритмик ҳаракатларни аниқ бажара олишлари, куйлаётган қўшиқларини жозибали, қувноқ, ёқимли, соғ интонацияда куйлашга ҳаракат қилишлари лозим. Шунингдек, болалар чолғу асбобларида аниқ, равон, ўз вақтида жўр бўлишлари лозим. 3 – синфда ҳам барча бошланғич синфларда қўлланадиган методлардан: кўргазмали, амалий, оғзаки, таққослаш ва мусиқа ўқитишининг оптималь методларидан фойдаланилади.

Ўқитувчи мусиқа маданияти дарсларида ижросидан ташқари грампластинка ёзувидан, магнит тасмаларидағи ёзувлардан фойдаланиб, болалар хори, профессионал санъаткорлар чолғу асбобларида ижро этган мусиқий асарлар, ҳалқ қўшиқ ва куйларини тинглаб идрок этиш билан ўқувчиларни сеҳрли мусиқа оламига олиб кириш, бадиий дидни, қизиқишини ривожлантириш мүмкин.

III – синфда йил мавзуси:
«Мусиқада шакл ва мазмун»

I – чорак: Мусиқа ифода воситалари

II – чорак: Хор ва оркестр

III – чорак: Мусиқанинг тузилиши.

IV – чорак: Оддий мусиқа шакллари. Банд ва нақорат.

Шунингдек, мусиқа дарслари йил чорак мавзулари асосида режалаштирилиб беш фаолият асосида ўтилди.

ТЕКШИРИШ САВОЛЛАРИ:

1. Учинчи синфда мусиқа ўқитишининг мазмуни ва мақсади.
2. Учинчи синф мусиқа дарсларида қандай методлардан фойдаланилади?
3. Учинчи синф ўқувчиларнинг психологияк – физиологик хусусиятлари.
4. Учинчи синфда йил чорак мавзулари ва уларнинг мусиқа дарсидаги аҳамияти.

Таянч тушунчалар:

«Хор» – жамоа бўлиб қўшиқ куйлаш.

«Жанр» – мусиқанинг тури.

12 – МАЪРУЗА

МАВЗУ: ТЎРТИНЧИ СИНФДА МУСИҚА ЎҚИТИШНИНГ
МАЗМУНИ ВА МЕТОДИКАСИ

РЕЖА:

1. Тўртинчи синф ўқувчиларининг психологияк ва физиологик хусусиятлари.
2. Тўртинчи синфда мусиқа дарсларининг мақсади ва мазмуни.
3. Тўртинчи синфда мусиқа дарс мавзуларини ўқувчилар ёшига ва қизиқишига мослиги.

АДАБИЁТЛАР:

1. Д. Омонуллаев «Умумий таълим мактаблари учун мусиқа дастурлари». Т. 1992.

2. Е.Гудкова, А. Құлдошев. «Мусиқа дарслиги учун методик құлланма». Т. 1978.

Маъруза матни

Түртінчи синф ўқувчилари ўзларининг психологик – физиологик характеристига күра ҳаётій тажрибага бой, фанларга қизиқувланған бўладилар. Диққат эътибори турғуналашган бўлади. Жиддий бўлган масалалар устида фикрлаш, ҳажм жиҳатдан каттароқ бўлган мусиқа асарларини эшлишига қодир бўладилар, изланиши, мушоҳада қилиш қобилиятига эга бўладилар. Бу хусусиятларни барчасини ўқитувчи ниҳоятда ўйлаб оқилона иш тутиши лозим. Ҳар бир дарсдан унумли фойдаланиши лозим. Бундан мақсад болаларни тезроқ дастурдаги мусиқа асарларига, дарс услубига, мусиқа санъатига қизиқишидан иборатdir. 4 – синф ўқувчиларининг вокал – хор малакалари бир киlda ривожланган бўлмайди. Чунки, баъзи бошланғич синфларда мусиқа фанидан мутахассислар дарс беришмайди. Мутахассис иш олиб борган жойда эса ўқувчилар соф унисонда куйлаш, ансамбль ва қўшиқларни меъёрига етказиб, икки овозда куйлаш даражасига эга бўладилар. 4 – синф ўқувчиларининг овоз диапазони (до¹ – ми²). 4 – синфда ҳам ўқитувчиларни дифференциал гуруҳларга бўлиб ўтказиш лозим бўлади. Чунки, уларнинг бу даврда овозлари жарангдор, ёқимтой, кульминацион ривожланган даври ҳисобланади. Шунинг учун, дарсда кўпроқ куйлатиш мақсадга мувофиқdir. Бунга мисол қилиб, композитор Н.Норхўжаев ва шоир П.Мўминни «Яхши бола», «Оқ пахта тердик», композитор Ш.Ёрматов ва шоир С.Барноевни «Соғлом авлод қўшиғи», композитор М.Насимов ва шоир Я.Қурбоновни «Биздан сизга ким керак?» қўшиғини келтиришимз мумкин.

Календарь – мавзули режа тузганды юқорида айтилган хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда чорак, йил мавзулари ҳисобга олинниб, режа тузилади. Ўқитиш давомида қуидаги босқичларга эътибор бериш керак.

Биринчидан: фанлараро алоқа методи. Бонка фанлардан олинган билим ва малакалардан фойдаланиши

Масалан: она тили ва адабиёт, тасвирий санъат, Ўзбекистон тарихи, табиатшунос, математика ва бошқалар.

Иккинчидан: ўқувчиларни мусиқий қобилиятини ўстириш; соф унисонга эришиш, жумла бошида нафас олиб, жумла охиригача режалаб етказиш, лад ҳақида маълумот, ўлчовларни билиш, ноталарга қараб куйлай олиш.

Учинчидан: мусиқа саводига қизиқтира олиш; мусиқа саводининг энг муҳим аҳамияти – қўшиқларни ноталар номлари билан куйлатиш, тинглаш учун берилган асарларни таҳлил қила олишдир.

Қўшиқ ўргатишида дирижёрлик услубида фортециано чолғу асбобидан унумли фойдаланиш лозим. Овозларни маромига тушириб куйлаш учун қўшиқ парчаларидан машқлар танлаб куйлаш лозим. Машқларни маълум тизимга солиб куйлаш керак. 4 – синфда мусиқа тинглашни аҳамияти катта, чунки бунда ўқувчилар ҳалқ мусиқа ижоди ўзбек ҳалқ мусиқасининг оммавий жанрлари, бастакорлик услуби, композиторлик услуби намуналари билан танишадилар. Мусиқа тинглаш учун 4 – синфда ўзбек ҳалқининг оммавий қўшиқларидан бошлиш мақсадга мувофиқдир. Масалан: «Алла», «Омонёр», «Бойчечак», «Дилхирож», «Тановор», «Лолача», «Ковушим», «Чоргоҳ» ва бошқалар.

Ўқувчиларда шунингдек, ҳалқ мусиқа ижодининг оммавий жанрлари, касбий мусиқа, композитор ва бастокарларнинг мусиқалари ҳақида маълумот бериш лозим. Ҳалқ мусиқасининг оммавий жанрлари ҳалқимиз орасида кенг тарқалган бўлиб, оғиздан – оғизга, авлоддан – авлодга ўтиб келмоқда, бу асарлар мазмунида оромбахш, ёқимли, майин аллар, панду – насиҳат, аҳлоқ – одоб ҳақида қўшиқлар, ялла, лапар киради. Буларга мисол қилиб «Олмача анор», «Ойижон», «Қизгина», «Хей, лола», «Ишга чиқинг келинойи» каби асарларни тинглаш мумкин.

4 – синф ўқувчиларини айниқса, композиторлик ва бастакорлик ижоди билан таништириш лозим.

Композиторлар – бу мусиқа яратувчи ижодкор, одатда консерваторияда маҳсус таълим олган инсон

бўлади. Композиторларнинг асарлари симфония, опера, балет, соната, қўшиқлар, ўз замонасига мос нота ёзувларида ўз аксини топади.

Бастакорлар – эса оғзаки анъана услубидаги профессионал мусиқа ижодкорлари. Бастакорлар халқ куйларига таянган ҳолда янги асарлар яратадилар. Муҳим томони шундаки, бастакорлар ўз асарларини одатда дастлаб, ўз ижодкорлик санъатлари орқали намоён этадилар, сўнг нота ёзувларида акс эттирадилар. Шу боис бастакорлар бир вақтни ўзида яратувчи ижодкор ҳам ижрочи санъаткордирлар. Халқимиз орасида энг севимли бастакорларга М.Мирзаев, Ф.Тошматов, Т.Жалилов, Уста Олим Комилов, Ю.Ражабийларни айтиш мумкин. Таниқли композиторлардан М.Ашрафий, М.Бурхонов, Ф.Назаров, К.Кенжаев, Ш. Ёрматов, Н.Норхўжаев А.Мансуровларни айтиш мумкин.

Мусиқа тинглашда вокал ва чолғу мусиқаси халқ оммавий мусиқасини ва касбий мусиқа тинглаб идрок эта олиш назарда тутилади.

IV – синфда йил мавзуси:

«Халқ мусиқа ижоди»

I – чорак: Ўзбек халқ мусиқасининг оммавий жанри.

II – чорак: Халқ ашуалари ва ашгула йўлидаги куйлар.

III – чорак: Композиторлик услуби ҳақида маълумот.

IV – чорак: Композиторлар ижодида халқ мусиқаси намуналари.

Текшириш учун саволлар:

1. Тўртинчи синфда ўқувчиларнинг психологик – физиологик хусусиятлари.
2. Тўртинчи синфда мусиқа ўқитишининг мазмуни ва мақсади.
3. Тўртинчи синфда мусиқа дарсининг чорак, йил мавзуси ва уларни мусиқа дарсидаги аҳамияти.
4. Тўртинчи синфда мусиқа дарсларини ўзига хослиги.

Таянч тушунчалар:

«Вольта» – бир нота ёзувида мусиқа асарларининг турлича тутатиш учун қўйиладиган белги.

«Реприза» – бир мусиқий жумлани икки марта тақрорланиши.

«Созанда» – чолғу асбобида ижро қилувчи чолгучи.

13 – МАЪРУЗА (2 соат)

МАВЗУ: БЕШИНЧИ СИНФДА МУСИҚА ЎҚИТИШНИНГ МАЗМУНИ ВА МЕТОДИКАСИ

РЕЖА:

2. Бешинчи синф ўқувчиларининг психологияк – физиологик хусусиятлари.
3. Бешинчи синфда вокал – хор ишлари ва икки овозда куйлашнинг мақсад ва вазифалари.
4. Бешинчи синфда мусиқа ўқитишининг мазмунни ва методикаси.

АДАБИЁТЛАР:

5. А.Мансуров, Д.Каримова. «Умумий таълим мактабларининг 5 – синф мусиқа дарси учун методик тавсияномаси». Т.1997
6. Д.Ф.Омонулаев, Х.Нурматов, Қ.Мамиров. «Умумий ўрта таълим ўқув дастури» Т. 1992 й.
7. А.Мансуров, Д.Каримова. «5 – синф учун мусиқа дарслиги». Т.1997 й.

Маъруза матни

Бешинчи синфда ўрта таълим этапи бошланади. 5 – синф ўқувчилари психологияк – физиологик жиҳатдан анча ўзгарган бўладилар. Вокал – хор кўнишка ва малакаларига эга бўлади. Соф унисонда куйлашга, икки овозли машқларни куйлашга, ансамблда куйлашга эга бўлади. Қўшиқ ҳақида, тингланган асар ҳақида мустақил фикр юритиш қобилиятига ҳам эга бўладилар. Овоз диапазони (До₁ – Фа₂) маълум миқдорда ривожланган бўлади, улар ҳаёттй тажрибага бой бўладилар. Фанларга қизиқувчан ва ўзларининг севган машғулотларига астойдил меҳр билан қарайдилар. Болаларда диққат – эътибор анча турғунашган бўлади. Ҳажм жиҳатдан

каттароқ мусиқани тинглашга ва куйлашга қодир бўлади. Мусиқа дарсида кўргазмалилик асосий ўринни эгаллайди. Ўқитувчи ўз қўшиқни ифодали қилиб куйлаб бериш ва ўқувчиларни мусиқий ўқув қобилиятларини ўстириши керак:

1. Соф унисонга эришиши
2. Мусиқий жумлани бошидан охиригача тўла идрок этиши.
3. Нотага қараб куйлаш қобилиятига эга бўлиши керак.

Мусиқа саводидан асар таҳлили, ноталарни жойланиши ўлчовлар, ансамбль, хор, оркестр ҳақидаги билимларга эга бўлиши мақсадга мувоффиқдир. Мусиқа дарсларида иложи борича, ўқитувчи кўргазмали қуроллардан, техника воситалардан кўпроқ фойдаланиши керак. Ўқувчилар мусиқа фанини бошқа фанлар билан боғлиқ эканлигини онгли равишда англаши керак. Бешинчи синф ўқувчиларини қизиқиши, қобилиятига, қараб тўғаракларга жалб этилиши лозим. Бешинчи синфда бир овозда қўшиқ куйлаш устида иш олиб бориш давридаёқ, ўқувчиларни икки овозда куйлашга астасекин тайёрлаб бориш лозим. Ўқув йилининг иккинчи ярмидан бошлаб, ниҳоятда оддий машқлардан, қўшиқ нақоратларидан, куйлаш учун қулай бўлган ладлардан бошлаш мақсадга мувофиқдир. Энг оддий ва мураккаб машқларни ҳам, асосан сольфеджио қилиш йўли билан ўрганиш ва куйлаш лозим, чунки бу жараёнда ноталарни номлари ва баландлиги ҳолатини ҳам англаб борилади. Икки овозликада куйлашни бошлашдан олдин, синф тахтасида ёки плакатларда кўрсатиб ноталар номини ва товушининг баландлик ҳолатини аниқлаб, овоз чиқариб бир неча марта такрорлаб сўнг, куйлаш зарур. Дастрлаб катта терция, соф квартा, соф квинта, катта секста сингари оҳангдош интерваллар, машқлар куйлаш учун асос бўла олади. Чунки бу интерваллар куйлаш учун қулай ёқимли ва ўқувчилар хотирасида сақланиши осон. Интерваллар фақат икки овозда куйланмасдан, балки тинглаш учун ижро этиб, уларда юқори ва пастни товушни аниқлашни топшириш лозим. Бундай саволлар ўқувчиларни гармоник ўқувини кучайтиради. Интервалларни онгли равишда ўзлаштириш тўйнуси

пайдо бўлади. Икки овозлик қўшиқларни куйлаш учун, кичик канонлардан бошлаб каттароқ ҳажмдаги жўрсиз (акапелла) асарларга ўтиш, ўқувчиларни бир – бирини диққат билан эшитиб, куйлаш қобилиятларини ўстиради. Икки овозли қўшиқларни танлаганда, икки овозли элементи бор, кичик ҳажмдаги асарлар мақсадга мувофиқдир. Ҳар қайси овознинг оҳанги аниқ, равshan, мустақил бўлиши керак. Пастги овоз куий ширали, хулоҳанг, яхши эсда қоладиган бўлиши айниқса муҳимдир. Овоз партияларининг диапазони секста, септима, октавалар ҳажмидан ошмайдиган қўшиқлар айтишга айниқса қулайдир.

Қўшиқлар ўртача темпда ёзилган бўлиши куйлаш учун фойдали ва осондир. Икки овозли қўшиқларни оҳанглари имитация жиҳатдан шакли енгил ва осон бўлиши керак. Ўзбек ҳалқ қўшиқларини ўқитувчи икки овозлик қилиб, қайта ишлаб ўргатиши ўқувчиларни талафзузи интонацияси ва хотирасини ривожлантиради. Икки овозликни куйлашда, бир овоз чўзиб, иккинчи овоз ҳаракатлишиши ҳам, болаларни эшитиш қобилиятларини ўстиради. Кейинчалик эса, овозларни параллель бир томонга йўналиши, овозларни қарама – қарши йўналиши ва ҳар хил мураккаброқ ҳолатида ҳам куйлаш мумкин бўлади. Мусиқа дарси жараёнида икки овозда куйлаш учун болалар овозини дискант ва алътта бўлиши шарт эмас, балки тахминий бўлиши ҳам мумкин. Чунки иккинчи, учинчи овозни куйлаганда болаларни мусиқа ўқуви кўпроқ ўсади. Шунинг учун овозларни галма – гал алмаштириб куйлатиш лозим. Бунинг учун албатта дастлаб, соф унисонга эришилади. Сўнгра, икки овозли асарларга ўтилади. Бешинчи синф болаларининг овозлари янгроқ, овоз аппаратлари шакланган, кўнишка ва малакаларга эга бўлганлиги сабабли икки овозли қўшиқларни ўргатиш мақсадга мувофиқдир.

Бешинчи синфда мусиқа дарсларини йил мавзуси:

«Композиторлик мусиқа жанри»

I – чорак: «Ўзбек ҳалқ чолғулари оркестри. Хор санъати».

II – чорак: «Симфоник оркестр. Мусиқада вокал – симфоник жанрлари».

III – чорак: «Саҳнавий мусиқа асарлари. Балет ва рақс санъати. Мусиқали драма ва комедия».

IV – чорак: «Опера санъати. Ўзбек мусиқасида опера жанри».

Бешинчи синфда мусиқа дарсларининг асосий мақсади, ўқувчиларни бошлангич синфларда олган билимларини ва тайёргарлик даражасини аниқлаб, мусиқа машғулотларига, тўгарак ишларига қизиқтиришдан иборат. Мазкур мақсад юзасидан кириш суҳбати ўтказилади ва кўпчилик ёддан биладиган қўшиқ куйланади. Куйлашдан олдин ашула айтиш ҳолати, ўтириб ва туриб куйлаш қоидалари таништирилади ва тартибга солиниб, вокал машқлари ёрдамида овозлар созланади. Сўнгра қўшиқ ижро этилади ҳамда ижро ютуқ ва камчиликлари баҳоланади. Қўшиқ мазмуни суҳбатда аниқланиб асар характери, темпи, шакли белгиланади ва талабларга кўра қайта куйланади, токи ўқувчиларда дарснинг профессионал даражаси сезилсан. Бунда айниқса овоз эркинлиги ва равонлиги, соз ва ансамблга эътибор кучаяди. Қўшиқ ижроси характер жиҳатдан таққосланади ва бадиий мазмун жиҳатдан таҳлил этилади. Натижада ўқувчиларни қўшиқ куйлашга, мусиқа тинглашга, асарларни саводли таҳлил қилишга, тўгаракларга қатнашишга, чиройли овоз ҳосил қилиб куйлашга қизиқиши ва масъулияти ошиб боради. Кейинчалик эса икки овозли қўшиқ куйлашга қизиқиши ҳам ортиб боради. Икки овозли куйлаш малакаси сингдириласи. Бу тўгарак ишларида ўз натижасини кўрсатади. Мусиқий асарни тинглаш ва куйлаш учун албатта мусиқий билим ва кўнинмаларга эга бўлиш кераклиги ва ҳаётда мусиқа тарбиясининг аҳамияти ҳақида мусиқа ўқитувчиси тушунтириб бориши лозим.

ТЕКШИРИШ УЧУН САВОЛЛАР:

6. Бешинчи синфда мусиқа ўқитишининг иш мазмуни ва методикаси нимадан иборат?
7. Бешинчи синф ўқувчиларининг физиологик – психологик хусусиятлари?
8. Бешинчи синфда икки овозда куйлашнинг аҳамияти ва ўргатиш йўллари қандай?

9. Бешинчи синфда ўқувчиларнинг ўқиши давомида ўзлаштирган кўникума ва малакалари нималардан иборат?

Таянч тушунчалар

- Катта ашула** – Фарғона водийси, қисман Тошкентда ижро этиладиган жўрсиз ашула тури.
- Интервал** – аниқ баландликка эга бўлган, икки товуш баландлиги бўйича оралиги.
- Опера** – мусиқали драматик асар, нутқнинг маълум бир қисми ёки деярли ҳаммаси куйланади.
- Халқ чолғу асбоблари оркестри** – халқ чолғу асбобларидан тузилган оркестрлар.

14 – МАЪРУЗА

МАВЗУ: ОЛТИНЧИ СИНФДА МУСИҚА ЎҚИТИШНИ МАЗМУНИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ

РЕЖА:

1. Олтинчи синф ўқувчиларини психологик – педагогик хусусиятлари.
2. Олтинчи синфда мусиқа ўқитишини мазмуни.
3. Олтинчи синфда дарс мавзуси ва унинг ўқувчилар билим ва малакасига мослиги.

АДАБИЁТЛАР:

3. X.Нурматов ва О.Ибрагимов. «Олтинчи синфда мусиқа дарслари учун қўлланма» Т.1996 й.
4. Е.Кензер, Ш.Ёрматова. «Олинчи синф учун «Мусиқа» дарслиги» Т. 1978 й.
- 3.Р.Қодиров.«Бошланғич мактабда кўп овозда куйлаш». Т.1997 й.
4. О. Бегматов ва бошқалар. «Олтинчи синфда мусиқа дарслиги». Т. 2000 й.

Маъруза матни

Олтинчи синфда мусиқа ўқитишининг мақсад ва вазифалари, олдинги синфларда олган билим ва малакаларини даражасига асосланиб белгиланди. Олгинчи синфда амалга оширилиши лозим бўлган мақсадлар, мусиқа тарбиясининг бош мезони – ўқувчиларнинг маънавий бойлигининг таркибий қисми бўлган мусиқавий маданиятини шаклантиришга қаратилади. Мазкур мақсадларни қуидагича амалга ошириш белгиланади:

1. Дарснинг барча фаолиятлари воситасида доимий равишда ўқувчиларнинг мусиқавий иқтидорини ривожлантириб бориш.

2. Вокал – хор малакаларини ривожлантириб, якка жамоа бўлиб кўйлаш, икки овозли кўйлашга ўргатиш.

3. Мусиқа идрокини ривожлантириш ва асарларни гузилиши, шакли, лади, темпи, муаллифлари ҳақида фикр юритишга ўргатиш.

4. Мусиқа саводидан, оддий мусиқа терминларини ва атамаларини моҳиятини мусиқа амалиётида билиш ва ҳар бир мусиқа асарида куйлаб бориш.

Олтинчи синф ўқувчиларининг овоз диапазони ($\text{До}_1 - \text{Фа}_2$) бўлади. Олтинчи синфда ўқувчиларни ўспиринлик даври бошланади. Бунинг натижасида организмда актив ўзгаришлар рўй беради. Физиологик – психологик жиҳатдан ўқувчиларни овозини ўзгариши, бўйнинг ўсиши, фанларга қизиқиши, мустақил фикр юрита олиши қобилияtlари ривожлана бошлайди. Натижада бош мия, етарли даражада озуқа ололмай, ҳорғинлик ҳолатлари рўй беради. Яъни, дарс давомида ўқувчиларни диққат – эътибори тарқалади. Уларни жалб этиш қийинлашади. Бу даврда уларга жиддий, меҳрибона муносабатда бўлиш, дўстона суҳбатлар ўтказиш талаб этилади. Шунинг учун ўқитувчи ҳар бир ўқувчини кузатиб, уни ўрганиши лозим. Чунки, ўқувчилар катталарни муносабатига жиддий эътибор берадилар, улар кўпроқ катталар билан муомалада бўлишини истайдилар. Болаларнинг интизомида айрим ўзгаришлар пайдо бўлади, уларнинг истаги ва қобилияти орасида

тафовутлар содир бўлиб туради. Буларнинг ҳаммаси ўқитувчидан юқори малака ва тарбиячитликни талаб этади. Бундай ҳолатда ўқитувчи ўқувчиларни қуий синфларда олган билим ва малакаларига ва ҳаётий далилларга суюниб иш тутиши яхши натижা беради. Бунинг учун дарс мазмунини ҳаёт билан боғлаб олиб бориш зарур. Қўшиқ ўргатиш ва мусиқа тинглаш жараёнида асарлардан парчалар куйлаб овозларини созлаши болаларда қизиқиш уйғотади. Бунда ижро услубларини батафсил тушунтириш лозим. Асарларни таҳлил этишда болаларни актив қатнаштириш мақсадга мувофиқдир. Ҳар бир халқнинг ўз миллий мусиқа санъати мавжудлиги, мусиқа ҳар бир тарихий даврнинг бадиий акси эканлиги ҳақида болаларда аниқ тушунча ҳосил қилиши лозим. Шу асосда ўзбек мусиқасининг қисқа тарихи чолғу асбоблари ва ўзбек халқ мусиқа жанрлари, мақомлари, мумтоз қўшиқлари, замонавий қўшиқларини таққослаб кўрсатиш мумкин. Масалан: «Шашмақом», тожик ва ўзбек халқларининг азалий биродарлик рамзи эканлиги, уларнинг кўп чолғу асбоблари бир хилда эканлиги ва бошқа халқлар фойдаланиши мумкинлиги ҳақида, халқ мусиқаси асосида яратилган композиторлик асарлар ва замонавий мусиқа билан таништириш, таққослаш лозим.

Мусиқа саводидан ўлчовлар, ладлар, тон ва ярим тон, альтерация белгилари, динамик белгилари, интерваллар, репризалар билан таништириб мусиқий асарларни таҳлил қилиш яхши натижা беради. Олтинчи синфда ўқувчиларни овоз диапазони 1 – овозлар учун (До_1 – Фа_2). II – овозлар учун ($\text{Си}_{\text{кин}}$ – Ре_2), бу даврда ўқувчиларга қўшиқларни икки овозлик қилиб ўргатиш мақсадга мувофиқдир. Чунки бу пайтда, мутация даври бошланади. Мутация давридан олдин ўғил ва қиз болалар овози ўртасидаги фарқ унча сезилмайди. Мутация пайтида қўшиқ ўргатиш ўқитувчидан катта масъулиятни талаб этади. Қўшиқлар болаларнинг овоз имкониятларига мос тушиши ва дарс давомида уларнинг овозларини асрраб авайлаш ишларига ёрдам бериши лозим. Дарснинг асосий қисмини ашуга айтишга сарф этиб, овозларини чарчатмаслик керак. Ўқувчиларни икки овозга ажратиб

қўшиқларни икки овозлик қилиб, уларнинг овозларига мослаш овоз тарбиясининг муҳим воситасиdir. Хор бўлиб куйлаш, мусиқа саводи, мусиқа тинглаш фаолиятлари, асарларни таҳлил қилишда мавзулар асосида мантиқан боғланади. Янги дастур асосида йил мавзуси чорак мавзуси ва дарс мавзуси бир – бири билан боғланади.

Олтинчи синфда йил мавзуси: «Мумтоз мусиқа».

- I – чорак: Мумтоз мусиқа ҳақида маълумот
- II – чорак: Замонавий мусиқа ва унинг асосий хусусиятлари.
- III – чорак: Шарқ халқлари мумтоз мусиқаси.
- IV – чорак: «Европа мумтоз мусиқаси билан танишув».

ТЕКШИРИШ САВОЛЛАРИ:

5. Олтинчи синфда мусиқа ўқитишни иш мазмуни нимадан иборат?
6. Янги дастур асосида мусиқа дарсларида олиб боришининг ўзига хос қуладилклари ва муаммолари нималардан иборат?
7. Олтинчи синфда мусиқа ўқитишнинг иш мазмуни қандай принциплар ва методларга асосланади?
8. Олтинчи синфда вокал – хор ишларини ва мусиқа тинглашнинг иш мазмуни қандай?
9. Мусиқа ўқитиш бўйича таълимнинг янги ўқув дастури ва стандартлари мусиқа дарсларида қандай аҳамиятта эга?

Таянч тушунчалар:

Мумтоз мусиқа – етук, намунавий деган маънони англатади.

Шошмақом – ўзбек ва тожик халқлари мусиқа меросининг етук мукаммал асари.

Замоавий мусиқа – ҳозирги кунда ўз моҳиятини ва қадрини йўқотмаган мусиқа асарларга айтилади.

Жанр – мусиқанинг түри.

Диапазон – ашулачилар овозини кенглиги, ҳажми.

15 – МАЪРУЗА (2 соат)

МАВЗУ: ЕТТИНЧИ СИНФДА МУСИҚА ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ ВА УНИНГ МАЗМУНИ.

РЕЖА:

1. Еттинчи синфда мусиқа ўқитишнинг мазмуни ва методикаси.
2. Еттинчи синф ўқувчиларининг психологияк – физиологик хусусиятлари.
3. Еттинчи синфда мусиқа ўқитишнинг якунловчи даврида ўқувчиларнинг олган билим ва малакаларига қўйилган талаблар.

АДАБИЁТЛАР:

5. О.Иброҳимов, Х.Нурматов. «Умумий таълим мактабларини 7 – синф мусиқа дарси учун методик тавсиянома». Т.1994 й.
6. Л.Фитрат. «Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи». Т.1993 й. «
7. О. Иброҳимов. «Ўзбек ҳалқи мусиқа ижоди». Т. 1994й.
8. О.Файзиев ва бошқалар. «Ўқувчиларда мусиқий нафосат тарбиясини шакллантириш йўллари». Т. 1992 й.
9. О.Иброҳимов ва бошқалар. «Еттинчи синф учун мусиқа дарслиги». Т. 2002 й.

Маъруза матни

Еттинчи синфларда мусиқа ўқитиш жараёни якунланади. Унда қўйи синфларда олинган билим ва малакалар чуқурлашади, такомиллашиб умумлашади. Айниқса, мусиқани тинглаб, бадиий жиҳатдан мустақил таҳлил қилиш, қўшиқ ўргатиш, мусиқа саводи қаби дарс фаолиятларини татбиқ этиш иши ниҳоясига етади.

7 – синф ўқувчилари психологик – физиологик характеристига кўра диққат – эътиборлари турғун, дунёқараши ривожланган бўлади. Улар мустақил фикр

юритиши, ҳикоя тузиш, мусиқага доир альбом, рефератлар, синф бурчаклари ва кўргазмали қуроллар тайёрлаш қобилиятига эга бўладилар. Ўқитувчи ўқувчиларнинг бу ижодий хусусиятларидан фойдаланиб, мусиқа санъатига, мусиқа саводига доир кўргазмали қуроллар тайёрлаш вазифасини топшириши мумкин. Шунингдек, машҳур бастикорларга доир альбомлар тайёрлашни ҳам топшириши мумкин. Вокал – хор ишлари: қўшиқ ўргатиш жараёнида уларни овозларини асраб тарбиялаш иши мураккаблашади. Овоз шаклланиши нотекис бўлади, чунки бу ёнда мутация даври кучаяди. Айниқса ўғил болаларда овоз бойламлари йўғонлашиб, овоз регистри бир октавага пасайди. Натижада ўқув ва овоз ўртасидаги координация бузилиб, баъзан болалар соғ интонацияда аниқ куйлай олмайдилар. Бундай пайтда ўқитувчи куйлаш учун қулай йўлларни излаши лозим. Овозни толиқтирмасдан эркин, равон куйлашга ўргатиши керак. Мутация даврида болалар овозида кун сайин ўзгариш рўй беради. Буни ҳисобга олиб, қўшиқни овоз партиясини икки овозга бўлиш лозим. Ёки овозларни транспортировка қилиб пастки товушларга тушириш лозим.

Еттинчи синф ўқувчиларининг овоз диапазони биринчи овозларда ($\text{До} - \text{Ми}_2$) –, 2 – овозларда эса – ($\text{Си}_{квн} - \text{Ре}_2$) гача бўлади. Тажрибалар мутация даврида овозларни тўғри тақсимлаш, овозларни текис чиқиши ва қийинчилкларга дуч келмасликка олиб келади. Танланган қўшиқлар каҳрамона, лирик, эстрада, ўзбек ҳалқ қўшиқларидан бўлиб, ўқувчиларда ўрганишга қизиқиш уйғотиши лозим. Баъзи бир қўшиқларни солист ёрдамида ҳам ўргатиш мумкин. Ашула айтганда динамик белгилари, темпи, бадиий ижросига эришиш зарур. Еттинчи синфларда мусиқа саводини олдинги билимларга таяниб, нотага қараб куйлаш, интерваллар, ўлчовлар, динамик белгилар, параллел мажор ва минор ладлари каби мавзуларда алоҳида тўхтаб ўтиб, мусиқали мисоллар келтиришимиз мумкин. Мусиқали мисолларни куйладиган қўшиқлардан тинланган мусиқий асарлар асосида ва ўзбек ҳалқ қўшиқлари мисолида келтириш мақсадга мувофиқдир. Бундан ташқари улар мусиқий

асарнинг шаклини ҳам билишлари керак. Мусиқа тинглаш бир мунча мураккаблашади. Чунки дарснинг асосий қисми тинглаш жараёнида ўтади. Халқ қўшиқлари, мақомлар, мумтоз ҳалқ мусиқаси ҳақида фикр юрита олишлари керак. Мусиқани бадиий жиҳатдан мустақил тинглаб, уни мукаммал идрок этиш, мусиқанинг тузилиши, янги қўшиқлар, мусиқа адабиёти, мусиқа саводи билан таништириш ишлари ниҳоясига етади. Лекин вокал – хор игшларида, қўшиқ ўргатиш, овоз созлаш жараёнида уларни овозларини эҳтиёт қилиш, методик тўғри йўлланма бериш керак. Баъзи пайтларда, болалар билан суҳбатлашиш, ота – оналарни таклиф этиб, докторга фарзандининг соғлиғи ҳақида мурожаат қилишни таклиф қилиш лозим. Чунки 7 – синфда болаларда мутация даври бошланади. Мутация давригача ўғил ва қиз болаларда овоз аппаратининг тузилиши ўхшаш бўлиб, улар бир – биридан унча фарқ қилмайди. Мутация даврида эса уларнинг овозлари ўзгариб, ўғил болаларда овоз регистри жиҳатдан бир октава пасайиб йўғонлашади. Қиз болаларда эса регистр ўз ўрнида қолиб, овоз кучи, тембрнинг майнлиги деярли сақланиб қолади. Шу боисдан, ўғил болаларда мутация актив ва сезиларли даражада қиз болаларда эса осойишта ва текис ўтади. Натижада баъзи ўғил болалар, ашула айтганда созга тушолмай қийналадилар. Баъзилари эса кучаниб куйладилар.

Бу даврда ўғил болалар овози шарли равища эркакча овозга қиз болалар овози эса балоғатли хотин – қизлар овозига аста – секин ўга бошлайди. Ўғил болалар томоғида овоз бойламлари йўғонлашади, қизларда, шишлар пайдо бўлиши мумкин. Натижада диапазон қисқариб, юқори пардаларда куйлаш оғирлашади. Тез чарчаш ҳолатлари пайдо бўлади. Мутация даврида ўғил ва қиз болаларга ашула ўргатиш масъсулият талаб этилади. Қўшиқларни болаларнинг овоз имкониятларига мослаштириб дарс давомида, уларнинг овозларини асралб – авайлаб ўргатиш лозим. Овоз партияларини аниқ ажратиб, икки овозда ашула айттириш, овоз тарбиясининг муҳим воситасидир. Болаларнинг интизомида ҳам ўзгаришлар пайдо бўлади. Эмоционал

үйғонишлар, организмдаги гармоник ўзгаришлар дарсга нисбатан қизимқишини пасайишига сабаб бўлади. Бу даврда ўқитувчи моҳирлик билан мусиқий асарлар мазмунини ҳаётимиз билан боғлиқ ўтиши, унинг воситасида аҳлоқий гўзаллик тарбиясини бериш дарс мазмунини бошқа фанлар билан боғлаб олиб бориши лозим.

Вокал – хор ишлари ва мусиқа тинглаш ишларини амалга оширишда қуийи синфларда олинган билим ва малакаларга ва ҳаётий тажрибаларга суюниб иш тутиш яхши натижка беради. Мусиқа танлашда эса мазмун жиҳатдан анча мураккаб бўлган асарлар ўтилади. Ўқувчилар, ўзбек ҳалқ қўшиқлари, мақомлари, мумтоз ашулалари, ялла ва лапарлар, ҳалқ мусиқасининг маҳаллий услублари билан танишиб, тузилиш мазмунини, тарихини ўрганадилар. Мумтоз ашулалар, мақомлар куйлаб, ўзбек ҳалқ мусиқасини дурдана асарларидан завқ оладилар.

Еттинчи синф йил мавзуси:

«Ҳалқ мусиқасининг маҳаллий услублари.

Мақомлар ҳақида умумий тушунча».

I – чорак: «Қашқадарё, Сурҳандарё, Самарқан – Бухоро воҳаларининг мусиқий услублари билан танишув».

II – чорак: Фарғона – Тошкент ҳамда Хоразм воҳаларида мусиқий услублари билан танишув.

III – чорак: «Мақом. Шашмақом».

IV – чорак: «Хоразм мақоллари. Фарғона, Тошкент мақом йўллари».

Ўрганиладиган асарлар бадий ва ғоявий яхлит таассурот қолдириш учун уларни маълум асосда ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Бундай мавзулар бир ёки бир неча дарс асосида мусиқа қонуниятларининг ижрочилик турлари ва унинг ифода воситаси бўлган маълум мазмун билан боғланиши лозим. Масалан: «Лад нима?», «Маҳаллий мусиқа усублари», «Мақом», «Катта апгула жанри», «Шашмақом» шулар жумласидандир. Ўқитувчи танлаган мусиқа асарларини муайян тартибга солган ҳолда, ўқувчиларни мутация даврида овозига зиён етказмаслиги учун уларни овоз диапазони, иштиёқ, ва

завқ, мусиқа ва ашула соҳасидаги тайёргарлиги эътиборга олиниши лозим. Ўқувчиларга мусиқий тарбия беришнинг негизи хорда ашула айтишдир. Ашула айтганда овозини парвариш қилиш ва маҳсус вокал – хор машқлари, яъни уч товушли, паст босқич ёки юқори босқичдаги товушлар орасида квinta ёки октава миқёсидаги қисмларида жўрсиз машқлар, қўшиқлардан парчалар айтиб, овозни созлаб бир маромга солиш катта аҳамиятга эга. Мусиқа тинглагандан ва хор бўлиб қўшиқ айтганда, мусиқа соҳасидан олинган барча назарий маълумотлари машқ қилиш жараёнида мустаҳкамланади. Қўшиқ ўргатиш жараёнида ўқитувчи асарни ифодали ижро этиб асар ҳақида қисқа қизиқарли образли кириш сўзи, асарнинг жанри, мазмуни ифода воситалари ҳақида суҳбатлар ўтказиши мухим роль ўйнайди. Етти йиллик ўқиш даврида, мусиқа соҳасида иш олиб бориш натижасида, ўқувчилар мусиқа саводхонлигига эга бўлиб, мусиқани онгли таҳлил қила оладиган, йирик мусиқа асарларини радио ва телевидение орқали, мусиқа дарсларида, концертларда меҳр билан тинглайдиган, бадиий ҳаваскорлик тўгаракларида иштирок этадиган ва мусиқани чин дилдан севадиган инсонлар бўлиб етишадилар.

ТЕКШИРИШ САВОЛЛАРИ:

1. Еттинчи синфда мусиқа дарсларининг йил, чорак, дарс мавзуларининг номлари нима ва уларнинг аҳамияти?
2. Еттинчи синф ўқувчиларининг психологияк – физиологик томондан организмларида қандай ўзгаришлар рўй беради ва унга мусиқа ўқитувчисининг роли?
3. Еттинчи синф ўқувчилари мусиқа ўқитишини якунловчи даврида қандай дунёқарашга, билим ва малакага эга бўлишлари керак?
4. Еттинчи синф ўғил ва қиз болаларда мутация даври қандай ўтади ва унинг ўзига хос хусусиятлари?

ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАРИ:

- Динамика** – товушларнинг қаттиқ – секин ижро қилиниши.
- Мусиқа шакли** – мусиқа асарининг тузилиши.
- Мақом** – мусиқа чолғу асбобларида парда ва товушлар ўрнини билдирган.
- Шашмақом** – ўзбек ва тожик халқлари мусиқа меросининг етук мукаммал асари.

16 – МАЪРУЗА

МАВЗУ: СИНФДАН ВА МАКТАБДАН ТАШҚАРИ МУСИҚА ТАРБИЯСИ ТИЗИМИ

РЕЖА:

1. Синфдан ташқари мусиқа тарбиясининг мақсади ва вазифаси.
2. Синфдан ташқари мусиқа тарбиясининг шакли ва мақсади.
3. Синфдан ташқари мусиқа тарбиясининг иш режаси.
4. Мактабдан ташқари мусиқа тарбиясининг шакли ва вазифалари.

АДАБИЁТЛАР:

1. А. Қўлдошев «Мактабда хор тўтараги». Т. 1975.
2. О.Файзиев ва бошқалар. «Ўзбекистон мактабларида нафосат тарбиясини ташкил этиш бўйича методик қўлланма». Т.1992.
3. Н.Норхўжаев. «Кўшиқлар тўплами». Т. 1996.

Маъруза матни

Синфдан ташқари мусиқий тарбиянинг асосий мақсади ўқувчиларни иложи борича кўпроқ оммавий ва тўгарак ишларига жалб этиб, уларни дунёқарашини ҳар томонлама ривожлантириш, бадиий дидини ўстириш, табиатта, Она – ватанга бўлган меҳр – муҳаббатини оширишдир. Мазкур мақсадни амалга оширишида мактабларда мусиқа дарсларидан ташқари, оммавий ва

тўғарак ишлари олиб борилади. Синфдан ташқари мусиқа тарбиясини икки шакли мавжуд.

1. Мусиқа тарбиясининг оммавий шакли.

2. Мусиқа тарбиясининг тўғарак шакли.

Синфдан ташқари мусиқа тарбиясининг оммавий шаклида болаларни мусиқий ўқувини текширувдан ўтказмай, ялпи тарзда жалб этишини тақозо этади. Буларга, қўшиқ байрамлари, «Мусиқа хафталиги», «Ўзбекистон ватаним маним», «Илҳом чашмали» кўрик – танловларидан, ижодий учрашувлар, театр ва концерталарга саёҳат, «Алифбе» байрамларига, шоир ва бастакорлар билан учрашувлар киради. Аммо, буларнинг ҳар бирига болаларни ёши, қизиқишига қараб, одиндан тайёрлаб борилиши керак. Бу тадбирларни ҳар бирини юксак бадиий дид билан ташкил этиб, амалга ошириш, чинакам бадиий – мусиқий байрам руҳини касб этиш лозим.

Мусиқа ўқитувчининг оммавий ишлар режаси, мактаб маъмурияти томонидан тасдиқланган бўлиши лозим. Оммавий, мусиқий ишлар режаси, мусиқа ўқитувчиси ва мактаб маънавий – маърифий ишлар мудири, мактаб етакчиси билан ҳамкорликда, ўқувчиларнинг ёшига, қизиқишига қараб, байрамлар, учрашувлар, тадбирларни ҳисобга олган ҳолда тузилади. Бунда ўқувчиларнинг мусиқий ўкуви, қобилияти ҳисобга олинади. Оммавий мусиқа машғулотларининг ҳар бири аниқ ишлаб чиқилган режа асосида амалга оширилмоғи лозим. Бунда ҳар бир машғулот турига қараб, уни асосий мақсади, ҳусусияти, репертуар мазмуни, мактаб имкониятлари, таклиф этилган меҳмонлар ҳисобга олиниб, ўқувчиларни жалб этилади. **Тўғарак ишларини** эса, иш режасини мусиқа ўқитувчисининг ўзи, ўз ҳоҳиши ва имкониятларига қараб, мустақил тарзда тузади. Ўқитувчи тўғарак ишларига ўқувчиларни мусиқий қобилияти, ҳоҳиши – истаги, қизиқини, овозига қараб танлаб олади ва турли тўғараклар тузади. Ҳафтасига 2 – 3 бор тўғаракни гурӯҳларга бўлиб ишлайди. Тўғарак ишларининг асоси мусиқа дарсидир. Тўғарак ишларига қобилияти, қизиқувчан, мусиқа дарсларида актив қатнашадиган ўқувчилар танлаб

олинади. Дарсда ҳар бир боланинг лаёқати, қизиқиши ҳисобга олиниб, у ёки бу мусиқа тўғарагига жалб этилади. Тўғарак фаолияти фаоллаштирадиган нарса – бу мактаб саҳнасиdir. Ўқувчилар тадбирларда, қўшиқлар, рақслар ижро этиб, мактаб жамоаси олдида эътибор қозониб, туман, шаҳар, республика кўрик – танловларида қатнашдилар. Бу уларни ўз меҳнатидан завқланиши ҳис – туйгуларни Она – Ватанга муҳаббат, мусиқа санъатига ҳурмат, дўстлари орасида меҳр – муҳаббат туйғусини ошириб боради. Синфдан ташқари тарбиявий ишларда ўқитувчи ўз имкониятларига қараб турли тўғараклар тузиш мумкин:

1. Хор
2. ВИА
3. Ашула ва рақс ансамблари
4. Вокал ансамблари
5. Чолғучилар ансамбли (дугорчилар, рубобчилар, доирачилар)
6. Рақс ансамбли
7. Оркестр (духовой, халқ чолғу асбоблари оркестри)
8. Яккахон қўшиқчилар.
9. Фольклор дастаси.

Мактабдан ташқари мусиқавий тарбия шаклига болалар мусиқа мактаблари, болалар ижодиёт марказлари, ўқувчилар саройлари, болалар театрлари, музейлар киради. Мазкур муассасаларга қатнашадиган болалар ҳам ўқитувчи назоратида бўлиб, мактаб ҳаётига, уларнинг фаол қатнашувларини таъмин этиши лозим. Мактаб ҳаётида бошланғич синф мусиқа ўқитувчисининг ўрни бекиёсdir. Мусиқа дарсларидан ташқари, замон талабига мос равища тадбирлар тайёрлаб, ўқувчиларда санъатга бўлган қизиқишини ривожлантириши лозим.

ТЕКШИРИШ САВОЛЛАРИ:

1. Синфдан ташқари мусиқа тарбиясининг мақсади нима?

2. Синфдан ташқари мусиқа тарбиясини қандай шакллари бор?
3. Синфдан ташқари мусиқа тарбиявий ишлар режаси қандай тузилади?
4. Мактабдан ташқарида мусиқа тарбияси ишларига нималар киради?
5. Маънавий – матърифий ишларни олиб борища анимага аҳамият бериш керак?

Таянч тушунчалар:

Саҳна – театр ва концертлар қўйиш учун томоша залининг кўтарилган жойи.

Оркестр – юонончасўз бўлиб, турли чолғу асбобларида чалувчи созандалардан тузилган жамоага дейилади.

17 – МАЪРУЗА

МАВЗУ: ПЕДАГОГИК КОЛЛЕЖЛАРДА МУСИҚА ФАНИНИ ЎҚИТИШНИНГ МАЗМУНИ ВА МЕТОДИКАСИ

РЕЖА:

6. Педагогик коллежларда мусиқа фанини ўқитишнинг мазмунни.
7. Мусиқа фанини ўрганиш бўйича талабаларда билим ва малакалари қўйилган талаблар.
8. Талаба ёшларни замонавий ўқитувчи кадрлар қилиб тайёрлашнинг тарбиявий аҳамияти.

АДАБИЁТЛАР:

5. «Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори». Тошкент, Ўқитувчи, 1997 й.
6. Ж.Ф.Йўлдошев. «Таълимимиз истиқлоли йўлида». Т. Шарқ. 1996 й.
7. К. Халимов, С.Нишонова, М.Иномова. «Педагогика тарихи». Т. Ўқитувчи. 1996 й.
8. Комил маънавият мустақиллик таянчи. Тошкент, 1997.

Маъруза матни

Республикамизда рўй бераётган ўзгаришлар, барча соҳалардаги каби бўлажак педагогларнинг зиммасига ҳам ўта масъулиятли вазифаларни юклайди.

Педагогик коллежнинг бўлажак мусиқа ўқитувчиси мусиқа ўқитиши методикаси фанидан маҳсус билим ва малакаларга эга бўлиши, ахлоқий пок, халол ва софдил, юксак фазилатли, ўз касбининг жонкуяри, талабаларга ва ўсмир ёшларга нисбатан ўта меҳрибон, ўта талабчан ва ўзбек халқининг урф – одатларини, қадриятлари ва анъаналарини мукаммал биладиган, ҳамда ўз касбига талабаларни қизиқтира оладиган шахс бўлмоғи лозим.

Бугунги талаба – бўлажак педагог, ўтмиши бор ўзбек халқининг мусиқа санъатини ноёб намуналари ўзлаштирган бўлиб ўқувчи – ёшларга улашмоғи давр талабидир. Шу сабабли бўлажак мусиқа фани ўқитувчиси олдига қўйидаги талаблар қўйилади.

1. Ўзлари таълим бериши лозим бўлган талаба – ёшларга мусиқа санъати сирларини ўргатиш борасида доимо изланиш.
2. Талаба – ёшларга педагогика, психология, мусиқа ўқитиши методикаси фанларини мукаммал ўргатиш.
3. Ўқувчи – ёшларни мусиқа санъати бўйича ижодкорликка етаклаш. Иқтидорли талабаларини тўгаракларга жалб қилиш.
4. Замон талабларига мос дарс ва машғулотларни ноанъанавий дарс режалари асосида ўtkазиш.
5. Жаҳон андозаларига хос янги педагогик технологияларни, дарсларда қўллаш.

Юқорида қайд этилган талабларни ўзида мужассам этган ҳар қандай талаба келажакда етуқ баркамол педагог бўлиб вояга етиши мумкин.

Талабаларга мусиқий таълим беришнинг асосий шакллари ва маъруза, амалий машғулотлар, лаборатория машғулотлари ва мустақил иш йўналишларида амалга оширилади.

Маъруза – мусиқа маданияти дарсларини ва уни ўқитиши методикасини назарий асослари ва методлари ўргатиш демакдир.

Амалий машғулотлар – мавзули режалар асосида, оғзаки сўров, сұхбат дарс, семинарларга тайёрланади, ҳамда дидактик материаллар асосида амалий дарс фаолиятларини ўтказиш.

Лаборатория машғулотлари – мусиқа маданияти дарсларини оддий фаолият турларидан бошлаб, түгарақларда ишлаш каби мураккаб иш фаолиятларини якка тартибда бажариш демақдир.

Педагогик колледжларда мусиқа ўқитиши методикаси фани асосий фанлардан бири бўлиб ҳисобланади. Шу боис, дарсларга кўргазмали қуроллар тайёрлаш, дарс ишланмалари ёзиш, мусиқий таҳлил қилиш, мусиқий асарларни бирор чолғуда (пианино, рубоб, дутор) ижро этиш, куйлаш, дирижёрлик қилиш, қўшиқ ўргатиш, мусиқа тинглаш, рақс ҳаракатларини ўргатили, ижодкорлик каби ишларни ўз ичига олади.

Талабаларда мусиқа санъати борасидаги барча назарий ҳамда амалий билимларни ривожлантириш, ўз соҳасига ижодий ёндашишни талаб этади.

Педагогик коллеж ишларида илгор ўқитувчи бўлиши учун ҳозирги замон педагогик технолоѓияларни эгаллаш ва уларни амалда қўллай билиш мақсадга мувофиқдир.

Ҳозирги кундаги мусиқа ўқитиши методикаси бирданига келиб шаклланган фан эмас, бунга қадар мазкур методикани шаклланиши мураккаб тараққиёт йўлини босиб ўттан. Республика мусиқа ўқитиши методикасини шаклланишида маҳаллий олимлар, методистларнинг қатор изланишлари ўқув қўлланмалари, дастурлари, методик тавсияларни аҳамияти катта бўлди. Бу таълим мазмунида ҳар бир худуднинг санъати ва мусиқа маданияти, унинг бадиий анъаналарида ўз ифодасини топган. Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, ҳаётни ва атрофдаги гўзалликни билмай туриб тўлақонли бадиий ижодни амалга ошириб бўлмайди.

Мусиқа санъати эстетик идрокнинг битмас – туганмас манбаидир, инсон юраги ва ақлини забт этувчи мафтункор дунёдир. Инсон доимо гўзалликка интилиши ва кундалик ҳаётда, шу гўзаллик қоидаларига амал қилиши керак. Талаба ёшлиар учун эса, мусиқа таълими

жуда зарурдир, чунки бўлажак талабалар ўқитувчилик касбини эгаллаб, ёш авлодни ҳар томонлама тарбиялаб, вояга етказади. Хуоса қилиб айтганда, биз ёш авлодни бўлажак мусиқа ўқитувчиларини, ўзбек халқининг мусиқа маданияти билан танишириб, унинг нафосатли ҳис – туйгуларини ривожлантиришимиз, мусиқа таълим минг савиясини оширишимиз керак.

Бўлажак мусиқа ўқитувчилари таълим – тарбия ишларини шундай юксак даражада ташкил этиш зарурки, талаба – ёшлар умумий ўрта маълумот олиш билан бирга анъанавий мусиқа маданиятидан баҳраманд бўлсинглар.

ТЕКШИРИШ УЧУН САВОЛЛАР:

4. Бўлажак педагог қандай сифатларга эга бўлиши керак?
5. Мусиқий таълим беришнинг асосий шаклларини изоҳлаб беринг?
6. Мусиқа ўқитиши методикаси фани қандай фаолият турларидан иборат?
7. Бўлажак мусиқа педагоглари олдига қандай вазифалар қўйилади?

18 – МАЪРУЗА: (4 СОАТ)

МАВЗУ: 1920 – 90 ЙИЛЛАРДА МУСИҚА ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИННИНГ ҚИСҚАЧА ТАРИХИ

РЕЖА:

1. Ўзбекистон мусиқа маданиятини шаклланиши.
2. Ўзбекистонда 1920 – 50 йилларда мусиқа тарбияси тизимини шаклланиши.
3. Буюк мутаффакирларни мусиқа тарбиясига оид олиб борган ишлари.
4. Ўзбекистонда мусиқа таълим тарбиясининг шаклланиши.
5. Ҳозирги кунда, мусиқа таълим тарбиясининг ривожланишида олиб борилаётган илмий тадқиқот ишлар.

АДАБИЁТЛАР:

1. С.Йўлдошева «Ўзбекистонда мусиқа тарбияси ва таълимини ривожланиши». Т.1985 й.
2. О.Апраксина «Методика музъкального воспитания в школе». М.1983 й.
3. Ф.Кароматов «Ҳамза и узбекская музыка». Т.1959 й.

Маъруза матни

Ўзбек ҳалқи кўп асарлик тараққиёт тарихига эга бўлган анъаналар соҳибиdir. Ўзбек мусиқа санъатининг илдизлари қадим замонга бориб тақалади. Қадим маданиятнинг кўпдан – кўп обидалари буюк ўзбек муғаффакири, шоирлари, ёзувчилари, улуғ даҳолалари Ал – Фаробий, Абу – Али ибн Сино, Навоий, Жомий, Низомийлар лирикасида, кейинчалик эса ўзбек шоирлари ва маърифатпарварлари Муқимий, Фурқат, Ҳамза асарларида мусиқа тарбияси ва таълим бериш борасида талайгина қизиқарли фикрлар билдирилган.

Мусиқа таълимининг ривожланишига ниҳоятда катта аҳамият берган, Ўрта Осиёлик машҳур мусиқачилар орасидаги олим Муҳаммад Фаробий ёш авлодни тарбиялаш ва ўқииш масаларига, этика ва эстетика масалаларига кўплаб илмий ва амалий ғоялар билдиради. У шунингдек, мусиқа назариясининг асосчилариидир. Таниқли тоҷик олими, мусиқачиси, файласуфи Жомийнинг «Рисолаи дар илми мусиқа» номли китобида, композиция, лад, ритм нисбатлари хақида ёзилган.

Ўзбек шоири, муғаффакири А.Навоий мусиқа санъати соҳасида ниҳоятда катта билимга эга бўлган эди. Унинг мусиқавий – эстетик қарашлари «Саббаи – Сайёр», «Маҳбубул қулуб», «Ҳамса» ва бошқа асарларда акс эттан.

Ўзбек ҳалқининг мусиқа маданияти ҳалқ ва профессионал ижод маҳсули бўлган мусиқа асарлари, ооиздан – оғиизга ўтиш асосида асирлар давомида ўплаган анъана замирида ривожланган. У бизгача хоғизлар, мусиқачилар, баҳшилар орқали етиб келган. Унга ҳалқ ижодининг энг яхши намуналари ҳамда

профессионал ижрочилар томонидан чалингдан мусиқа асарлари кирган. Сўнгги йилларда, олиб борилган тадқиқотларнинг натижалари XVIII асрда ўзига хос нота ёзуви бўлган бўлса ҳам, фақат, мусиқа фольклари эмас, балки ўзбек ҳалқининг профессионал мусиқаси ҳам 1920 йилларига қадар асосан оғиздан – оғизга ўтиш йўли билан тарқалган.

Шунга қарамасдан, мусиқа, ўзбек ҳалқи ҳаётида муҳим ва катта ўрин эгаллаган. Ҳалқ оммасининг маданиятини яратишдаги иштироки турлича характерда эди. Аввало савод чиқариш ҳаракати кенг қулоч ёйди. Чунки, аҳоли ёипасига саводсиз бўлган. Ҳалқнинг саводсизлигини тугатиш ҳамда, ҳалқ маорифининг, яниги тизимини яратиш, жамиятни маънавий қайта қуриш асосий вазифа бўлиб ҳисобланади. Ўзбекистонда ўқитувчи кадрлар тайёрлаш иши ҳалқ маорифи тизимида асос қилиб олинган эди. Тарбиявий ва таълим ишлари. диний муассасаларни ажратиш ишлари йўлга қўйилда. Шунингдек 7 йиллик мажбурий бепул ўқитиш жорий қилинди. Ишчи ва ўқувчи ёшлар орасида ҳаваскор «духовой» оркестрлар кенг тарқалди. Бу оркестрлар биринчи маротаба 1918 йилда ўзбек умумтаълим мактаблари қошида ташкил этила бошлади. Кейинчалик эса, мусиқа жамиятлари ва хусусий тарздаги мусиқа дарслари Туркистоннинг бошқа шаҳарларида ҳам пайдо бўла бошлади. Қўқондаги мактабларда ўзбек мусиқасининг машҳур тарғиботччиси Ҳ.Ҳ.Ниёзий, Тошкентда Абдулла Авлоний, Самарқандда Абдуқодир Шакурийлар бўлишган.

Ҳамза ўзи очган мактабларда барча фанлардан ўзи дарс берган ва шу билан бирга «Енгил адабиёт», «Ўқиши китоби» каби дарсликлар яратди.

А.Авлоний фаолияти алоҳида диққатта сазовордир. 1908 йилда Тошкеннинг Миробод, Дегрез маҳалларида болаларни она тилида ўқитиш учун мўлжалланган мактаб очган, кейинроқ 1919 йилни сентябрида Туркистон республикасида Ҳалқ маорифи Комиссарлиги тузилган бўлиб, у бир қанча бўлимларни ўз ичига олган. Булар ичида санъат бўними алоҳида эътиборга сазовор эди. Ўз навбатида унинг ички

бўлимига мусиқа (Музо), театр (Тео), тасвирий санъат (изо) бўлимларига ажралган.

Мусиқа бўлими Туркистон республикасида мусиқа тарбияис ва таълим мини шакллантириш ёш авлодни мусиқа маданияти дурдоналари билан таништириш масалалари қўйилган эди.

1921 – 22 йилларда маориф институтлари қошида фабрика ва завод тўғараклари ҳамда мактаблар қошида ҳаваскорлик тўғараклари ташкил этила бошлаган эди. Шунинг учун ёшлар орасида ҳаваскор «духовой» (пуфлаб чалинадиган мис чолғу асблоблари) оркестрлар кенг тарқалган. Чунки уриш йиллари духовой мусиқа маҳсус рамзий маъно касб эган эди. Бу даврда Ҳамза жуда фаол қанашиб, Фарғонадаги макабларнинг бирида у ашуладан дарс беради. Бўш вақларида ота – оналар билан ишлаб, савод чиқариш ва мусиқа ҳақида тушунтириш ишларини олиб борди. Аҳолининг кенг қатлами орасида мусиқа таълимига қизиқиш кучая бошлади. Ўрта Осиёда дастлабки, мусиқа ўқув юрти 1917 йили Туркистон ҳалқ консерваторияси очилди. 1919 йили Самарқандда консерватория ташкил этилди. Кейинроқ ҳалқ консерваториялари, маҳсус ўқув юртлари мусиқа техникумларига айлантирилади. 1936 йили Тошкентда Ҳалқ консерваториялари қайта ташкил этилди. Маҳсус ўқув юртлари билан бир қаторда мусиқа мактаблари, мусиқа ўқитувчилари тайёрлайдиган инструкторлар курслари очилди. Туркистон мактаблари учун дастлабки, ўқув дастурлари ва режалари яратилди. Етти йиллик ўрта ва уч йиллик бошлангич мактаблари учун дастурлар яратилди.

Мусиқа дарслари мажбурий дарс тариқасида киритилган бўлса ҳам, баъзи ҳолларда «бўш» соат бўлиб, ундан мактаб мъемурияти ўз билганича фойдаланган эди. Кўп жойларда маҳсус дарсликлар, методик кўргазмалар ўйқлиги сабабли, мусиқа дарс соатлари анча камайтирилди. Мусиқа тарбиясининг ташкил этишининг самарали йўлларини излаш лозим эди. Бунинг учун 40 – йилларнинг охирида мусиқа дастурини мактабларига мослаб қайта ишлаш ва ўқитувчи кадрлар тайёрлаш ишлари бош вазифа қилиб қўйилди. Мусиқа маорифини

янада ривожланиши ҳамда профессионал мусиқа таълимининг шакилланиши учун замин яратилди. Ўзбекистонда 1941 йилнинг 7–11 январ кунлари республикамиизда тарбиявий ишларга боғланган биринчи педагогик конференция ўтказилди. Унда мактабларда етарли миқдорда мусиқа ўқитувчилари йўқлиги болалар хори камлиги ҳақида ўқитувчиларини малакасини оширишга жиддий эътибор бериш кераклиги ҳақида таъкидлаб ўтилди.

Шундан кейин, мусиқа таълими соҳасида жадал ишлар олиб борилди. Мусиқа мактаблари юзага келди. Техника ва маориф институлари, техника билим юртлари ташкил этилди. Болалар мусиқа мактаблари, ўқувчилар саройлари, ҳаваскорлик тўгараклари, ўқитувчиларни малакасини ошириш ва қайта ўқитиш институтлари, илмий – текшириш институтлари очилди. Мусиқа таълими тизимида жиддий қайта қуриш ишлари амалга оширилди.

1960–61 ўқув йиллари Низомий номидаги Тошкент Давлат Педагогика институтида «мусиқа назарияси ва ҷолғу асбобларини чалиш» кафедраси ташкил этилди. Шу йилнинг ўзида мусиқа ўқитувчилари тайёрлайдиган маҳсус «мусиқа факультети» очилди.

Шунингдек, вилоят педагогика институтлар ҳузурида мусиқа педагогика кафедралари тармоқлари кўпая бошланди. 60–70 йилларда ва йилларда ва 80–йиллар бошида ҳалқ маорифи тизимида мусиқа ўқув юртлар сони янада ортиб боради. Ёш мусиқачилар «Санъат байрами», «Ёш ижрочилар конкурсслари», «Болалар мусиқа хафталиги», «Ёш ижрожилар конкурсслари», «До, ре, ми, фа, соль», теле кўрсатувлари, Ўзбекистон Телевидениеси ва радиоси орқали болалар мусиқий кўрсатувлари мусиқа таълими ва тарбиясини тарғибот қилишда мунтазам ишлар олиб борилади.

Ҳалқ маорифи министирлиги ўқувчи ва талабаларга эстетик тарбия бериш соҳасида катта ишларни амалга ошириди. Янги дастурга ўтиш муносабати билан тўпламлар, тавсияномалар, умумий таълим макаблари учун «Мусиқа алифбоси», «Мусиқа дарслиги» ва бошқалар Республика умумий таълим макабларида

«Мусиқа маданияти» фанидан 1–7 синфлар учун дарсликлар чоп этиш бош вазифа қилиб қўйилади.

Жумладан «Мусиқа алифбоси», «Мусиқа дарслиги» ва бошқалар Республика умумий таълим мактабларини малакали кадрлар билан таъминлаш асосий масала бўлиб қолди. Янги дастур бўйича дарсларни олиб бориш учун умумий таълим мактабларида малакали ўқитувчилар раҳбарлик қила бошладилар. 1985–86 ўқув йилларда мусиқа хоналари ташкил эилди, улар техник воситалари билан, мебель, маҳсус мусиқа маълумотига эга бўлганлар амалиётчи – студент бўлиб таёргарлик кўрдилар. Синфлар ускуналар ва мусиқали чолгу асбоблари билан таъминлансан – деган қарор қабул қилинди. 1986–87 йилларда мусиқа ўқитиши методикаси бўйича республика семинари ўтказилди. Шунингдек, янги дастур, дарсликлар нашр этилди. Ушбу маълумотлар мусиқа маданияти марказига узоқ вилоятларда, шахарларда мусиқа таълимотини тарғиб қилиш воситаларига айланди.

Уларнинг ижоди туфайли ўзбек болалар мусиқаси ривожланди, мусиқа орқали, ўқувчиларнинг маънавий дунёси шаклланди. Республикаизда ҳар йили «Ўзбекистон – Ватаним, маним», «Илхом чашмалари», «Қўшиқ байрам»ларини ўтказиш анъанага айланиб қолди. Ўзбекистонда мусиқа ўтиш методикасини ривожлантиришда янги дастурлар, дарсликлар, қўлланмалар яратища илмий – тадқиқот ишларини олиб борища Д.Омонуллаев, Х.Нурматов, О.Ибрагимов, О.Файзиев, Ш.Ёрматов, А.Мансуров, Қ.Мамиров, Н.Норхўжаев каби олимлар, композиторлар ва тажрибали ўқитувчилар ўз ҳиссаларини қўшдилар. Ҳозирги кунда мусиқа маданияти ёш авлодни тарбиялашда муҳим ўрин эгаллади.

ТЕКШИРИШ САВОЛЛАРИ:

1. Ўзбекистонда мусиқа маданиятининг шакланишига қайси муаффакирлар ўз ҳиссасини қўшдилар?
2. Ўзбекистондаги мактабларда мусиқа фани қачондан бошлаб дарс сифатида киритилди?

3. Мусиқа фани бўйича илк дастур, мусиқа китоб қачон ва ким томонидан яратилди?
4. Конфедерация кўрсатмалари қачон қўлланилди?
5. Хозирги кунда мусиқа ўтиш методикасини ривожланиши учун қандай тарзда амалга оширилмоқда?

Таянч тушунчалар:

Мусиқа фольклори –халқ мусиқаси.

Мусиқа эстетикаси – мусиқа санъатининг моҳияти воқеийликка муносабати, ижтимоий роли.

Ашула – кенг тарқалган мусиқа жанри ва шакли бўлиб. унда шеърий ва мусиқий товушлар бир – бирига уйғунашган.

19 – МАЪРУЗА (2 СОАТ)

МАВЗУ: ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРДА МУСИҚА ТАРБИЯСИ ТИЗИМИ.

РЕЖА:

1. Хорижий мамлакатларда мусиқа ўқитишининг ўзига хос ҳусуиятлари.
2. Японияда мусиқа ўқитишининг ўзига хос бўлган ўрни.
3. АҚШда мусиқа ўқитишининг мақсад ва шакли.

АДАБИЁТЛАР:

1. О. Апраксина «Методика музыкального воспитание». М.1983
2. Д. Омонуллаев «Мактабда мусиқа тарбияси методикасидан лекциялар курси». Т.1990

Маъруза матни

Ҳар бир мамлакатнинг мусиқа тарбияси гоявий – сиёсий жиҳатдан халқнинг социал тузумига хизмат қиласди. Шунинг учун мусиқа тарбияси мустақиллик мамлакатларда эътиқод учун хорижий мамлакатларда

эса буржуа демократияси учун хизмат қиласы. Ҳар бир халқнинг маорифида мусиқа тарбияси методикаси педагогикани дидактик қонуниятларига ва шу халқнинг миллий мусиқа маданияти, или ва маданий анъаналарига асосланади. Шу билан бирга мусиқа тарбиясининг структураси, системаси (тизими) ва илмий – методик ютуқлар бошқа миллатнинг маърифий маданиятига ҳам ижобий таъсир этади. Ҳорижий мамлакатларда ягона ўқув режа ва дастурга амал қилинмайди. Давлат мактаблари билан бирга шахсий мактаблар, коллежлар ва олий таълим даргоҳлари мавжуд бўлиб, уларда турлича даражада эстетик тарбияни амалга оширишда ўқитувчига кенг ижодий эркинлик берилган. Ўқитувчи ўзининг мактаб шароити, имкониятлари ва ўқувчиларнинг билим даражасига қараб дастурга ўзлаштиришлар киритиши мумкин. Таълим ва тарбия жараёнида ўқувчиларда санъат орқали ҳаётни ўрганиш ва унга шахсий мунсабат билдириш, ижодий мунсабатда бўлиш малакаларини ривожлантиради. Мусиқа дарсларида юксак ривожланган техник воситалардан кенг фойдаланилади. Ўқувчилар электроорганларда чалиб куйладилар, турли фаолиятларни (айтишув, ҳаракатлар, бир – бирига жўрнавозлик қилишларни) бажарадилар.

Бунда асосан ўқувчиларда ижодий қобилиятни рўёбга чиқаришдан иборат. Жумладан, АҚШда ягона давлат дастури йўқ. Мусиқа таълими «эстетика» сифатида ўтилади. Унда мусиқа, тасвирий санъат ва меҳнат мазмунан бир – бири билан боғланган. Давлат мактаблари билан бирга диний ҳамда шахсий дунёвий мактаблар ҳам мавжуд. Шунинг учун ҳар бир штатда давлат мактабларида, шахсий ва диний мактабларда ўқув соатларини ҳам бир хил эмас, ўрта ҳисобга I – VII – синфларда ҳафтасига 1 – 2 соатдан дарс ўтилади. Дарсдан ташқари ҳар бир ўқувчи мусиқа тўгаракларига (хор, оркестр, рақс, ВИО) аъзо, деярли ҳар бир мактабда симфоник оркестр мавжуд.

Японияда ҳам ягона ўқув режа ва дастурга амал қилинмайди. **Японияда** мусиқа тарбиясининг ўзига хос системаси вужудга келган. Уларда болалар боғчасидан олий таълимгача эстетик тарбия амалга оширилади.

Эстетик тарбия интеграция қилингандык фан бўлиб, унга мусиқа, тасвирий санъат ва меҳнат узвий бирлашган. У бир неча босқичда амалга оширилади:

- а) 1 – 5 ёшгача болалар боғчасида;
- б) 6 – 14 ёшгача тўлиқсиз ўрта мактаб;
- в) 15 – 18 ёш ўрта мактаби;
- г) 18 – 23 ёш олий таълим мактаби.

Болалар боғчасида **«Суздуки»** тизими машҳурдир. Унинг тизимида она тилини ўқитилиши, мусиқа тинглаб идрок этиши билан амалга оширилади. Болалар чолгу асбобларларда куй чалишлари муҳим роль ўйнайди. Машғулотлар жараёнида болаларнинг онаси ҳам иштирок этади. Машғулот мазмунни ва мақсадидан огоҳ бўлади ва оиласда ўз овози билан шугуулланади. **Суздукининг** таъбирида оналар мусиқа маълумотига эга бўлиши шарт эмас. Оиласда грамзапись, телевидение, концертларда тингланган асарларни муҳокама этадилар. Бунда ва оиласнинг ҳамкорлиги муҳим роль ўйнайди. Натижада 5 – 6 ёшли болалар Бетховен сонаталарини чалишга эришдилар. Юқори синфларга кўчган сари эстетик тарбия ҳам бир предмет сингари мураккаблашиб боради. Юқори синфларда рассомчилик, ҳайкалтарошлиқ, халқ амалий санъати ва мусиқа санъати танқидчилари етишади.

Ўқитувчи – кадрлар тайёрлаш иши яхши йўлга қўйилган. Улар олий педагогика ва санъат олийгоҳларида тайёрланади. Ўқитувчилар, шунингдек, она – Ватанида олган билимларига қониқмай, ривожланган Европа мамлакатларига ўқишга бориб, ўз билим ва малакаларини оширадилар.

ТЕКШИРИШ САВОЛЛАРИ:

1. Ҳорижий мамлакатларда мусиқа ўқитишининг шакли ва мақсади нимадан иборат?
2. Ҳорижий мамлакатларда мусиқа фани. қандай фан бўлиб ҳисобланади?
3. Япония мактабларида мусиқа ўқитиши қандай?
4. АҚШда қандай мактаблар ва дастурлар мавжуд?

Таянч түшүнчалар:

Симфоник оркестр – турли чолғу асбоблардан түзилгән мураккаб турдаги оркестр.

Оркестр 3 турға бўлинади. Торли, пулаб чалинадиган мис ёки ёғоч, уриб чалинадиган.

Асар, ижод – композитор яратган мусиқа асари.

20 – МАЪРУЗА

МАВЗУ: ЎЗБЕКИСТОННИНГ УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА
МУСИҚА ТАЪЛИМИ ВА ТАРБИЯСИНИНГ
РИВОЖЛАНИЦИИ

РЕЖА:

1. Умумий таълим мактабларида мусиқа ўқитувчиларининг янги дастур бўйича иш фаолияти.
2. Мусиқа ўқитниш бўйича илмий – интодик ишлар, дастурлар, дарсликлар таъминоти ва ташкилий жиҳатлари.
3. Педагогик университетларда мусиқа ўқитишни ташкил этиш, ўқув материаллари билан танишиш ҳамда етук мутахассисларни тайёрлаш.

АДАБИЁТЛАР:

1. И. Каримов «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури». Т. 1997.
2. А. Омонуллаев, Х.Нурматов, Қ.Мамиров ва бошқалар. «Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти ва ўқув дастури». Т. 1999
3. Р. Қодиров «Бошланғич мактабда кўп овозли кўйлаш». Т. 1997.
4. Г. Шарипова «Мусиқа тарбияси методикаси фанидан дастур». Т. 1997.

Маъруза матни

Мустақил Республикасида амалга оширилаётган ўзгаришлар жамиятимизни иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маънавий ва маданий жиҳатдан жаҳоннинг энг ривожланишган мамлакатлари қаторидан ўрин олишдо ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Ўзбекистоннинг «Таълим тўғрисида»ги Қонунига кўра 9 – йиллик умумий ўрта таълим жорий этилади. Таълимни минтақавий ҳусусиятларини ҳисобга олган ҳолда мусиқа предмети бўйича концепцияси ишлаб чиқилди.

1992 йил 25 ноябрда «Маърифат» рўзномасида мусиқа таълим – тарбиясининг концепцияси лойиҳасида, мусиқа таълимининг миллий ва илмий асослари, мазмунни, тузилиши, табақаланиши, мусиқа ўқитувчисига бўлган замонавий талаблар ва таълимнинг илмий услугубий таъминоти баён этилади. Бугунги ўзлигимизни англаш ўз тақдиримиз ва фарзандларимиз истиқболини яратниш имкониятига эга бўлган. Мустақил Ўзбекистонда миллий маданиятимизни ўзига хослигини тиклаш умучтаълим мактабларида ёшлиарни бадий тарбиялаш ва камол топтириш, ҳамда ҳозирги кунимизни тўлароқ идрок этиш учун энг аввало тарихимизни яхши билмоқлик ҳисобланади. Чунки, ҳар бир янгилик, тарихий боғланиш орқали амалга оширилади. Барча фанлар қатори мусиқий таълимда ҳам давлат таълим стандартларини жорий этилиши миллий мусиқий мерослардан тўлақонли фойдаланиш имконини беради. Булар оммавий ҳалқ куй ва қўшиқларида, хонанда ва созандаларнинг ижодий фаолиятлари, маҳом, шашмаҳом, достонлар ва бугунги замонавий мусиқий фаолиятида ўз аксини топади. Мусиқа санъатининг бу каби имкониятлари янги авлодни тарбиялашда, уларнинг баркамол бўлиб этишишларида ўзига хос, тақрорланмас манба бўлиб хизмат қиласи. Мусиқа таълимидан, давлат стандартлари асосида янги таълим мазмунни ўқувчиларнинг мусиқий билим ва малакалари билан бирига уларда кузатувчанлик, хотирани мустаҳкамлаш, образли тасаввур қилиш, ижодкорлик, мустақиллик, ташаббускорлик, бадий ва мусиқий дид қаби

ҳислатларини ривожлантиришини таъминлайди. Демак, ёш авлодни етук қилиб тарбиялашда «Мусиқа маданийти» дарсларини ажамияти катта. Мусиқий маданият дарслари ўқувчиларни аҳлоқий – эстетик тарбиясига ижобий таъсир кўргатади. Улардаги гўзаликка бўлган ҳис – туйғуларини ўстиради, мусиқа санъатига меҳр – муҳаббат, қизиқиш уйғотади. Она – Ватанинни севишга, бир – бирини, катталарни ҳурмат қилиш, меҳнатни, табиатни севишга, қадрлашта ўргатади ва ҳаётда ўз ўрнини топа олишга мадад беради. Бунда ўқувчилар мусиқа санъатини бутун нафосати билан ўрганишлари, мусиқани идрок этиш, якка ва жамоа бўлиб қўшиқ куйлаш ва рақста тушиш, ижодкорлик малакаларини шакллантириш. мусиқа тарбиясининг асосий мақсади ҳисобланади. Шунингдек, ўқувчилар иқтидорини ривожлантириш учун зарурий шарт – шароит яратиб берниш ва уларнинг бадиий эҳтиёжларини қаондириш мусиқа таълим – тарбиясининг вазифасини ташкил этади. Ҳозирги мусиқий таълим – тарбияси, шуни кўрсатадики, миллий мусиқа меросимизни ўрганишда, мусиқа дарсларини ва синфдан ташқари мусиқа тарбия тизимини ажамияти катта. Мусиқа дарсларини ҳаётга жорий этиш мақсадида умумий ўрта таълим мактаблари учун муснададан 1999 йили давлат таълим стандарти асосида янги дастур ишлаб чиқидаи. Янги дастурининг асосий мөҳияти аввало дарснинг мавзулари, ҳар бир чорак учун белгиланган бош мавзулардан келиб чиқади. Дарсни қизиқарли бўлиши учун мусиқа ижодкорлиги қўлланилди, барча мусиқа фаолиятлари (хор бўлиб куйлаш, мусиқа саводи, мусиқа тинглаш) дарс мавзусининг ажралмас қисми ва мантиқан узвий боғланлиб ўтилади.

«Дарс» – таълим – тарбияни амалга оширишнинг энг қулаги ва самарали шаклидир. Жамиятимизнинг турли жабҳаларда бўлаётган сиёсий – иқтисодий, ижтимоий, маърифий ўзгаришлар барча фанлар қатори мусиқа дарсларининг мазмуни ва методикасига ҳам янги замонавий талаблар қўйилди:

1. Дарсда таълимий – дидактик, тарбиявий, ривожлантирувчи мақсадларни билиш ва уларни амалга ошириш.
2. Дарсда таълимнинг фаол усул ва услубларидан фойдаланиш.
3. Дарс жараёнида ҳалқ педагогикаси ағъаналарини, жаҳон педагогика ва психологияси, санъатимиз, буюк аждодларимиз ўйтлари, ривоятларимиз, ҳикмат тўла ҳадисларимиздан унумли фойдаланиб бориш мақсадга мувофиқдир.

Маълумки, кейинги йилларда тажрибали методистлар, олимлар ва амалиётчи ўқитувчиларнинг ўқув жараёнини таҳлил қилиш соҳасида, ўтказилган ва дидактик шарт – шароитларга боғлиқ эканлиги кўрсатмоқда. Энг муҳим шарт – шароитлар қўйидағилардан иборат:

1. Дарслар, қўлланмалар, дастур, тавсияномалар, дидактик ва методик кўргазмали қуроллар ва техник воситалардан фойдаланиш.
2. Синфда ижобий психологик муҳит бўлиши.
3. Ўқитувчи ва ўқувчилар орасида ўзаро яхши муносабатда бўлиш.

Ушбу педагогик шарт – шароитларга амал қилиб, дарснинг мақсади ва мавзуси, тўғри ташкил қилинса, дарс сифатли ва самарали бўлиши мумкин.

Олий Мажлиснинг 1997 йил 28 августдаги IX – сессиясида қабул қилинган «Кадрлар тайёрлаш милий дастури» муҳим тарихий, амалий ҳужжат бўлиб таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, уни дунёнинг илфор демократик давлат даражасига етказиш ва ёш кадрларни юксак маънавий – аҳлоқий, юқори билимларга эга қилиб тарбиялашини мақсад қилиб қўяди. Шунингдек, ёш, бўлажак педагог – кадрларимизни тайёрлашда мусиқа ўқитувчиси учун зарур бўлган сифатларни шакллантиришимиз лозим. Талабаларимизни олган назарий билимлари билан бирга амалий машғулот ўтказган дарслари ва ўқув – тарбия машғулотларида гуруҳнинг барча талаблари, ўқитувчи иштироқида таҳлил ва муҳокама қилишлари лозим. Таҳлил жараёнида, энг муҳими талаба ўзининг дарс ўтказувчи ўқитувчи

сифатида тасаввур қилиб, ўз ишини уддасидан қанчалик чиқа олишини түғри баҳолай олганидаадир. Талаба томонидан ўтқазилған дарсларнинг ва тарбиявий ишларниң таҳдили, одатда ўз – ўзини баҳолашда, ўзини ҳисоботини режа ва конспекталарни таҳлил қилишдан ўз ишини баҳолай олишдан бошланади. Методист – ўқитувчи амалиётчи – талабага методик ёрдам кўрсатиш ва маслаҳатлар бериб камчилик ва юутуқларни аниқлаб түғри йўл кўрсатиши лозим. Бунда энг асосий мақсад талаба – ёшларимизни қобилият ва имкониятларини аниқлаб түғри шакллантириш ва юзага чиқаришдир. Бу борада юртбошимиз И.А.Каримовнинг – «Барчамиз яхши англаб олишимиз керакки, ҳаётимизнинг бошқа соҳаларидағи аҳвол, амалга оширилаётган ислоҳатларимизнинг самарадорлиги аввало ҳалқ маънавиятининг тикланиши, бой тарихий меросимизнинг кенг ўрганилиши, анъаналаримизнинг сақланиши, маданият ва санъат, фан ва таълим ривожи билан узвий боғлиқдир», – деган сўзлари маънавият чўққисига интилишга чорламоқда.

ТЕКШИРИШ САВОЛЛАРИ:

1. Умумий таълим мактабларида янги дастур асосида мусиқа ўқитишининг мақсад ва вазифалари нимадан иборат?
2. Мусиқа ўқитиши бўйича қандай илмий – методик ишлар, дастурлар, дарслеклар, қўйламалар яратилди ва уларнинг муаллифлари ким?
3. Ёш кадрларни тарбиялашда мусиқа ўқитишининг мақсади ва вазифалари нималардан иборат?

Таянч тушунчалар:

«Халқ чолғу асбоблари оркестри» – халқ чолғу асбобларини жамоаси, турли хил халқ асбобларида (доира, дуттор, рубоб, чанг) жўр бўлиб ижро этиши. «Оммавий қўшиқ» бастакор ва композиторлар томонидан ёзилган асар, кенг омма ижросига мўлжаллаб яратилган қўшиқ.

МУНДАРИЖА

Сўз боши.

1. Шахс камолотини ривожлантиришда мусиқа тарбиячисининг роли
2. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини мазмунни, мақсади ва асосий босқичлари
3. Мусиқа дарсининг хусусияти ва структураси
4. Мусиқа дарсининг умумдиқдактиқ принциплари
5. Мусиқа ўқитиш методикасининг мақсад ва вазифалари
6. Вокал хор малакалари ва уларнинг аҳамияти
7. Умумтаълим мактабларида дарсларни режалаштириш
8. Бошланғич синфларда мусиқа ўқитишнинг мақсад ва вазифалари
9. Биринчи синфда мусиқа ўқитишнинг мазмунини ва методикаси
10. Иккинчи синфда мусиқа ўқитишнинг мазмунини ва методикаси
11. Учинчи синфда мусиқа ўқитишнинг мазмунини ва методикаси
12. Тўртинчи синфда мусиқа ўқитишнинг мазмунини ва методикаси
13. Бешинчи синфда мусиқа ўқитишнинг мазмунини ва методикаси
14. Олтинчи синфда мусиқа ўқигишининг мазмунини ва методикаси
15. Еттинчи синфда мусиқа ўқитишнинг мазмунини ва методикаси
16. Синфдан ва мактабдан ташқари мусиқа тарбияси тизими
17. Педагогик коллежларда мусиқа фанинни ўқитишнинг мазмунини ва методикаси
18. 1920 – 90 йилларда мусиқа ўқитишнинг методикасининг қисқача тарихи
19. Хорижий мамлакатларда мусиқа тарбияси тизими
20. Ўзбекистоннинг умумтаълим мактабларида мусиқа таълими ва тарбиясининг ривожланиши

275 буюрма 200 нусха хажми 6 б.т. 2008 йил 12 ноябрь да
3 – сөнли қарорига биноан босишта руҳсат этилди.
Республика Таълим Маркази

